


Ақиқ ва
жамият



Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Сахродаги
мухаббат



УЗБ
И 75

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

Адиб ва жамият

КФ


Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

САҲРОДАГИ
МУҲАББАТ



(Қисса ва ҳикоялар)

217671



худож.

Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2019

УЎК 821.512.133-32

КБК 84(5Ў)6

Й 75

Масъул муҳаррир Орзикул ЭРГАШ

Йўлдошев, Абдуқаям

Й 75 Саҳродаги муҳаббат [Матн]: қисса ва ҳикоялар/А. Йўлдошев — Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2019. — 176 б.
ISBN 978-9943-5385-3-5

Таниқли адиб Абдуқаям Йўлдошнинг «Саҳродаги муҳаббат» қиссаси қаҳрамонлари, асосан, ёшлар. Қорақалпоқ заминидан — Устюрт даштларида, бугунги кунда улкан ўзгаришлар юз бераётган ҳудудларда меҳнат қилишади. Мамлакатимизнинг турли минтақаларидан ташриф буюрган бу ёшлар уч-тўрт тилда гаплаша олишлари билан бир вақтда ҳар қандай замонавий технологиялар билан тезгина тиллашиб кета олишади. Мустақил фикрлари, талаб ва эътирозларини бекитиб ўтиришмайди. Янги-янги лойиҳаларини ўртага ташлашади. Ва яна улар сева олади, ҳаётни ва муҳаббатни қадрлашнинг ҳам урдасидан чиқишади. Қисса қаҳрамонларининг хатти-ҳаракати, кураш ва интилишлари сизда эътироз туғдирмайди, балки уларга ишонасиз, хайрхоҳ бўласиз ва ишонамизки, севиб қоласиз.

Бундан ташқари, тўпلامдан «Мих», «Банди», «Бой» каби бир-биридан қизиқ ва такрорланмас ҳикоялар ҳам ўрин олган. Ҳар бир ҳикояда ҳаётда мавжуд иллатлар танқид қилинади, хулоса эса китобхон ҳукмига ҳавола этилади.

Абдуқаям Йўлдошнинг чуқур мулоҳазага чорловчи қисса ва ҳикоялари китобхонларга манзур бўлиши, шубҳасиз.

УЎК 821.512,133-32

КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-5385-3-5

© Йўлдошев А., 2019

© Чўлпон номидаги НМИУ, 2019



САҲРОДАГИ МУҲАББАТ

— ...Юбормайман! Ҳеч қаёққа юбормайман! — Назира хола пиқиллаб йиғлаб юборди. — Сени шу умидларда ўқитганмидим, болам? Ахир, не-не орзу-ҳавасларим бор. Кўрганнинг куни ҳисоб...

Нодир нажот сўрагандай дадасига қаради. Карим ака томоқ қириб олгач, муроса оҳангида, вазминлик билан гапиришга уринди:

— Биринчидан, аяси, сен эмас, давлат ўқитди. Теп-текинга, яна стипендия бериб турди. Иккинчидан, амалдаги тартиб-қоидага кўра...

Гап ўзани ими-жимида қаёққа йўналтирилаётганинию ота ўгли тарафга ўтиб олаётганини илваган Назира хола жон ҳолатда эътироз билдирди:

— Бюджетда ўқиган бўлса калласи борлиги учун ўқиди! Нима, шунгаям мени айбдор қиласизми энди?

Беихтиёр оғзининг таноби қочган Карим ака мақтанишдан ўзини тийиб туrolмади:

— Бу отасига тортганидан.

Онанинг фифони фалакка чиқди:

— Биров ўламан деса сиз куласиз-а, дадаси! Бир мартагина ўша тартиб-қоидангизга амал қилмасангиз нима бўлади? Ундан кўра, бундай отага ўхшаб тушунтиринг, шаҳарнинг қоқ марказида ўсган болага бийдай чўлда, заҳарли илон-чаёнларнинг орасида бало борми?

Болалигида, саратон маҳали ариқ бўйида ётганида бир қулоч ола-чипор илон қорнидан ўрмалаб ўтганидан бери бу совуқ жонивордан ўлардай кўрқадиган Карим ака сесканиб кетди. Сўнг, вазиятни юм-

шатиш учун — неча йиллик муаллим эмасми, олдиндан тайёргарлик кўриб қўйган, ахир — ноутбукини очиб, экрандаги сахро манзарасига ишора қилди.

— Мана! Қаранглар! Кўринглар! Вақт нақадар қудратли ва шафқатсиз. Бизнинг кўз ўнгимизда ястаниб ётган мана шу қақроқ сахро ўрнида бир пайтлар — тасаввур этинг-а! — улкан Тетис уммони мавжланиб турган. Ҳамма ёқ сув бўлган. Сув. Бироқ қандайдир элик-олтмиш миллион йил муқаддам, яъни бўр даври охирида, Марказий Осиё заминининг кўтарилишига сабаб бўлган қудратли тектоник зарба туфайли сув қуруқликка таслим бўлиб, Шимолий муз океани томонга чекинган. Уммон ўзидан Марказий Осиёнинг катта ҳудудини эгаллаган Қорақум, Қизилқум ва...

Ўз маърузасидан ўзи лаззатланаётган турмуш ўртоғининг тобора илҳомланиб-ҳаяжонланиб бораётганини кўрган Назира холанинг афти буришди:

— Дадаси, интерактив дарсингизни мактабда ўтасиз. Ҳозир бўладиган гапдан гапиринг! Болангизнинг тақдири ҳал бўляпти, ахир!

Бунақа зарбани кутмаган Карим ака шошиб қолиб гапидан адашди, каловланди, алоҳа аёли ўзидан нима кутаётганини тушунди чоғи, ноутбук экрандаги суратга ишора қилган кўйи умумийроқ хулосасини баён этди:

— Қаранглар, мана булар сирли масканни қўриқлаётган ёввойи ҳайвонлар — сфинксларни ёдга солиб юборадиган табиий шакл. Табиат ўзининг бу ҳайкаллари билан гўё бизни «Тўхта! Бу ерни «Борсаке-мас» дейдилар! Борсанг, ортингга қайтолмайсан!» — дея огоҳлантираяпти...

Назира холага жон кирди:

— Ҳа, ана, «Борма!» деяётган экан-ку! Огоҳлантираётган экан-ку! Бежиз эмасдир бу.

Карим ака гапни илиб кетди:

— Чунки сахро катта-катта туз жарликларидан иборат. Мана, расмларини қаранглар. Бунақанги жар-

ликлар орасида одамни тириклай ютиб юборадиган-лариям бор.

Шу пайтгача баҳсга аралашмай ўтирган Дилфуза «пиқ» этиб кулиб юборди:

– Адажон, одамни ваҳимага солганингиз-солган-а!
Карим ака бўш келмади:

– Гапнинг тўғрисиюм шу. Қанчадан-қанча одамлар «Борсакелмас»га не-не эзгу ниятларда бориб, афсуски, қайтиб келишмаган, келишолмаган...

Назира хола Нодирга умидвор термилди:

– Ўғлим, ё бормай қўя қоласанми?

– Ойи, адам айтган гаплар ўтмишда бўлган. Ҳозир ҳамма ёқ техника, телефон.

Бу гап ёқмаган Карим ака норози бўлиб қошларини чимирди:

– Алдагани ота-она яхши-да, а, болам? Телефон эмиш. «Борсакелмас»да телефон ишлармиши? Одамнинг кулгисини қистатма. Нима, ҳар ўн чақиримга биттадан антенна ўрнатиб чиқишибдими? Токка улаб, а? Ҳа-ҳа-ҳа... Хуллас, қисқаси, ўғлим, шаҳарда ўсган болага сахро тўғри келмайди. Майли, бор, бир кўри-ниб қўй, рўйхатларга исмингни тирка. Сўнг дарров орқага қайт. Магистратурага кир, илм қил. Калланг бор-ку. Бу амалдаги тартиб-қоидага ҳам зид эмас. Магистратура икки йиллик иш стажингга ўтади.

Ақаси икки томонлама ҳужумга қолаётганини кўрган Дилфуза кўмакка шошди:

– Ойи, ада, бунча... Қизларам бораётган экан-ку.

Назира хола анграйиб қолди:

– Қизлар? Шунақами?

Нодир тушунтирди:

– Шунақа. Қизлар эмас, битта қиз. Бюджетда ўқиган.

Хола яшнаб кетди:

– Вой, ўзимизнинг Моҳидилми?

– Ҳа.

Назира хола дарров амалий ишга ўтди:

– Ўқийвериб чарчаган бўлса ота-онаси бир-икки ҳафта дам олиб келишга рухсат бергандир-да. Унда бундай қил, жон болам. Бу ерда жаврайвериб жағим чарчади, барибир айтганимни қилмадинг. Ҳеч бўлмаса ўша ёқда эканингда қақажон Моҳидил билан яхшилаб гаплашиб ол, хуллас, гапни бир жойга қўйиб, бирга қайтинглар.

Карим ака илжайди:

– Ундан сўнг битта мулла, бир калла қанд, уч сўм пул...

Хола бу сафар эрининг гапини маъқуллади:

– Бу ёғидан ғам ема, жон болам, ҳаммаси тайёр. Фақат оғзингдаги ошни олдирма, шундай қиздан қуруқ қолиб ўтирма.

– Ўзингиз уни маҳмадона, бидир-бидир қиз экан дегандингиз-ку, – ҳайрон бўлди Нодир.

– Айтган бўлсам айтгандирман. Ўйлаб кўрсам, менга писмиқ, ичимдагини топ қиздан кўра шалдиршулдир, очиқ, бир қоп ёнғоқ келин маъқул экан. Ана, бешинчи қаватдаги Нодира нима бўлди? «Вой келиним ундоқ юмшоқ, вой келиним бундоқ пахта, куни билан миқ этиб овоз чиқармайди, ердан кўз узмайди», – деб мақтагани-мақтаган эди. Бир куни ишдан эртaroқ келса, майиз емаган ҳалим келини...

Карим ака безовталаниб томоқ қирди, ўзига «ялт» этиб қараган хотинига кўз ишораси билан Дилфузани кўрсатди, баайни «боланинг тарбиясини бузма» демоқчи бўлди. Педагогика масалаларида эрининг тажрибасига таянадиган Назира хола дарров ён берди:

– Хулласики, синамаган отнинг сиртидан ўтма, деганлар. Моҳидил синовдан ўтган қиз. Ўзиям бир уйни обод қиладиган келин бўлади.

– Сочини супурги, қўлини косов қилиб, хизматингизда бўлади, – дея кулиб қўйди Дилфуза.

– Шайтон қиз, сен аралашма! Келин бўлганидан кейин хизматимни қилади-да. Бир-иккита туғиб олсин, кейин ўзи иш-пишини эсдан чиқариб, остона

ҳатламайдиган бўлиб қолади. — Баногоҳ Назира хо-
ланинг товуши титраб кетди: — Менга ўхшаб...

Дарвоқе, хола вақтида эрининг даъватию қўллаб-
қувватлашлари билан педагогика институтини бити-
риб, мактабда бошланғич синфларга уч-тўрт йил
сабоқ беришга ҳам улгурган эди. Бироқ қизи кўп хас-
таланаверганлигидан юрагини олдириб қўйган аёл
охир-оқибат ишдан бўшаб, уйда болалар тарбияси
билан машғул бўлишга қарор қилди. Тўғри, кейинча-
лик бу қароридан афсусланган пайтлари ҳам бўлган-
дир, аммо буни оила аъзоларига сира сездирмади,
шу мавзуда гап очилганида ишонч билан: «Тўғри қил-
ганман! Менга бола азиз!» — деб тураверди.

Орага чўккан ўнғайсиз сукунатни биринчи бўлиб
Дилфуза бузди:

— Ака, интернетда ўқидим, расмлариниям кўрдим.
У ерда чиройли карис қизлар ҳам ишлармиш. Шу гап
ростми?

— Рост. Бизга бекорга корейсчани ўргатишмади-
ку.

Назира хола безовталаниб қолди:

— Вой-вой-вой! Яна уларнинг биронтаси билан
топишиб қолмагин-а.

— Умуман олганда, корейс миллати тарихийлик
нуқтаи назаридан бизга яқин. Чунки...

Хола дарров эрининг бошланиб келаётган маъру-
засини тўхтатди:

— Дадаси! Ҳеч бўлмаса ҳозир тарихингизни
қўйиб туринг. Ахир, гап ўғлингизнинг келажаги
хақида кетяпти.

Карим ака илжайди:

— Албатта, албатта! Лекин қурмағур корейс қиз-
лари жуда гўзал бўлади-да. Ўзинг «Тангем»ни олти-
етти марта томоша қилдинг-ку! Ўшандай табиб ке-
лининг бўлса ёмонми? Ўтирардинг, ҳамма ёғинг тил-
ла игна... худди жайрага ўхшаб...

Назира хола чинқириб юборди:

— Дадаси!

Эр дарров қўлларини кўксига қўйди:

— Тавба қилдим, аяси, тавба қилдим. — Сўнг, оила хўжайини сифатида, қарорини эълон қилди:

— Бўпти, ўғлим, элга келган тўй экан, бор, бир-икки ой ишлаб кўр. Магистратурага ҳужжат топшириш пайтигача қайтиб келсанг... қайтиб келсаларинг бўлди.

— Қанақа икки ой? — капалаги учиб кетди Назира холанинг. — Қанақа икки ой? Тўрт-беш кун кўринсанг бўлди-да, кейин Моҳидил билан келишиб, ортга қайтаверасан. Бўптими?

Нодир аниқ жавобдан ўзини олиб қочди:

— Аввал етиб олаверайлик-чи.

— Келишдик. Вазиятга қараб иш тутасан. — Хотинининг ўзига норози қараётганини сезган Карим ака мавзуни бошқа томонга буришга шощди: — Хўш, Нукусгача самолётда, албатта. У ёғига транспорт бормикан?

— Ада, Ўткир машинасида обормоқчи. Эртага сахар кетамиз. Йўл-йўлакай Самарқандни зиёрат қилиб ўтсак дегандик.

Карим ака кўрсаткич бармоғини шифтга нуқиди:

— Кўрдинг, аяси, буларнинг ақли бутун. Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат...

Назира хола лаб бурди:

— Кўчада юрган мой ютади, уйда қолган қон ютади, деяверинг.

— Тўрт йил эзилиб ўқиганларидан кейин бир яйрашса-ййрашади-да, аяси. Улар бунга муносиб. Бўлди, машварат тугади. Сен, аяси, бундай ўтиравергандан кўра яхшиси йўлга у-бу тайёрла... Сен-чи, қақажон, сен нима пишириқ қиласан?

Дилфуза пичинг қилди:

— Бир тоғора чим-чим тайёрлаб бераман.

Карим ака одатига кўра бу гапни жиддий қабул қилди:

— Умуман олганда, Олтиариққа турп кўтариб бор-майдилар-у, лекин, майли, тайёрлайвер, йўлда еб кетишар...

* * *

Ҳаммаси яхши кетаётганди. Қадим Самарқанд. Улуғбек расадхонаси, Регистон, Шоҳи Зинда, сирли зиналар... Кейин йўл, йўл... Жаҳонгир бошловчилик қилиб турди, Газлидан сўнг Хоразмга кирмасдан, яқин йўл билан Нукусга ўтишди, ундан Қўнғирот томон юришди. Кенг йўлнинг ойнадай текислиги шавқини қўзғатдими ё ёнида ўтирган, ўзи йўл бўйи хушомад қилиб келган Моҳидилга машинасининг қудратини яна бир бор кўрсатиб қўйгиси келдими, Ўткир газни охиригача босиб, кам учраётган уловларни шиддат билан қувиб ўтганча «Нексия»ни учуриб кетаётганди... кўча бўйидаги дарахтлар орасидан шошиб чиқиб келган миршаб қизил таёғини кўтариб, тўхташ ишорасини қилди.

Миршаб ўзига қизгин эътироз билдираётган Ўткирни дарахтлар орасига бошлаб бориб, яхшилаб беркитиб қўйган камерасида кўрсатди: рухсат этилган тезлик соатига тўқсон километр экан, «Нексия»нинг кўрсаткичи эса роппа-роса бир юз ўттиз.

Агар миршаб буни расмийлаштира, отнинг калласидай жарима тўлашга тўғри келишини, бунинг устига қоида бузилиши ҳақидаги маълумот бир йилгача компьютерда сақланишини тушуниб турган Ўткир келишишга ҳаракат қилди:

— Ақа, меҳмонмиз... Ўйнагани эмас, ишлагани келяпмиз... Хоҳласангиз, йўлланмаларимизни ҳам кўрсатишимиз мумкин...

Ўткир гап орасида инспекторнинг чўнтагига бир даста пул солиб қўйишга уринди. Аммо қаримсиқ сержант кўнмади:

— Ақшангни олиб қўй, бўлмаса буниям протоколга қўшиб қўяман.

Вазият жиддий тус олаётганини кўрган Жаҳонгир келиб инспекторга ялиниб кўрди, ўзининг тўрткўллик, инчунун мезбон эканлигини таъкидлади, меҳмонлар олдида хижолатга қўймасликни ўтиниб сўради. Аммо бугун чап ёни билан турган эканми, миршаб бу ўтинчларга парво ҳам қилмади, «ёзаман» деб туриб олди, ёза бошлади ҳам.

Жаҳонгир ёлворди:

– Ўша жаримани ўзингизга тўлай қолайлик.

Ўткир қўшимча қилди:

– Икки баробар... уч баробар... тўрт баробар...

Миршаб бош чайқади:

– Мумкин эмас. Менга жарима ундириш ваколати берилмаган. Лекин план берилган. Мен планни бажаришим керак.

Илтимоси ерда қолиб ўрганмаганиданми, тобора асабийлашиб бораётган Ўткир ачитиб гапирди:

– Бугун кеннойим билан уришиб чиқиб, аламингизни биздан оляпсиз шекилли, а, ака?

Миршаб унга ёвқараш қилди:

– Кеннойингни сенга ўхшаган бойвачча бир юз йигирма тезликда уриб ўтиб кетган.

Яна нимадир демоқчи бўлаётган Ўткир тишлари орасидан «чирт» этказиб тупурди-да, ўн беш-йигирма қадам нарига бориб, йўл четидаги тошга ўтирди, сигарета тутатди.

Миршаб баённомани ўзи ёзди, ўзи келиб, ҳайдовчига имзолатди:

– Правангизни Тошкентга юборамиз. Ўн беш-йигирма кунларда етиб борса керак.

Ўткир нимадир демоқчи бўлди, аммо бунинг фойдасизлигини сезиб, жаҳл билан қўл силтаб қўя қолди.

Йўлнинг қолган қисмида жимгина кетишди. Норбойнинг:

– Бирдан, ДАН ходими йўл четидан, пастак да-рахтлар орасидан чиқиб келганидан Ўткирнинг асаби бузилганидан сўнг, айниқса, беғараз таклиф этил-

ган пулдан ДАН ходими қатъий равишда воз кечганидан баттар жаҳли чиққанидан... — қабилидаги гапига ҳам ҳеч ким, ҳатто тишининг оқини кўрсатмади.

Фақат Жаҳонгир:

— Аввал ДАН эди, ҳозир, адашмасам, ЙПХ, — деб қўйди.

Бунга жавобан Норбой минғирлади:

— Ном ўзгараверади, моҳият қолаверади. Мен ҳалигача: «Болалигимдан ГАИ ходими бўлишни орзу қилардим», — деган одамни учратмаганман, бундан кейин ҳам бундайин бахтга мушарраф бўлмасам керак...

Жағида олхўридайд гудда бориб келаётган Ўткир харитага бир қараб қўйди-да, ногоҳ тезликни яна юздан ўтказди. Спидометрга кўз ташлаган Моҳидил пичинг қилди:

— Айрим одамлар эса ҳассасини икки марта йўқотишга ишқибоз бўлишади.

Бироқ ҳайдовчи бу гапга эътибор бермай, тобора тезликни ошираверди. Бунинг сабаби тезда аён бўлди: текис асфальт бўйида ўнгга қайрилиш белгиси ва «Қўнғирот» ёзуви турарди.

Бу ёғи энди тупроқ йўл эди. Устига-устак, ўнқир-чўнқир ҳам экан. Бир пасда машина қуюқ чанг ичида қолди. Ўткир чангдан қочиб улгурмоқчидай тезликка зўр берарди. Машина ҳар сакраганида йўловчилар жойларидан учиб кетардилар, бошларини томга уриб олардилар.

Мана шу талотўпда Жаҳонгирнинг: «Бу ёғини билмайман... менимча чапга, йўқ ўнгга», — деган кўрсатмаларини эшитса-да, уларга амал қилмай қўйган Ўткир ўзига маъқул кўринган йўлдан, саҳронинг танобини тортиб қўймоқчидай машинани тез ҳайдаб кетаверди. Норбойнинг жон аччиғида:

— Шайтон араванг ичак-чавоғимни афдариб юборганди. Энди бир ками бошимни ёришинг қолувди, — дея бобиллаб бериши ҳам унга таъсир қилмади.

Жаҳонгир норози бўлиб тўнғиллади:

— Бу йўл эмас...

Шу аҳволда узоқ юришди. Балонлар орасига ўзини ураётган саҳронинг охири кўринай демасди.

Бир харитага, бир ойнадан бош чиқариб кўкка термилганча босиб келаётган қорамтир булутлар орасидан қуёшни топишга беҳуда уринаётган Нодир илтимос қилди:

— Ўртоқ, мен бироз ҳайдай.

Ўткир бош чайқади:

— Мен, биринчидан, — у рулга шапатилади, — тулпоримни, иккинчидан эса, — йигит Моҳидилга маънодор кўз ташлаб тураверди, — яхши кўрган қизимни ҳеч кимга ишонмайман.

Моҳидил лаб бурди:

— Кўнглингизнинг кўчасидан! Менга эмас, йўлга қаранг, яхши йигит, йўлга.

Ўткир бўш келмади:

— Йўл бўлса қарайман-да, яхши қиз. Менинг юрагимдай тилка-пора бу чўлда ҳамма сўқмоқлар фақат сизга олиб боради.

Нодир хавотирланиб уфққа ишора қилди:

— Шамол босиб келяпти.

— Э, қанақа шамол...

Норбой гапани тугатмасдан бирдан кучли шамол кўзғалди-ю, зум ўтмай у бўронга айланди. Буларнинг бари шу қадар тез содир бўлдики, машинадагилар ҳали ўзларини ўнглаб олмасларидан бурун Нодир:

— Орқада бўрон. Бос! — деб бақирганида ҳам улар ҳали нима содир бўлаётганини тушуниб етмагандилар.

Аммо Нодирнинг овозидаги ваҳимани илғаган Моҳидил ҳайдовчининг газ ричаги устидаги оёғини қаттиқ босди, машина ўкириб олдинга интилди. Ортдан эса шиддат билан ваҳшатли бўрон яқинлашиб келмоқда эди. Бўронга бир қараб, ранги қумдай оқариб кетган Норбой бақириб юборди:

— Бу... бизни учириб кетади!

— Ваҳима қилма! — унинг дир-дир титраётган қўлидан тутди Жаҳонгир. — Учириб-ку кетолмас, лекин машинани ағдариши мумкин.

Машина ён ойнасидан осмонга ўрлаб босиб келаётган қора тўзонни кўрган Ўткир беихтиёр инграб юборди:

— Э Худо, дадам айтганди-я «Сенга қуруқ чўлда пишириб қўйибдимми?» — деб... Бизни ажал етаклаб келган бу ерга, ажал!

Энди сал ўзини босиб олган Норбой ғалати илжайди, сўнг ҳамон қўлини маҳкам чангаллаб турган Жаҳонгирга ҳазил қилган бўлди:

— Сен хумпар ҳаммадан бурун уйланиб олиб тўғри қилган экансан. Ҳеч бўлмаса асал оии нима эканини билдинг. Биз шўрликларда нима айб? На хотин, на...

Жаҳонгир уни силтаб ташлади:

— Шу пайт кўнглингга ҳазил сиққангани...

Моҳидил ваҳима ичида:

— Вой! Бу нимаси?! — деб чинқирди.

Бўрон машинани қолаб олган, ойналарга саноқсиз қум зарралари шу оний сониянинг ўзида парча-парча қилиб синдириб ташлагудай шиддат билан тарсиллаб урилар, борлиқ қўрқинчли зулмат оғушида эди. Қизга қўшилиб бошқалар ҳам бақириб юборишди.

Машинанинг олд қисми нимагадир урилди, мотор, моторга қўшилиб чироқлар ҳам ўчди...

* * *

Хайрият, бу азоб узоқ давом этмади. Бўрон қанчалик тез келган бўлса, шунчалик тезлик билан ўтди-кетди. «Нексия» тепаликка бурни билан келиб урилган экан, бўрон чоғи ярмига қадар қумга кўмилиб қолибди. Ичигаям қум кирганми, яқинда содир бўлган ваҳима таъсирида ҳамон кўкраги кўтарилиб тушаётган Ўткир калитни қайта-қайта буради, мотор «ғичир-ғичир» қилади, холос, аммо ишламайди.

Нодир ойнани тушириб, қумни сурди, эшикни бир амаллаб очиб, ташқарига чиқди, бошқаларга ҳам кўмаклашди. Ўткир тишларини фижирлатиб, тупурди:

– Оғзим қумга тўлибди...

Жаҳонгир қум тепалигига ишора қилди:

– Шукр қил, Ўткирбой, шукр қил. Етти юзми-саккиз юз тоннами қум бира тўла ўзимизни кўмиб қўя қолганида нима қилардинг? Ҳалиям икки тепалик орасига тушиб қолганимиз, бўлмаса...

Ёшлар атрофга аланглашди. Бийдай саҳро.

Жаҳонгир капотни очиб, моторни кўздан кечирди, кейин афсусланиб бош чайқади:

– Аккумуляторни ўлдирибсан. Энди бунингнинг бир уюм темирдан фарқи йўқ. Ўткир чўнтагидан телефонини олиб қараб, кайфияти баттар тушди:

– Антенна йўқ.

Ҳамон дағ-дағ титраётган Норбой бошқалардан кўра кўпроқ ўзига далда бериш учунми, яна ҳазил қилишга уринди:

– Меҳрибон дадангга айтганингда, машинангга навигатор қўйиб берган бўларди.

– Қаерларга улоқиб келиб қолдик, йигитлар?

Қизнинг саволига жавобан қўлидаги харитага қараб қўйган Нодир елка қисди:

– Аниқ бир нима дейиш қийин.

Жаҳонгир ишонч билан таъкидлади:

– Лекин Устюртда эканимиз аниқ, болалар.

Кўқдан булутлар жуда тез ариди, қуёш чарақлаб юз кўрсатди.

Атроф бирдан исиб кетди. Яқиндаги тепаликка чошиб чиққан Норбой бирдан бақириб юборди:

– Йигитлар! Моҳидил! Орол! Орол!

Жаҳонгир кўрсаткич бармоғини чеккасига тақаб айлантирди:

– Томи кетиб қолди бу боланинг! Биз қаёқда-ю, Орол қаёқда! Нима, саккиз юз километр жойга учиб келдикми?

Бироқ Норбой шодланиб, бақиришда давом этаётганини кўрган қолганлар шошиб қум тепалигига чиқишди.

Дарҳақиқат, олдинда, қуйида уфққа тутшиб кетган денгиз...

Норбой жойида сакради:

— Юринглар, бориб бир чўмиламиз. Зўр саёҳат бўлди-да лекин.

Шу таклифидан сўнг ўзи биринчи бўлиб денгиз томон чопди, унга Жаҳонгир эргашди.

Нодир эса зўр бериб харитани кўздан кечирарди. Моҳидил йигитга қаради:

— Агар географиядан олган маълумотларим тўғри бўлса, бу ерда Орол денгизи бўлиши мумкин эмас. Шундайми?

Ниҳоят, харитадан бош кўтарган йигит руҳсиз жавоб қайтарди:

— Шундай. Бу денгиз эмас.

Ўткир ҳайрон қолди:

— Унда нима? Ана, кўриниб турибди, денгиз. Моддий мавжуд. Сенга яна қанақанги исбот керак, ўртоқ? Ё иссиқ уриб, кўзинг яхши кўрмай қолдимиз?

Нодир индамади, ўйчан тарзда бир-бир босиб пастга тушди. Ўткир билан Моҳидил унга эргашишди.

Уларнинг кафтида бир ҳовуч туз тутган Норбой ажабланиб кутиб олди:

— Чўмилай десам, суюқ туз...

— Бу денгиз эмас, — тушунтирди Нодир. — Туз кони бу... Бу ерни... бу ерни «Борсакелмас» дейишади.

— А? — Ўткир тап этиб ўтириб қолди. — «Борсакелмас»... Аввал ўлмасак ҳам энди ўлдик. Дадам айтгандилар-а: «Борсакелмас» одамни тириклай ютиб юборади деб. Тириклай... — У шошиб чўнтагидан телефонини олди, экранчасига қараб, алам устида бош чайқади: — Йўқ! Ҳеч нима йўқ!

Норбой гарангсиб, атрофга аланглади, кейин деярли шивирлаб гапирди:

— Бир нарса дейишгайм кўрқиб қолдим. Лекин ҳов анави деворларни кўраётганим ростми, болалар?

Ҳамма Норбой кўли билан ишора қилаётган томонга қаради. Узоқда, тепалик устида қалъа деворлари қорайиб турарди.

Ўткир бирдан жонланиб қолди:

— Рост, рост! Менам кўряпман!

— Бу, менимча, қалъа деворлари, — тахмин қилди Жаҳонгир.

Ўткир кафтларини бир-бирига ишқади:

— Аҳа! Қалъа борми, демак одам ҳам бор! Юринглар, тез борайлик. Анави қирни ошиб ўтсак бўлдида... Айтиб кўяй, мен чанқаяпман.

Ўткир қалъа томон чопди. Аммо қир устига биринчи бўлиб чиққач, гарангсиб туриб қолди.

— Нега тўхтадинг, Ўткир? — сўради унинг ортидан кўтарилаётган Жаҳонгир.

— Болалар, — қандайдир ўзига ҳам ишонмаётгандай тарзда иккиланиб деди Ўткир, — қалъа... ҳозиргина бу тарафда эди-ку. Энди бўлса... бу ёққа ўтиб қолибди.

Барча боя қалъа кўринган тарафга қаради. Чиндан ҳам қалъа олдинги жойида йўқ, тўғриси, энди бошқа, бутунлай қарама-қарши тарафда эди.

— Галлюцинация фақат менда бошландими? — кўзларини ишқалади Ўткир. — Ё сенларда ҳамми?

Жаҳонгир аввал кўзойнагини ечиб шу тарафга тикилди, кейин тақиб.

Сўнг хулосасини эълон қилди:

— Бир нарса аниқ: қалъа кўчган.

— Ё қудратингдан! — деб юборди Норбой.

Нодир ётиғи билан тушунтиришга уринди:

— Болалар, гап шундаки... «Борсакелмас»да шунақанги оптик иллюзия борлиги ҳақида ўқигандим.

Бу қалъанинг номи «Шайтон қалъа». Адашиб қолган одамлар «Ана, қалъа кўринди» деб чопаверишади, чопаверишади...

Йигит жимиб қолди.

— Кейин-чи? — сўради қиз.

Норбой «ҳаммаси тушунарли» дегандай қўллари-ни икки ёнга ёйди:

— Кейин нима бўларди? Сувсизликдан таррақдай қотиб, ўлиб қолишади.

Жаҳонгир қўшимча қилди:

— Жасади қузғунларга ем бўлади.

Ўткир алам билан муштларини бир-бирига урди:

— Бўлди-эй!.. Э Худо, шу лойихага аралашиб қолган кунимга минг лаънат. Дадам айтгандилар-а...

— Дадангни тинч қўй, — деди Нодир. — Ҳозир у киши бизга ёрдам беролмайдилар. Лекин, айтиб қўяй, ваҳимага тушадиган бўлсак, элбурутдан таррақдай қотишимиз аниқ. Шунинг учун хотиржам бўлиб, маслаҳатлашиб олайлик. Аввал машинага қайтамыз. Кетдик.

Нодир ортга юрди, қолганлар унга эргашишди. Ўткир тинмай минғирлаб-нолиб келди:

— Ўтирмайманми уйимда маза қилиб...

Машинага биринчи бўлиб етиб келган Нодир баклажкадаги сувни сумкасига солди, сумкани елкасига илди.

— Сувни бер, ўртоқ, — қўлини чўзди Ўткир. — Тилим шишиб кетди-ку.

— Шошмай тур. Буни тежаб ишлатишимиз керак. Бироз юргандан кейин ичамиз.

Аммо Ўткир оёқ тираб туриб олди:


— Лекин менинг ҳозир ичгим келяпти. Ўлгудай чанқаганман.

— Чида, офайни, чида, — унга далда беришга уринди Жаҳонгир.

— Чидамайман! — баттар қайсарлик қилди Ўткир.

— Агар ҳозир сув ичмасам... бир қадам ҳам юролмайман. Чин сўзим.

Нодир шерикларига қаради, кейин баклажкани Ўткиргга тутди.



– Шошмасдан, уч қултум ич. Етади.

Ўткир идишни Нодирнинг қўлидан деярли юлқиб олди-да, шоша-пиша оғзига солиб, бир лаҳзанинг ўзида деярли ярмини қултилатиб ичиб қўйди. Нодир баклажкани ундан тортиб олди.

Норбой ҳуштак чалиб юборди:

– Ўҳ-ҳў! Иштаҳа зўр-ку, оғайни.

Нодир харитага қаради.

– Кетдик. Шарқ томонга юрамиз.

– Машинам-чи? – ажабланди Ўткир. – Бу ко-рейский сборка.

Норбой файласуфона оҳангда тасалли берди:

– Бош кетгандан сўнг сочга ачинмайдилар, ўртоқ.

– Бир машина бош-кўзингдан садақа, – орага қўшилди Жаҳонгир. – Даданга ўзимиз тушунтирамиз, юравер.

– Уни бўри ермиди. Қўрқма, одам топсак, келиб олиб кетамиз.

Шундай дея Нодир кун чиқар тарафни мўлжаллаб йўл бошлади. Унинг ортидан Моҳидил, Норбой, Жаҳонгир юрди.

Машинасига қараб-қараб қўяётган Ўткир сафнинг охиридан ўрин олди.

* * *

Кўкда қуёш аямай нур сочади. Вужудларидан аччиқ тер қуйилаётган, лаблари пўрсиллаб ёрилган йўловчилар аранг қадам ташлашади.

Навбатдаги тепаликка чиқиш олдидан Ўткир қумга гурс этиб ўтириб қолди, ожизона пичирлади:

– Мен тамом бўлдим... Ортиқ юролмаيمان... Сув... сув...

Саф бошидаги Нодир тўхтаб, ортига қайтди, охириги бир неча қултум суви қолган баклажкани Ўткирга берди. Ўткир исиб кетган сувни ютоқиб ичди.

– Эликка чиқди-ёв, – деб қўйди қуёшга кўзларини қисиб қараган Нодир.

Жаҳонгир бош чайқади:

— Бемалол олтмиш деявер.

Моҳидил уф тортади:

— Ҳаммом-а, ҳаммом.

Норбой дабдурустан:

— Эҳ, Моҳидилхон, қани энди ҳозир сиз билан ҳаммомда бўлиб қолсам, — деди.

Қиз унга ўқрайиб қаради:

— Айниманг, йигит.

— Нима қипти, ўлаётган одамнинг охирги илтимоси бажарилади, дейишади-ку. — Норбой келиб қизнинг қўлидан ушлади:

— Юринг, жоним, бир чеккага ўтайлик. Кўрасиз, ана шундан кейин икковимиз ҳам тўппа-тўғри жаннатга бориб тушамиз.

Жаҳонгир кулди:

— Алдама. Жаннат ҳурлар учун.

— Бекор айтипсан! — қизгин эътироз билдирди Норбой. — Мен ўқиганманки, агар йигит билан қиз, тойис эркак билан аёл...

Ўткир ўтирган жойида атрофга аланглаб отишга бирон нима қидирди, ҳеч нарса тополмагач муштини дўлайтирди:

— Оғзингга қум тиқиб ўлдираман сени, пачақ!

Бўйи пастлиги ҳақидаги ҳар қандай гап, ишорани ўзига нисбатан ҳақорат сифатида қабул қиладиган Норбойнинг ранги кўкариб кетди, аммо у буни билдирмасликка уриниб, елка қисиб қўя қолди:

— Ўзи шусизам якун ҳаммамиз учун шундай бўладиганга ўхшаб турибди-ку, жўра. Уни алоҳида олинган шахс учун тезлаштиришга на ҳожат?

Моҳидилнинг жаҳли чиқди:

— Йигитлар, шу пайт бекорчи валақлашга бало борми?

Бироқ Норбой сира ён берай демасди:

— Бу бекорчи валақлаш эмас, ҳаёт-мамот масаласи. Зеро, ажал бошинг устида қиличини сермаб тур-

ганида ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни гапиришга мажбурсан.

— Кулдирма, шоир, — беҳол қўл силтади Жаҳонгир. — Ўзи ўлай деб турибман.

— Болалар, сал дам олайлик, — таклиф қилди Ўткир. — Оёқларим қотиб қолди.

— Ие, қанақа дам? — Жаҳонгир «пиқ» этиб кулиб юборди. — Эшитмадингми, анави, ажал бошинг устида қилич сермаб турганида юриш керак, фақат юриш!

— Э, асли бекорга тилни осилтириб чопгандан кўра, машинаминг олдида ўтиравериш керак эди, — эътироз билдирди Ўткир. — Бизни излаб келишарди.

— Устюртда бизни излаб топишдан кўра фарам ичидан игнани топиш осонроқ.

Нодирнинг бу гапидан кейин Жаҳонгир алам билан қўл силтаганча қирга бир амаллаб кўтарилди, атрофга аланглади, кейин пастга қаради ва ногоҳ тантанали равишда эълон қилди:

— Умуман, ҳаммаси тўппа-тўғри. Назарий жиҳатдан олганимизда ҳам ўнг оёғимизда чап оёғимизга нисбатан каттароқ қадам ташлаймиз. Демак, маълум радиус оралиғида яна аввалги жойимизга қайтиб келишимиз маълум ва равшан эди. Табриклайман, жаноблар! Табриклайман, хоним! Сени алоҳида табриклайман, Ўткирбой! Корейский сборка машинанг бус-бутун турибди.

Ранги оқариб кетган Нодир шошиб қирга кўтарилди. Чиндан ҳам пастда қумга кўмилган «Нексия», кейинги қир ортида эса кўм-кўм туз кони... Нодирнинг ортидан тепаликка деярли эмаклаб чиқиб келган Ўткир ўз кўзларига ишонмаётгандек машинасига, туз конига қаради-ю, бошини чангаллаб қолди.

* * *

Ҳар нечук олдинда, уфқ ортида недир умид, илинж чорлаб-имлаб турганди. Дейлик, кутилмаганда катта

йўл ёки, яхшиси, овул, одамлар чиқиб қолади-ю, бу азобларга бутунлай барҳам берилади, булар қўрқинчли туш мисоли унут бўлади. Аввал тўйиб-тўйиб сув ичишади... сув... зилол сув... яна ичишади...

Шафқатсиз воқелик эса бу янглиф умид-илинжларнинг алдамчи сароб, рўё эканлигини кўрсатди. Натижада, шу пайтгача йўловчиларни ушлаб, тиргак бўлиб турган нимадир «чўрт» этиб синди, нимадир кўнгилни тарк этди, энди улар улқандан-улқан саҳрода буткул ноумид, хувиллаган қалбларида ваҳима-қўрқув даҳшати билан ёлғиз қолдилар. Энди улар ўзларини юҳо саҳро измидаги ожиз ва ночор мавжудот деб ҳис эта бошладилар. Баайни ушбу таассуротни янада кучайтирмоқчидай, ногоҳ кўтарилган шамол қуюнга, қуюн тўзонга, тўзон эса бўронга айланди. Ёшлар бир амаллаб машинага етиб бориб, кабинага кириб олишга аранг улгуришди.

Сахро қутургандан қутурадди. Машинага ҳар томондан ёвуз шиддат, ёввойи қаҳр билан келиб урилаётган бемисл куч айни сониянинг ўзида ойналарни парча-парча этиб ташлайдигандай, бир тонна темирни одамлари билан қўшиб хас мисоли ҳавога кўтариб олиб чиқадигандай ва бу сарҳадсиз кенгликнинг аллақайси пучмоғига олиб бориб итқитадигандек, эҳтимолки, улар устида миллион-миллион тонна қум уйилган янги тепалик бунёд этадигандек эди.

Сахро ўкирар, увиллар, ҳуштак чалар, терак баргидай дир-дир титраётган машинага қамалиб қолган тўрт йигит ва бир қиз устидан юзсизларча қаҳ-қаҳ отиб кулар, асаблари чатнаб, кўзига ҳеч нарса кўринмай қолган Ўткирнинг жон алфозда рулни муштлаб:

— Нега мен?! Нега мен?! Э Худо, айбим нима эди менинг? — дея ҳайқириндилари, ўкраб йиғлашлари эса бу манзарага баттар мудҳишлик, баттар умидсизлик ва ваҳм бағишларди.

Йўқ, бу ҳали ҳаммаси эмасди. Қум тўзони аро туйқусдан машинанинг олд ойнасига нимадир тар-

силлаб урилди. Шундоқ ойнага қапишиб, тиржайиб турган одам бош чаноғини кўрган кабинадагиларнинг шайтонлаб қолишларига бир баҳя қолди. Бу недан ишорат? Бу ненинг рамзи? Агарким, китобларда баён этилганидай, ҳар қандай тасодифийликда ботиний қонуният, ички тартибот мавжуд экан, табиатнинг бу совуқ ишорасида не сир-синоат, не тилсим бор?..

Алоҳа... ҳаммаси барҳам топди: мушук-сичқон ўйинидан зериккан бўрон бу ерларни ташлаб, янги ўлжалар завқида қайларгадир улоқиб-тентиб кетди. Бу сафар томига қадар қумга кўмилган машинадагиларнинг ўлик-тириклигини билиб бўлмасди. Йўқ, мана, кимдир қўлларини қимирлатди, яна кимдир энтикиб нафас олди. Бу аломатлар ҳаёт учун кураш бошланганини билдирарди.

Нодир бир амаллаб ойнани пастга туширди, кабинага шувиллаб қум қуйилди, шу баробарида тепада бир тутам нур кўринди...

Машинадан минг машаққатлар билан ташқарига чиқиб олганларнинг аҳволига ҳавас қилиб бўлмасди. На бир қултум сув бор ва на бир тишлам егулик. Инчунун, улар улкан саҳро бағридаги қум зарралари янглиғ ихтиёрсиз, ёввойи табиат кучлари измида эдилар.

Норбой негадир урина-урина қум ичидан бош чаноғини суғуриб олди. Сўнг, унга узоқ тикилиб тургач, оғир хўрсиниб қўйди-да:

— Қисматдошимиз, — деди. — Балки бу бечораям бизга ўхшаб адашиб қолгандир, «Шайтон қалъа»га қараб роса чопгандир.

— Кўринишига қараганда бу воқеа камида икки юз-уч юз йил бурун бўлган, — деди кўзойнагини тозалаётган Жаҳонгир.

Бу гап Норбойга ёқмади:

— Қўйсанг-чи, тўрткўз. Нима, пешанасига туғилган-вафот этган йиллари ёзиб қўйилган эканми?

Жаҳонгир ўз фикрида туриб олди:

– Суякни қара. Ялтираб кетибди-ку. Бу бир-икки йилда бўлмайди. Роса қум тагида ётган.

– Қаёқдан биласан, балки бўри яқинда тозалаб-қиртишлаб кетгандир...

Норбойнинг тахминидан қизнинг сесканиб кетганини кўрган Нодир баҳсга яқун ясади:

– Бўлди, бас! Бошқа гап қуриб қолганми? Сен чаноқни ўз ҳолига қўй.

Бироқ Норбой қайсарлик қилиб туриб олди:

– Бу нима деганинг? Нима, гўр қазиб, кўмайинми?

– Саҳронинг ўзи катта лаҳад-ку, гўр қазиб нима қиласан? – Қандайдир фалсафий фикр айтиб, шерикларини мавзудан чалғитмоқчи бўлган Жаҳонгир гапи баттар совуқ чиққанини англади шекилли, бир муддат бош қашлаб, нима дейишни билмай тургач, яна қовун туширди: – Тинч қўй уни. Руҳини безовта қилма.

Норбой яна ақллилик қилди:

– Жанозасиз кўмилганми, демак руҳи шу атрофда безовта бўлиб юрибди. Савоб ҳам керак-ку. Шу бечоранинг ҳақиқага бир тиловат қилиб юборсам нима дейсизлар? Балки марҳумнинг миннатдор руҳи бизга йўл кўрсатар, а? Нодирнинг тоқати тоқ бўлди:

– Уф-ф! Бўлди-да энди! Намунча чайналасан? Ё томинг кетиб қолдими? Ундан кўра энди нима қилишни ўйлайлик.

Бундай муомаладан ранжиган Норбой нари кетаркан, пичинг қилишдан ўзини тийиб туrolмади:

– Томи кетмаган биттасининг йўриғига юриб, шу кўйга тушдик. Ақллилик балосиям ёмон...

Нодир бу таънага жавобан лом-мим деёлмади.

Миясига келган қандайдир фикрга мутаассибларча ёпишиб олган Норбой чеккароққа ўтиб, чуқур қазиди, чаноқни кўмди, сўнг тиловат қилди. У қайтиб келган маҳал кўзлари қизарган эди. Норбой Жаҳонгирнинг саволмуз нигоҳига жавобан минғиради:

– Маҳшар тонги бошсиз чавандоз олдимга келиб, «Калламни нима қилдинг, оғайни?» деб сўраб қолса, жавобим тайёр.

Жаҳонгир кулди:

– Бошсиз чавандоз эмас, калла чаноғи йўқ шақир-шуқир суяклар дегин.

Кун яна забтига олмоқда эди. Саҳрода иқлим тез ўзгараркан, бир пасда самум шамоли эса бошлади. Нодирнинг кўрсатмаси билан машина ўриндиқлари, филофлари олинди, улардан фойдаланиб, жон сақлаб туриш учун озгина соя тушадиган чодир қилинди.

Бирдан қоронғилик бостириб келди. Кўкка юлдузлар бодрокдек сочилди. Этни жунжиктирадиган салқин совуқ шамол эса бошлади. Нодир захира балонни сўраган эди, Ўткир қўл силтаб қўя қолди:

– Олавермайсанми.

Балонни ёқишди. Узоқлардан кўринсин учун оловга бензин ҳам қуйиб туришди.

Ҳардамхаёлроқ, анчайин жиззаки ҳам бўлиб қолган Норбой юриб-юриб, қумларни кавлай-кавлай қайдандир бир калтакесак тутиб келди. Унинг:

– Қўлбола кабоб қилиб бераман, ким талабгор? — деган таклифига жавобан ҳеч ким хоҳиш билдирмади. Норбойнинг куйиб-пишиб:

– Юриб турган, ҳаракатдаги ҳамма нарса борки, ҳалол, буни хитойликлардан ўрганиш керак, чунки аслида борлиқ, ҳаттоки мана шу думсиз калтакесак ҳам инсон учун яралган, — қабилида молини тарфиб-ташвиқ этиши ҳам заррача фойда бермади.

Норбой бир қўлидаги жониворга, бир оловга қараб узоқ ўйланди, ҳатто:

– Таъмсиз деманглар, туз ёнимизда, деҳқончилик, — деб ҳам кўрди, аммо барибир ҳамдастурхон тополмаслигини сизди шекилли, охир-оқибат калтакесакни қоронғилик қаърига отиб юборди-да, гулхандан кўз узмаган кўйи ҳурпайиб ўтираверди.

Илиқ қум тўшак ўрнини ўтади.

Тонг отди. Уфқдан мўралаган қуёш бир юмалаб кўкка чиқиб олди-ю, улкан сахро бағридаги ўлардай чанқаган, оч шўрликларга эриган темирдай қайноқ нурларини аямай соча бошлади. Борлиқнинг жизғинаги чиқди. Тиззаларини қучоқлаб олганча бировга аччиқ қилаётгандай тумтайиб ўтирган Норбой:

— Сочларим орасидан тутун чиқяпти, — деди.

Бироқ бу гапга ҳеч ким кулмади, илло, ҳамма шундай аҳволда эди.

Кун тиккага келиб, қўлбола чодир бир энлик соя ҳам беролмай қолган, ҳар нафас олганларида ичга олови ҳаво кира бошлаган маҳал Норбойнинг аҳволи оғирлашди. Аввал кўзлари олайиб, оғзини каппа-каппа очаётган ҳолида ўрнидан туришга интилган йигит баногоҳ иддизи қирқилган дарахтдай гуп этиб қумга қулаб тушди. Қолганлар шошиб унга кўмакка отилишди. Моҳидил рўмолини ечиб, Норбойнинг юзига соя туширишга уринди. Шу ҳолида, лаблари пўрсиллаб ёрилган, қорайиб кетган юзида тер ва кўз ёшининг оқиш доғлари қотиб қолган йигит ҳеч ким кутмаганда, туйқусдан оҳангдор бир нимани ўқишга тушиб кетдики, унинг бошида турганлар лол-ҳайрон қотиб қолишди. Эҳтимол, уларнинг аксарияти шуурини «Ақддан озяптими бу?» деган ўй чақмоқдай тилиб ўтгандир. Норбой эса, ҳар оғзини очганида ёрилган лабидан қон сизиб чиқаётган Норбой эса ҳамон нола қиларди:

*«Сен шунчалар тенги йўқ қизсан,
Сен шунчалар тенги йўқ малак.
Тола сочинг васфи учун ҳам,
Сўз тополмай бўлдим кўп ҳалак.
Кўзларингда ғам кўрсам ногоҳ,
Бунга боис мен бўлсам агар —
Ўша дамда ҳеч иккиланмай,
Ўз кўксимга санчаман ханжар...»*

Сўнг:

*Мен сени барибир яхши кўраман,
Гарчанд умидим йўқ, илинжим ҳам йўқ,
Суйган ёринг билан бахтли бўласан,
Шуни ўйлаб менга бир қувончли дам йўқ...*

Пўрсиллаб ёрилган лаблардан сизиб чиқаётган қон тинмас, кўзлари юмилиб бораётган Норбой эса сўнгги мадорини йиғиб бўлса ҳамки ҳамон ўқирди. Моҳидил чидаб тура олмади — изиллаб йиғлаганча тиз чўкиб, илтижо қилди:

— Бўлди, бас қил, Норбойжон, бас қил, ахир...

Илло, қиз ҳали иккинчи босқичда ўқиб юрган чоғида умумий дафтари орасидан топиб олган шеърларни эслаганди. Ўзи бепарво юмалоқлаб ташлаган, кимнингдир беўхшов ҳазилига йўйган ўша битикларни мана шу йигит ёзиши мумкинлиги хаёлига ҳам келмаган экан. Норбой эса ҳамон ўқир, жон-жаҳонини унутганча Устюрт саҳросидан минг-миллион баробар улкан дилининг энг олис пучмоқларида, тубсиз қаърларида пинҳон туйғуларини уйқаш мисраларда ифодаларди:

*«Мени ўзингизга кўрмайсиз раво,
Сўқир эмасман-ку, буни биламан.
Шу сабаб қонталаш кўксимни ҳар тун
Ўтмас пичоқ билан тинмай тиламан...»*

Йўқ, мана, титроқ сас сусая борди ва алоҳа тинди: айтувчи ҳушдан кетганди. Юзини кафтлари билан тўсиб олган Моҳидилнинг елкалари титрарди.

Хавотирга тушиб қолган Жаҳонгир пичирлади:

— Бир нарса бўлиб қолмасайди шўрлик...

Баайни ўртоғининг сўзларини эшитгандай, ногоҳ кўзлари очилган Норбой айбдорона кулимсиради ва ожизона товушда, деярли инграб:

— Савринисою-у... — дея садо берди.

Унинг бошида турганлар анг-танг бўлиб қолишди. Нодир тамомила эсанкираб, Жаҳонгирга қаради:

— Бу... анави... ҳур қизми? «Ўтмишдан эртактарлар»даги.

Жаҳонгир кўзойнагини ечиб олиб, яна таққач, иккиланиброқ жавоб қайтарди:

— Аниқ билмадим-у... бир марта шунақа исмли синглим болалигида ўтган, дегандай бўлувди.

— Бошланди! — Шундай дея Ўткир шахт билан ўрнидан турди. — Бошланди. — Сўнг, дўстларининг ўзига саволомуз қараб қолишганини кўргач, изоҳ берган бўлди: — Эсдан оғиш ҳар кимда ҳар хил кечади-да.

Моҳидил ўзига жавдираб қараётган Норбойнинг боши устида рўмолини силкиб, шамол қилиб турди. Аммо бу гармсел, қайноқ ҳаво эди, холос. Кўп гапирганиданми, тили шишиб, оғзига сифмай қолаётган, энтикиб, қийналиб нафас олаётган йигитнинг кўзлари олайди ва ногоҳ унинг боши «шиқ» этиб тушди. Қиз додлаб юборди. Шошиб Норбойнинг кўксига қулоғини қўйган Нодир уни тинчлантиришга уринди:

— Юраги уряпти! Ҳушдан кетди!

Барибир Моҳидил анча пайтгача ҳиқиллаб ўтирди. Қуёш кўкда, энг юқори, оловли нуқтасида қотиб қолгандек эди гўё: сира силжий демасди. Ниҳоят, оловли шар ўрнидан қўзғалиб, аста-секинлик билан, мудроқ тошбақа суръатида пастга оға бошлади.

Ҳаммани хурсанд қилган кўйи Норбой ўзига келди, аммо уялганиданми, кўзларини чирт юмиб ётаверди. Аҳволини тушунишди шекилли, уни тинч қўйишди. Кутишдан ўзга чора йўқ эди. Ёнбошлаб ётган Жаҳонгир бошини кўтариб, уёқ-буёққа аланглади, сўнг норози бўлиб тўнғиллади:

— Қаранглар, боягина бўрон бўлганди, кейин иссиқ, мана энди бўлса шарқдан туман босиб келяпти.

Моҳидил йигит кўрсатган томонга бир қараб қўйгач:

— Бу буғланаётган туз, — деди.

Жаҳонгир бош ирғади:

— Ҳаммаси тушунарли. Демак яна ҳаммаси навбати билан давом этади, яна бўрон бўлади. Биринчи

зарбда машинамиз белига қадар қум кўмилди, иккинчи зарбда томигача. Қизиқ, учинчи зарбда нима каромат кўрар эканмиз.

Бу гапни эшитиб, кўзлари катта-катта очилиб кетган Ўткир ваҳима ичида, эсидан оған одамдай дағдағ қалтираб, шивирлади:

— Истамайман!.. Истамайман...

Жаҳонгир унга ишора қилди:

— Боғлаб қўйсак-чи?

Ўйланиб ўтирган Нодир бирдан сергак тортди:

— Овоз эшитилдими?

Жаҳонгир тушунмади:

— Бир нима дедингми?

— Овоз келаяётгандай. Қўнғироқ овози.

Жаҳонгир бир зум диққат билан атрофга қулоқ тутди, ҳатто кафтини ўнг қулоғи ортига қўйиб ҳам кўрди, сўнг афсусланиб бош чайқади:

— Оптик галлюцинация ўрнини товуш вибрацияси эгалаяпти. Бу яхши аломат эмас, ўртоқ. Навбат ўзларига, шекилли.

Бироқ Нодир қайсарлик қилиб туриб олди:

— Кармисан? Қулоқни тозалаб ол.

— Қумданми? — дея Жаҳонгир бошини базўр кўтариб, диққатини бир жойга жамлашга уринди. Дарҳақиқат, олисдан ғира-шира қўнғироқ товуши эшитилаётгандай эди.

Жаҳонгир қаддини ростлашга уринди:

— Агар бу НУЖ бўлмаса, одам бўлиши аниқ. Ҳар қалай, ҳалигача қурбони ёнига бўйнига қўнғироқ осиб келадиган қашқирлар ҳақида эшитмаганман.

Сас оҳиста яқинлашди ва енгил туман ортидан бўйнига қўнғироқ осилган катта туя сузиб чиққандай бўлди, унинг ортидан иккинчи, учинчи, тўртинчиси... ҳаттоки ўйноқлаётган бўталоқ ҳам. Ниҳоят, икки ўрқачли туяда чайқалиб ўтирган, оппоқ соқоли кўксига тушган бобо кўринди...

* * *

Бу қария тимсолидаги нажот фариштасининг исми Ойдўст бобо экан.

Бобо бир оғиз изоҳсиз ҳам ҳаммасини тушунди шекилли, аввал барчага ярим косадан сув бериб чиқди, шуниям шошмай ичишни қайта-қайта тайинлаб турди. Сўнг бир бурдадан қаттиқ нон ивитиб тарқатди, кейин яна ярим косадан сув...

Хуллас, ҳали жисмлари бақувват эмасми, бир-икки соатда ёшлар ўзларига келишди. Баайни бобонинг ташрифидан хабар топгандай, Жаҳонгир «ваъда қилган бўрон» ҳам кўтарилмади.

Бобо машинага қалин арқон бойлаб, тўрт туяга торттирган эди, қум тагидаги «Нексия» сарёғ ичидан суғуриб олинган мисоли осонлик билан сирғалиб чиқди. Бу орада ҳалидан буён хижолат ичида, ўзини ўнғайсиз сезаётган Норбой бошқаларнинг кўзини шамғалат қилган кўйи Моҳидилнинг ёнига келди:

— Агар бирон нима деб... сизни ранжитиб қўйган бўлсам, минг бор узр. Агар керак бўлса болаларнинг олдидаям кечирим сўрайман. Довдирашларимни эса асло кўнглингизга олманг. Билмадим, нима жин урди мени... Қиз кулимсиради:

— Сиз кечирим сўрайдиган иш қилмадингиз, Норбойбек.

Бунақа гап кутмаган чоғи, йигит бирдан яшнаб кетди, кейин, барибир гумонларга бориб, ўз қулоқларига ишонмадими, гарангсиган аҳволда нари кетди.

Нарсалар йиғиштирилгандан кейин Норбойни ҳали тўла ўзига келиб олмаган деб ҳисоблаган Нодир машинага ўтқазиб, рулга жавобгар қилди, бобо қиз қаршисига икки ўрқачли туяни чўктирди.

Карвон йўлга тушди. Бирон юз қадам юрганларидан сўнг Ўткир қизнинг ёнига келиб, паст овозда гапириб кета бошлади:

— Моҳий. Биласиз, сизни деб тупканнинг тубидаги бу жойларга келиб қолдим. Келинг, Шайтон

қалъа-пальалариниям энди елкамизнинг чуқури кўрсин. Энг гуллаган ёшлик чоғимизни қумлар орасига кўмиб кетмайлик, юринг, кетайлик. Биринчидан, тўй қилайлик, дунё айланайлик. Иккинчидан, Тошкентда маза қилиб яшайлик. Ахир, бу ерга солиштирсак, Тошкент нақ жаннатнинг ўзи-ку. Бу ердаги катталарнинг томоғини мойлаб бўлсаям кетишга рухсат оламан, ўйланманг, бу ёғини ўзим ҳал қиламан. Ҳеч иложини тополмасам, дадамга айтиб, бир қўнғироқ билан ҳаммаси ҳал қилдиртираман. Хўпми, Моҳий?

— ...

— Қаранг, ахир Худоям бизни бир марта огоҳлантиряпти, эҳтиёт бўл, эсинг борида уйингга қайтиб кет, деяпти. Кейинги сафар бундай халоскор чол йўлимиздан чиқишига ким кафолат беради, ким?

— Нима, сиз яна адашмоқчимисиз? — ажабланиб сўради қиз.

— Э, бунақанги бош-охири йўқ саҳрода адашмай бўладими?

— Мен ҳассасини икки марта йўқотадиган одамларни унчалик хушламайман. — Қовоғи уйилган Моҳидил туясини ниқтади: — Нимайди, ҳалиги... Хих... Йўқ-йўқ. Ҳа, чу! Чу!

Туя тезлашди. Қизнинг узоқлашаётганини кўрган Ўткир жаҳл билан туяни айланиб ўтиб, қизнинг йўлини тўсиш учун олдинга интилган чоғида бирдан тиззасигача қумга ботиб қолди. Йигит оёқларини қумдан чиқариб олмоқчи бўлди, аммо қандайдир куч уни қуйига тортарди. Бир зумда қум йигитни бўйнига қадар ютди. Ўткир додлаб юборди:

— Ёрдам беринг!

Уни бу аҳволда кўрган Жаҳонгир оғзи очилиб:

— Ие! Вой!.. — дея олди, холос.

Шу ёққа ўгирилган Ойдўст бобо отган арқонга Ўткир жон-жаҳди билан ёпишиб олди. Бобо туяни ниқтади.

Туя олдинга юриб, йигитни қум чангалидан суғуриб олди. Ҳарсиллаб нафас олганча осмонга термилиб ётиб қолган Ўткир аранг шивирлади:

— Аввал кетмасам ҳам... энди кетаман...

Нодир ҳайрон бўлганини яшириб ўтирмади:

— Ойдўст бобо. Бу ерда қуми одам ютадиган жойлар борлигини ўқимаган эканман.

Бобо илжайиб қўйди:

— Унақа жой йўқ-да.

— Лекин...

— Ҳа, буми? Бирон жониворнинг уяси бўлса керак-да. Тепасига қум тўпланиб қолган, шу.

Кулиб юбормаслик учун лабини қаттиқ тишлаган Жаҳонгир балан овозда эълон қилди:

— Ҳамма фақат Ойдўст бобонинг изидан юрсин. Йўлақдан чапга ё ўннга бир қадам қўйсаларинг, та-мом! Кетдик. Карвон йўлда давом этди.

* * *

Анча юришди. Ниҳоят, карвонбошининг ишораси билан ҳамма тўхтади.

— Бўлди. Бу ёнига энди машинада кетсаям бўлади. Ер заранг.

Аввал Ойдўст бобо туядан тушди. Жаҳонгир Моҳидилнинг ёнига бориб, ним таъзим қилди:

— Сахро кемасидан ўз қўлларим билан тушириб қўйишга рухсат этинг, хоним.

Ўткир атрофга аланглади, сўнг хавотирланиб, қариянинг ёнига келди:

— Бобо. Аккумуляторим ўлган. Машина юрмайди.

— Аккумуляторинг ўлган бўлса, ўзинг тириксанку. — Қария илжайиб қўйди, сўнг кун чиқиш тарафга ишора қилди: — Машина келяпти, овозини эшитяпман.

Ёшлар диққат билан қулоқ солишди, аммо ҳеч нима эшитишмади. Жаҳонгир қадим ҳиндуларга ўхшаб ётиб олиб, ерга қулоғини тутди ҳам — бефойда.

Телефонига қараб, антенна йўқлигини кўрган Ўткир тирғалишини қўймади:

— Хўп, машина келяпти ҳам дейлик, лекин бошқа ёққа қайрилиб кетмаслигига ким кафолат беради?

Чол ўта хотиржам, икки карра икки, албатта, тўрт бўлишини такрорлаётгандай жавоб қайтарди:

— Машина тўғри йўлдан келяпти.

Жаҳонгир ажабланиб сўради:

— Лекин бу ерда йўл йўқ-ку, бобо?

— Устюртда нима кўп, йўл кўп. Фақат яхшилаб қарасанг, кўрсанг бўлди, болам, ўзингга керагини топиб оласан.

Бобонинг бу жумбоқли гапидан сўнг атрофдагилар нима дейишларини билмай қолишди. Ахийри, шу пайтгача бир чеккада гапга қўшилмай турган Норбой сўради:

— Станциягача тахминан неча чақирим ўзи, отахон? Бобо мийиғида илжайди:

— Чўлда ҳеч қачон чақирим сўралмайди ҳам, айтилмайди ҳам.

Қариянинг кетиш тадоригига тушганини кўрган Нодир қўлини кўксига қўйди:

— Сизга катта раҳмат, Ойдўст бобо!

Моҳидил самимий тарзда:

— Агар сиз бўлмаганингизда... — деб миннатдорчилик билдиришни бошлаган эди, бобо унинг гапини бўлди:

— Агар мен бўлмаганимда, бошқа биров сизларга қарашворарди, қизим. Бу жойларда ҳамма бир-бирига ёрдам беради.

— Насиб қилса, ҳали сиз билан кўришиб қоламиз, Ойдўст бобо, — деди Жаҳонгир вазминлик билан. — Ахир, тоғ тоғ билан кўришмайди, одам одам билан кўришади дейдилар.

Бобо бу гапни маъқуллаб бош ирғаб қўйди, кейин сўради:

— Саёҳатларинг анча давом этадими?

— Биз саёҳатчилар эмасмиз, бобо, — изоҳ берди Нодир. — Ҳукуматимиз Ақшўлоқ станцияси ёнида кимё заводи қурмоқчи бўляпти. Биз ўша ерда ишлаймиз.

Энди Ойдўст бобо Нодирга ажабланиб қаради-да, қалпоғини ечиб узатди:

— Иссиқда юравериб, миянг қайнаб кетибди шекилли, сен боланинг. Ма, кийиб ол. Станцияда дўхтир йўқдир, дарров Кўнғиротга бор, даволан.

— Гапим рост, бобо.

Қария кўнглидаги гапни айтди:

— Роса олдинг-да. Бир қатра сувга зор сахрода зовут қуриб бўларканми?

— Бўлади, ота, бўлади.

Нодирнинг гапини Жаҳонгир қувватлади:

— Ақшўлоқда компрессор станцияси ишляпти-ку. Кўргандирсиз.

Бобо бош чайқади:

— Умрим шу бефайз кенгликларда кечди, болаларим. Бу ерда одам тугул, унча-мунча сахро ҳайвонлари ҳам яшолмайди. Ўтмишда карвонлар ҳам бу ерларни четлаб ўтган. Чунки адашиб кириб қолганлар, албатта, фалокатга дуч келишган. Сенлар эса зовут қурамиз дейсанлар... Зовут-а!

— Озгина кутиб туринг, отахон, — қизғинлик билан эътироз билдирди Нодир. — Ҳадемай бу ерлар ўзгариб кетади. Катта йўллар тушади, уйлар қурилади. Шаҳар пайдо бўлади. Ҳамма ёқда чироқ, газ бўлади...

— «Минг бир кеча» эртақларидагига ўхшаб-да, а? — кулди бобо. — Бир «суф» десанг бўлди, ҳаммаси айтганингдай бўлади-қолади. Шунақами?

Нодир ён бермади:

— Баъзида эртақ ҳақиқатга айланади, бобо.

— Ҳай, майли, эсон-омон етиб олинлар. — Шундай дегач, чол Нодирга алоҳида тайинлади: — Сен бола бир ўзингни қоқтириб ол.

Ойдўст бобо туясини ортга қайирди. Ёшлар кар-
вон ортидан қўл силкиб қолишди:

– Хайр... Раҳмат, Ойдўст бобо... Кўришгунча...
Сизга минг раҳмат...

Пешанаси тиришган Ўткир норози бўлиб тўнғил-
лади:

– Лекин барибир йўл йўқ.

Жаҳонғир маслаҳат берди:

– Сен Ойдўст бобо айтганидай яхшилаб қара.

Ўткир кўзларини катта-катта очди:

– Мана, қараяпман-ку. Ҳеч бало йўқ. Бобой са-
вобниям бутун қилмади.

Нодирнинг жаҳди чиқди:

– Оғзингга қараб гапир! Хизматга тухматми?

Норбой ногоҳ қичқириб юборди:

– Ана! Келишяпти! Келишяпти!

Ҳамма Норбой жон-жаҳди билан ишора қилаёт-
ган томонга қаради. Узоқдан шу тарафга сузиб кела-
ётган иккита «Жип» кўринди.

Ўткир машиналар томонга чопди, йўл-йўлакай
кўйлагини ечиб силкита бошлади:

– Эҳе-ҳей, биз бу ердамиз! Бу ердамиз!

* * *

Қурилиш раҳбарияти пойтахтдан ёш мутахассис-
лар ўз кўлигида йўлга тушганларидан хабардор экан.
Вақт мўлжалдагидан ўтса ҳам ёшлар келишавермагач,
аввал институт тарафидан гуруҳ бошлиғи этиб та-
йинланган Нодир Ризаевга қўнғироқ қилиб кўриша-
ди, телефон ишламаётганини кўргач хавотирга ту-
шиб қолишиб, саҳронинг турли томонларига бир неч-
тадан машина юборишади.

Адашган ёшлар намозшом маҳал вагонлар, палат-
калардан иборат қўналғага етиб келишди. Раҳбарият
«Аввал яхшилаб дам олиб, ўзларига келиб олишсин,
эртага гурунглашамиз», – дебди. Дастлаб уйларига
қўнғироқ қилиб, алақачондан бери манзилда экан-

ликларини маълум қилишга улгурган ёш мутахассислар ювиниб-артингач, кечки тўкин дастурхонга ўтиришди. Таомдан сўнг эса ўзлари учун ажратилган ётоқ вагонларга тарқалишди. Бу ердан уч чақиримча нарида қурилаётган алоҳида ишчилар шаҳарчаси уйлари битгунга қадар шундай шароитда яшаб туришаркан. Бироқ бугунги ранг-баранг таассурот, ҳаяжон, умид ва умидсизлик орасида кечган узун соатлар уларни жисман ҳолдан тойдирган бўлса-да, кўзларидан уйқуни ҳайдаган эди. Жойида тўлғаниб ётавериб зериккан Жаҳонгир палатка ёнига чиқиб, қўлларини кўксига чалтиштирганча осмонга сочилган юдузларни томоша қилаётган маҳал Моҳидил жойлашган вагон томонга шошиб кетаётган Ўткирни кўриб қолди-ю, ҳайрон бўлиб сўради:

— Ҳа, ўртоқ, тинчликми?

Ўткир истар-истамай тўхтади, сўнг бирдан ҳужумга ўтди:

— Ўзинг-чи, ўзинг ярим кечаси нима қиляпсан?

— Хотинимга калиш қидиряпман, — деди Жаҳонгир жаҳл билан. Зеро, у ҳаммасини тушунди, шу сабаб гапни айлантириб ўтирмай, очигига кўча қолди: — Чақиртиканак бўлма, Ўткир, булар Тоҳир-Зухро-ку, кўрмаяпсанми?

Ўткир тутақиб кетди:

— Кўрмаяпман! КўришнIAM истамайман! Сен эса фақат ўзинг истаган нарсани кўряпсан. Тоҳир-Зухро эмиш. Буларнинг бир-бирига қарашига бир эътибор бер.

— Хўш, қандай қарар экан? — мазахомуз сўради Жаҳонгир.

— Худди икки аълочи, намунали хулқли ўқувчи баланд овозда бир-бирига ҳисобот бераётгандай: «Мен бугун тўртта «беш» олдим... — Меники бешта бўлди. — Демак, мен сенга етиб олишим керак, йўқ, сендан ўтиб кетишим керак...» ва ҳоказо. Ахир, яхши кўрганлар бундай қарашмайди.

– Қандай қарашади?

– Улар яхши кўриб қарашади. Севиб қарашади. Бир-бирларини аяб қарашади. Худди мендай.

Жаҳонгирнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди:

– Сендай-а?

– Ҳа, худди мендай.

– Сен... сен, ахир, ўқрайиб қарайсан-ку. Ё мана бундай... бизда буни сигир қараш дейишади.

– Э, тушунмаган, бу маскировка. Ҳамманинг олдида шундай. Ўзимиз ёлғиз қолганимизда бошқача бўлади.

– Ҳм-м... – Жаҳонгир пичинг қилди: – Қаёқдан биласан, балки Нодир билан Моҳидил ҳам ёлғиз қолганларида бир-бирларига бошқача қарар. Сен айтгандай муҳаббат билан, бир-бирларини аяб....

Беихтиёр тузоққа тушиб, айтган фикри ўзига қарши чиқиб қолганидан ўсал бўлган Ўткирнинг фигони фалакка чиқди:

– Э, сени одам деб гапирдимми?! Бор, бор, ишингни қил! Катталарнинг ишига аралашма сен бола!

– Катга эмиш! Асли ўзинг мендан...

Кўзига қон тўлган Ўткирнинг қўллари мушт бўлиб тугилди:

– Ўзинг кетасанми ё тураверасанми ювилмаган қошиқдай орага суқилиб?

– Ўзим кетаман, албатта, ўзим. Негадир, ўртоқ, бир буюк одамнинг «Муҳаббат йигит билан қизнинг бир-бирига эмас, биргаллашиб бир томонга қараш», деган афоризми эсимга тушиб кетди-я. Албатта, у адашган... Мана, кетяпман... кетяпман... Бир-бирига муҳаббат билан қараган нигоҳларни тасаввур эти-иб кетяпман. Э Худо, менга ўшандай лаҳзалар насиб этмаган экан-да, деб кетяпман. Ўткир-жон укамга ўхшаб ҳамманинг олдида бошқача, ўзимиз ёлғиз қолганда бошқача қарайдиган қиз учрамаган экан-да деб кетяпман. Оҳ, пешанам бунча шўр бўлмаса менинг...

Жон-пони чиқиб кетган Ўткир атрофга аланглади, ерда ётган бир кесакни олиб, палаткага кириб кетаётган Жаҳонгирнинг ортидан ирғитди:

— Бор-э!

Шу маҳал вагондан қўлида телефони билан Моҳидил чиқиб келди.

— Нима гап, Ўткир ака?

— Хўш... яқинроқ келаверинг. Хўш, чақирганимнинг сабаби шуки, Моҳий... Биринчидан, тулпоримни сошлаб беришди. Бакни тўлдириб бензин ҳам қуйиб беришди.

— Яхши бўпти.

— Иккинчидан, ўша гапим гап. Қаранг, мана шу бийдай чўлда яшаб бўладими? Худди сургундагидай. Ахир, ёшлигимиз шу ерларда хор бўлиб ўтиб кетиши учун учта тилни ўрганмаганмиз-ку. Мен ҳаммасини гаплашиб қўйганман, қолганига дадам ёрдам берадилар. Европагами, Осиёгами бориб, катта бизнес қиламиз. Бойиб, миллионер бўлиб кетганимиздан сўнг иккаламиз мана булар билан саломлашиб кетиш учун атай келамиз. Шахсий вертолётимизда. Ё шахсий самолётимизда! Қиз кулиб юборди:

— Ракетада осонроқ бўлмайдами?

Дили оғриган Ўткир беихтиёр қаттиқроқ гапириб юборди:

— Мен ҳазиллашмаяпман, Моҳий!

— Хўп, шахсий вертолётли жаноб, хўп, — жиддий тортди қиз. — Ростини айтсам, ойим менинг бу ерга келишимга тиш-тирноғи билан қарши бўдилар.

Ўткирга бирдан жон кирди:

— Ҳа, ана. Тўғри-да. Қари билганни пари билмас, уларнинг айганини, албатта, қилиш керак.

Қиз гапида давом этди:

— Ўн-ўн беш кундан кейин етиб келсалар ҳам ажаб эмас.

— Биз бўлса улардан олдин етиб борамиз. — Йигит кафтларини бир-бирига урди:

— Сюрприз!

Моҳидил йигитга узоқ тикилди, шу қадар узоқ тикилдики, Ўткир безовталаниб қолди:

— Ҳа, нима, агар...

Қиз сўради:

— Агар сиз билан ё ўзим орқага қайтсам, биласизми нима бўлади?

— Асал бўлади, қанд бўлади!

— Йўқ, унда мен ўзимни ўзим ҳурмат қилмай қўяман. Сизга шунақанги хотин керакми?

Моҳидил ортига ўтирилди ва илдам юриб вагонга қайтиб кириб кетди. Жаҳл билан ерга тупурган Ўткир нари бориб-бери келди, атрофга афтини буриштириб аланглади. Узоқда бўрининг увиллагани эшитилганда эса йигит сесканиб кетди.

* * *

Тонг саҳар, атроф сутдек ёришиб келаётган маҳал гилдиракли чамадонини кўтариб олган Ўткир палаткадан чиқди. У оёқ учида машинаси ёнига келди, юкхонани очиб, чамадонини жойлади. Сўнг машинага ўтирди, атрофга хайрлашаётгандай тунд қараб қўйди-да, «Нексия»ни оҳиста ҳайдаб кетди.

Палаткадан чиққан Нодир орқа қизил чироқлари ёниб кетаётган машина ортидан қараб қолди. Унинг ёнида майкачан Жаҳонгир пайдо бўлди.

— Бошланиши чаккимас, — деди у эснаб. — Лекин қурмағур бало. Кадрнинг уёғидан ўтиб-буёғидан ўтиб, йўлланмасига печать бостириб олибди. Кейин «Эрталаб Нукусга физиллаб бориб, правамни опқайтаман», дептими-ей... Хуллас, элаган-да.

— Униям тушуниш керак, — деб қўйди Нодир. — Ёлғиз фарзанд.

— Тушунамиз, тушунамиз. Ота-онанинг орзу-ҳаваси... Лекин унга биттагина саволим бор эди: «Давлат сени тўрт йил текинга, стипендия тўлаб нега ўқитди, ўртоқ?» Шуни SMS қилиб юборсаммикан, а?

— Кир, дам ол, бугун ишимиз кўп бўладиганга ўхшаб турибди.

— Энди ухлаб бўларканми?..

Жаҳонгир хомуза тортганча ичкарига кириб кетди, Нодир жойида анча вақт туриб қолди.

* * *

Бош муҳандис ёш мутахассисларни вагоннинг офисга мослаштирилган хонасида қабул қилди. Дераза ёнида бир қорақалпоқ йигит муллаваччалардек қўл қовуштирганча одоб сақлаб ўтирарди. Сал шошиб турган эканми, нутқида ўзбекча, русча, қорақалпоқча сўзларни аралаштириб ишлатадиган Меданбой Ибройимович дарҳол асосий мавзуга ўтди:

— Салом, салом, ёш авлод. Калла уриштириб ўтирмаймиз, чунки ҳали иш жараёнида яхшилаб танишиб олаверамиз. Айтгандай, инглизчани биласизлар-а?

— Биламиз, — дейишди ёш мутахассислар бир оғиздан.

— Жудаям яхши, — дея Меданбой Ибройимович суҳбат бошлаганидан бери биринчи марта дераза ёнида турган қорақалпоқ йигитга ишора қилди. — Мана қаршингизда ўтган йили ўзимизнинг Қўнғиротдаги институтингиз филиалини битириб келган ёш мутахассис, кимёгар-технолог, смена бошлиғи Бахитбек Жумағалиев. Қурилиш билан таништиришни шу ёш мутахассисимга ишониб топшираман. Менга узр, йиғилишим бор эди. Хайрлашмайман, ҳали кўришамиз. Ол буларни, Бахитбек.

Стлдаги қовозларни қўлтиғига қисган бош муҳандис шошиб чиқиб кетаётиб, остонада тўхтади:

— Айтгандай, бекорчи вақтимиз йўқ, шунинг учун сизларга икки соат вақт бераман, сўнг ҳамма ишга. Тушунарлими?

— Тушунарли, — дея кулимсираб қўйган Бахитбек ёш мутахассисларни қурилиш майдонига бошлади:

— Марҳамат...

* * *

Ўҳ-ҳў! Минг эшитгандан бир кўрган яхши, деб бежиз айтишмаган. Бу ақлни лол этадиган маҳобат, бу ҳайратга соладиган қамров билан бир юз йигирма дақиқа ичида танишиб чиқишни шу фурсат мобайнида ойга чиқиб келишга муқояса этиш ўринлидир, эҳтимол. Чумолидай тиним билмай ғимирлаб юрган сон-саноқсиз одамлар, улардан ҳам кўпроқ техника... Бир қарасанг, буларнинг барида қандайдир тартибсиз Броун ҳаракатини илғагандай бўласан, баайни ҳамма ҳар томонда улоқиб-тентиб юргандай, бу аҳволда йигирма биринчи асрнинг Бобил минораси ҳеч қачон битмайдигандек; яна бир қарасанг эса бу саъй-ҳаракатларни қандайдир темир интизом, қатъий ички тартиб ва комил онг-шуур бошқариб тургандай, қоғозларда белгиланган шамойиллар аста-секинлик билан, бироқ изчил тарзда ва мунтазам равишда қад ростлаб келаётгандай, моддийлашаётгандай... Ҳатто кечаги шеърхонлигини ўйлаб ҳамон хижолат чекаётган, эрталабдан оғзига сўк солиб олгандай «чурқ» этмай юрган Норбой монтаж қилинадиган инновацион технологик линия билан танишаётганлари маҳал беихтиёр қўлларини кенг ёйганча:

— Даҳшат-ку бу! — деб юборди.

Бироқ бош муҳандис «Бекорчи вақтимиз йўқ» деб бежиз писанда қилмаган экан, икки соатлик ошиғич саёҳатдан сўнг ёш мутахассисларга махсус иш кийими беришди, бошларига инженер-техник ходимлар қатламига мансуб эканлигини билдириб турадиган пластмасса каска қўндиришди ва тақсимот бўйича белгиланган иш жойларига кузатиб қўйишиб, фаолиятларига муваффақиятлар тилаб қолишди. Кечагина институтда технологик жараёнларни назарий жиҳатдангина ўрганиб юрган ёшлар бирдан амалиётнинг жиддий воқелигига рўбарў бўлишди. Нодир билан Моҳидил бир цехга тушиб қолишди. Буни эшитган Жаҳонгир:

— Кўнгил кўнгилни тупканнинг тубидаям адашмай топади, — деб қўйди қувлик билан.

Тошкентдан келишаётганларида ўзларича «Бизга стажировка, иш ўрганиш учун камида икки-уч ой вақт беришса керак», деб тахмин қилишганди. Бироқ бу ерда вақт зикроқ, суръат шиддатлироқ эди, шу боис пойтахтлик ёш мутахассисларни бирданига иш қайнаб турган, том маънода бош қашишга фурсат топилмайдиган жойларга ташлашди. Бу осон эмас эди, албатта. Яхшиям, Нодир билан Моҳидилнинг бахтига бу ерда анча оқ-қорани таниб қолган Бахитбек, уста Чори акалар бор экан. Улар ёш мутахассисларга бутун жараёни ипидан-игнасигача тушунтиришди, улгурмаганларини ишдан кейин, вагонда давом эттиришди. Бу бир ажойиб, ўзига хос жозибага эга олам эди: ичига кириб борган сайин қизиқишинг ортади, беихтиёр ўзингга ўзинг қани, бунинг ортида нима бор экан, унисининг-чи, қабилидаги саволларни бера бошлайсан ва, шубҳасиз, ўша саволларга жавоб топилган лаҳзалар ҳаётингнинг энг сурурли онларига эврилади...

* * *

Фалокат кутилмаганда содир бўлади ўзи. Бахитбек Нодир билан Моҳидилга ўзининг рационализаторлик таклифи ҳақида тўлиб-тошиб гапириб бериб турган маҳал қўл телефони қайта-қайта жиринглайверди. У ноилож телефонни олди.

— Эшитаман... Асса... Ҳа, Бахитбек Жумағалиевман... Ҳа, менинг укам... А?.. Нима?...

Бирдан Бахитбекнинг ранги оқариб кетди. Сўнг, карахт аҳволда, оёқлари қайишиб цехдан чопиб чиқди. Ҳайрон бўлган Нодир Моҳидилга қаради.

— Бир гап бўлганга ўхшайди, — деди хавотирга тушиб қолган киз. — Орқасидан боринг-чи.

Нодир дарвоза ёнида йигитга етиб олди. Ҳар томонга ваҳима билан аланглаётган Бахитбек мото-

циклидан тушаётган пайвандчи Сашани кўриб қолиб, унинг ёнига чопди.

— Жон Саша, мотоциклингни бериб тур, ошиғич бир жойга боришим керак бўлиб қолди!

— Керак бўлса, ма, ол, — деди пайвандчи.

— Раҳмат, оғайни.

Нодир мотоциклга ўтираётган Бахитбекнинг қўлидан тутди:

— Тушунтирсанг-чи, нима гап ўзи, Бахитбек?

Йигит бошини кўтарди. Унинг кўзлари жикқа ёш эди.

— Укам... — дея пичирлай олди у аранг.

Ёмон бир нима юз бергани ортиқча сўзларсиз ҳам равшан эди.

— Орқага ўтир, — деди Нодир.

Бахитбек йўлни айтиб турди. Улар елдай учиб, бир ярим соатларда шаҳарга етиб келишди.

Шифокор вазиятни тушунтирди:

— Йўлдан чопиб ўтаётган маҳал «Дамас» уриб юборган. Қаттиқ зарба натижасида асфальтга учиб тушган, мия чайқалиши юз берган. Ҳайдовчининг ўзи олиб келди. Ҳозирча ҳушига келгани йўқ. Аммо хавф орқада қолди. Икки-уч кун ичида ўзига келиб қолади деган умидимиз бор.

Қуйилиб келган кўз ёшларини тиёлмаётган Бахитбек изтироб билан пичирлади:

— Иним-ов...

Шифокор уларни палатага бошлади.

— Юринглар, ҳушсиз бўлсаям, кўришларингиз мумкин.

Палатага кирганлари маҳал гандираклаб кетган Бахитбекни Нодир ушлаб қолди. Каравотда боши чандиб боғлаб ташланган йигитча ётарди. Беморга энгашган Бахитбек бир муддат ҳайкалдай қотиб қолди, сўнг аста шивирлади:

— Бу... бу менинг укам эмас...

Шифокор тасалли берди:

— Ука, тушунаман, сизга оғир, лекин...

Қаддини ростлаган Бахитбек:

— Бу менинг иним эмас! — деди қатъий.

Шифокор ҳайрон бўлди:

— Бу укангиз Нуржан Жумағалиев эмасми? — У чўнтагидан ҳужжат чиқарди. — Мана, паспорти. Қўл телефонида охирги марта сиз билан гаплашган экан. Рақамингизга «Акам» деб қўйилган.

Бахитбек паспортни қўлига олди:

— Ҳа, бу укамнинг паспорти, укамнинг сурати. Лекин бу бола укам эмас. Тўғри, озгина ўхшайди, лекин бу Нуржан эмас! — У ҳаяжонланиб, Нодирни қучиб олди: — Эшитяпсанми, укам эмас!

Шифокор эшик ёнида турган ҳамширага буюрди:

— Чоп! Тез анави милисани қайтар. Айт, бу ерда бошқа ишлар чиқиб қолди.

Бахитбек ногоҳ бошини чангаллаб қолди:

— Ўҳ, овулда нималар бўляпти ҳозир...

* * *

Дарҳақиқат, овул тўс-тўполон эди. Ёмон гап тез тарқалади, жуда тез. Бунинг устига, кимнингдир кимидир шифохонада ишларкан, ўша атай қўнғироқ қилиб, танишига «ҳеч ким билмай турсин-у, лекин Нуржан энди одам бўлмайди-ёв», деб воқеани шипшиган.

Табиийки, бир бешбармоқ пишгулик фурсат ўтар-ўтмас анча шиширилган бу совуқ хабардан бутун овул аҳли, каттаю кичик бирдай хабардор бўлган-қўйган.

Овул катталари Бахитбекнинг оиласи яшайдиган уйга оқиб кела бошлади. Ичкари хонада, бир тўп аёллар қуршовида ер билан битта бўлиб ётган Сағийда хола ҳар замонда:

— Э Худо, олсанг менинг жонимни олмайсанми, — дея мадорсиз пичирлаб қўярди.

Ҳовлида эса озғин, чўққи соқолли Бекберган жарчи бир гуруҳ одамларга шивирлаб гап уқтиришга ури-

нар, аммо барибир иккинчи ё нари борса учинчи сўздан кейиноқ овози баландлаб кетаверарди:

— Мана болани эркалатишнинг оқибати! Ўзим эшитдим, Нуржан катта бир мафия тузиб, наркотиклар билан шуғуланаркан. Охири разбор бўлиб, бо-сар-тусарини билмай қолган жигитни отиб кетишибди! — Бу ваҳимага Янгибой писмиқ янги тўн кийгазди:

— Отиб кетишмапти, қийнаб, азоблаб ўлдиришибди. Ўзим эшитдим, сочидан осиб, устидан совуқ сув қуйиб туришипти. Бечора бола «Энажон!» деб бир қичқирибди-ю, ўлиб қопти...

Одамлар бош чайқаб, афсусланганликларини билдиришди:

— Буни қаранглар-а... Ёнимизда жимгина юрарди-я... Роса ичидан пишган экан-да... Сағийдага қийин бўладиган бўлди-да...

Бекберган жарчи Мажит оқсоқолга гердайиб қаради:

— Оқсоқол, бу ёғидан хотиржам бўлинг, гўрковга айтиб қўйганман, яхши жойни тайёрлаб қўяди.

Жаҳли чиқиб кетган Мажит оқсоқол унга муштини дўлайтирди:

— Овозингни ўчир, бехосият!

Бу орада ҳамма ёққа синчков назар ташлаётган Янгибой писмиқ молхонага кириб чиққач, шипиллаб оқсоқолнинг ёнига келди:

— Танаси ориқ экан, бозордан тузукроғини олиб келиш керак.

Оқсоқол унга қаҳр билан қаради. Писмиқ бужмайиб, ўзини оқлаган бўлди:

— Энди... анча одам келади... эт етмай қолмасин, дедим-да...

Бекберган жарчи сўридан намоишкорона тарзда эскироқ кўрпачани кўтариб келиб, оқсоқолга кўз-кўзлади:

— Машинада олиб келишганида, майитни шунга ўраб оламиз-да.

Мажит оқсоқол уни имлаб чақирди, ёнига келган маҳал сал энгашиб, биқинига ўхшатиб бир мушт туширди-да, қаҳр билан ўшқирди:

— Бу ердан қорангни ўчир, нодон!

Бекберган жарчи норози бўлиб, нари кетаркан, тўнғиллади:

— Ана шунақа! Яхшилик ёқмайди ўзи одамларга...

Шу гапдан кейин ҳам барибир жойида ҳеч тинч туролмаётган Бекберган жарчи важоҳат билан ёш-ялангларга кўрсатма беришда давом этаркан, самоварда чой қайнатаётган йигитлар ёнига борди:

— Ювғичларнинг чойидан хабар олдиларингми?

Йигитлардан бири:

— Хабар олдик, оға, — деди.

Бекберган жарчи:

— Шундай бўлсин, — деб қўйди.

Шу маҳал овулга кириб келаётган милиция машинасини кўрган эл-улус, айниқса хотин-халаж уввос солиб йиғлай бошлади. Машина яқинлашган сайин йиғи кучая борди.

Машина келиб дарвоза ёнига тўхтаган чоғда унинг ортидан келган мотоциклга эътибор ҳам бермаган одамлар издиҳоми чуввос солиб ўқирганча машина томон отилди. «Болам... жияним... жигарим... эрка-тойим... бовурим...» дея изиллаб овоз берган қанча.

Олдинги эшиқдан бир амаллаб тушган Бахитбек жон алфозда «У тирик! Иним тирик!» деб бақирди, аммо ғам-аламдан адоий тамом бўлган оломон гап эшитадиган, мабодо эшитса ҳам, тушунадиган аҳволда эмасди.

«Ёш кетди-я» дея афсус билан бош чайқаб қўйган Бекберган жарчи офилхона томон бораётиб, йўлга қаради-ю, анграйиб қолди: кўчадан спорт сумкасини елкасига ташлаб олган Нуржан келмоқда эди!

Бекберган жарчи осилиб қолган жағини тагидан бир уриб бир амаллаб тўғрилади, кўзларини ишқалаб, қайта-қайта қарагач, бунинг чинданам Нуржан

эканлигига ишонч ҳосил қилди ва бутун овул эшитадиган гулдурос овозда ҳайқириб юборди:

— Нуржан тирик!.. Ўлик тирилибди! Ўз оёғи билан келяпти! Нуржан тирик!

Ҳар қандай қий-чувниям босиб кетадиган бу овозни эшитмаслик мумкин эмас эди. Оломон устига совуқ сув сепилгандай бир сонияга тек қотди. Жарчи ҳадеб йўлга ишора қиларди. Ҳамма шу томонга ялт этиб қаради. Кўчада бемалол, ҳуштак чалиб келатган Нуржан. Янгибой писмиқ оғзини каппа-каппа очди, сўнг:

— Астаффирулло! — деганча гуп этиб қулади.

Оломон ҳушдан кетган писмиққа эътибор ҳам бермасдан Нуржан томон отилди. Шу ёққа босиб келатган одамлар оқимини кўрган Нуржан бир зум додираб жойида туриб қолди, сўнг «Бир бало бўлди-ёв» деган ҳадикка бордим, орқасига қарамай тирақайлаб қочди...

* * *

Бирон соатлардан сўнг ҳовли бўшаб қолди. Нуржанини қучиб ўтирган Сағийда холанинг ёнига лейтенант Низанов, Бахитбек, Нодир киришди.

Нуржан бор гапни айтиб берди:

— Қалъага ўқишларни кўрай деб боргандим. Кечкурун меҳмонхонага кираётиб қарасам, киссамда паспортим билан телефоним йўқ. Автобусда олдириб қўйган бўлсам керак, бир-иккита шпана болалар юргандай бўлувди. Кейин Есен аканинг уйида қолдим.

Бахитбек майорга қараб изоҳ берди:

— Шу овулдан. Нукусда яшайди.

— Текшириб кўришингиз мумкин. Менда Есен аканинг телефони бор, — деди Нуржан.

Лейтенант:

— Ҳм-м... — дея сумкасидан қоғоз-ручка чиқаради. — Хўп, ука, шуларнинг ҳаммасини менга ёзиб беринг-чи.

Нуржан ёза бошлади. Низанов ўғлига термилиб тўймаётган Сағийда холага қаради:

— Бир ўлиб-тирилган одамнинг умри узоқ бўлади, хола.

Сағийда хола миждаларидаги кўз ёшларини артиб, жилмайди:

— Илоё...

Лейтенант гапдонгина экан, сира оғзи тинай демасди:

— Бир замонлар ёмонлик қирқ йилдан кейин эгасига қайтган экан. Кейин олти ойга тушган. Лекин замон тезлашяпти, хола. Мана, қаранг, энди ёмонлик бор-йўғи тўрт соатдан кейин қайтяпти. Анов болани айтаман-да, хола. Бировнинг паспорти, телефони билан тўрт соат юрган, холос...

Расмиятчиликлар тез тугади. Лейтенант Низанов кетгач, бир пиёла чой ичар-ичишмас Бахитбек билан Нодир ҳам йўлга отланиб қолишди. Сағийда хола тўнғичига ташқарига чиқ ишорасини қилди.

— Болам, — деди Сағийда хола ҳовли четроғига ўтган маҳаллари паст овозда, — кўриб турибсан, ининг сал ўйинқароқ. Бир хил пайтлари менинг айтганим-ниям қилмайдиган бўлиб қолди.

— Ўзим гаплашиб қўяман.

— Сен гаплашиб ўтирма, болам. Яхшиси... овулга қайтиб кела қол. Уйда эркак киши бўлиши керак. Бўлмаса Нуржан ёмон йўлларга кириб кетадими, деб кўрқаман. Қалъага чопгани-чопган. Бир-иккита турқи совуқ, кўзи ўйнаб турадиган жўралари бор. Инингни ўйлайвериб, юрагим оғрийдиган бўлиб қолди... Ўқийман дединг, ўқидинг. Энди қип-қизил чўлда ишлашинг нимаси, болам? Бахитбек эътироз билдирди:

— У ер чўл эмас.

— Нима фарқи бор? Мени ўйласанг, инингни ўйлсанг, қайтиб кел, болам. Тайёр уй-жой. Уйлан. Катта тўй қилайлик. Менам невараларимни суйиб ўтирай.

- Лекин ишим...
- Бир иш бўлса шу ердаям топилар, болам, — қатъийроқ оҳангда гапирди она.
- Озроқ ишлаб, кейин илм қилсам дегандим, ойи.
- Бир рўзгорни бошқаришгаям илм керак. Қайта қол. Раҳбарларингга айтсанг, жавоб беришар. Хўпми, болам?

Бахитбек ўзига мўлтираб тикилиб турган онасига нима дейишни билмай қолди.

* * *

Охири яхши тугаган воқеа барибир яхши. Заводга қайтиб келишиб, ҳамкасбларини, хавотирланиб йўлга кўз тикиб турган Моҳидилни хотиржам қилишгач, Бахитбек билан Нодир яна ишга шўнғиб кетишди. Бахитбек ишларини йўлга қўйиб олгачгина қаттиққўллигию чандиб олувчи гаплари, ўрни келса-келмаса мақол ишлатавериши ҳамда ҳафталаб кабинетида ётиб қолиши билан ном чиқарган цех бошлиғи ҳузурига кирди. Катта-кичик раҳбарларда оддий стул бўлгани ҳолда, Кенжабой Юсупович кабинетига қайдандир юмшоқ курси топтириб келганди. Айтишларича, суяниб ўтирмаса бели оғрирмиш.

Машҳур курсисида ястаниб ўтирган цех бошлиғи Бахитбекни қисик кўзларини баттар қисганча истехзоли назар билан кутиб олди.

— Овулингга яхши бориб келдингми, а, иним? Ҳамма соғ-саломат эканми?

Бахитбек стол қаршисида қўлларини қовуштириб, тик туриб қолди. Раҳбар таклиф қилмагандан кейин қандай ўтиради?

— Раҳмат, оға.

— Индамай кетаверибсан. Ўзи келар ёр-ёр, ўзи кетар ёр-ёр. Бу ерда сенинг бошлиғинг йўқ-да, а? Ё Кенжабой Юсупович ўлганмиди?

— Узр. Шундай бўлиб қолди, оға. Кадрлар бўлимига тушунтириш хати ёзиб бердим.

— Ўқидим, ўқидим. Ҳайитдан кейин хинани қаерга қўйиш кераклигини биласан, а? Биринчидан, рухсатсиз кетганинг учун ҳайфсан эълон қилиб қўйишимиз керак. Тартиб шунақа... Ёшсан-да, ёшсан. Бундай бир олдимга келмайсанми маслаҳатга. Ахир, маслаҳатли тўй тарқалмас, деган гапларам бор. Ишхонадан бир машина олиб бермайманми? Сашанинг мотоциклида бориб кепсанлар-а? Уят! Бунақа пайтлари пул кетса кетсин, обрў кетмасин!

Юзига қизил доғ тоша бошлаган цех бошлиғининг газаби қўзиб келмоқда эди. Бу ёмон аломат. Бахитбек бошини эгди.

— Зудликда жўнашга тўғри келиб қолди. Минг бор...

Кенжабой Юсупович жаҳл билан унинг гапини кесди:

— Ўзинг йўртиб қолганинг камдай, Тошкентдан келган ёш мутахассисниям қўшиб олибсан. Худо кўрсатмасин-у, йўлда, иш вақтида бир фалокат содир бўлганида ким жавоб берарди, а, ким? Мен! Ҳа, шахсан мен жавоб берардим! Орқамга бир тепиб ҳайдашарди, ўзинг пиширган ошни ўзинг е, дейишарди. Сенинг касрингга мен қолардим. Сен ўзи шуни тушунасанми, а? Ё сенга шу керакмиди, а? Балки бу саботажни менга қарши, менинг душманларим билан келишиб атай уюштиргандирсан, а? Буюртмачинг ким? Гапир!

— ...

Бахитбек ўзича бунақа пайти яхшиси жим турган маъқул, деган қарорга келди. Тўғри қилган экан. Аста-секин цех бошлиғининг ҳарсиллаб нафас олиши пайсиди.

— Хўш, прогул кунингни нима қиламиз энди?

Бахитбек шошиб ваъда берди:

— Ишлаб бераман, оға.

— Ишлаб берасан. Ишлаб бермаям кўр-чи, ўзим тепангда туриб назорат қиламан.

— Раҳмат, оға. — Энди хайрлашиб, ортига бурилмоқчи бўлган Бахитбек бошлиқ билан яна қачон алоҳида кўриша оламан, деган ўйга борди-да, тил учида турган гапини айтди: — Мен анави масалада сизнинг фикрингизни билмоқчийдим, Кенжабой Юсупович.

Цех бошлиғи фикрини билдириши керак бўлган масалани эслолмади:

— Қайси?

Бахитбек бажонидил изоҳ берди:

— Рационализаторлик таклифим. Агар оғир қўл ишини механизациялашга алмаштирсак, ойига камида ўттиз миллион сўм иқтисод бўлади, ҳам олтига ишчи ўрнини тежаймиз.

— Ҳм-м... — бошлиқ столидаги қоғозлар орасини титкилади, излаганини топди шекилли, бир хужжатга афтини буриштириб қаради. — Ўқидим, ўқидим... Менга қара, Бахит, ҳеч Чин юртида бўлганмисан?

— Йўқ.

— Мен бўлганман, — ёқимли хотиралар ёдига тушдим, Кенжабой Юсупович ёйилиб илжайди. — Ўша ерда кўрдим де. Бир ресторанда официантлар ўрнига роботлар ишляпти. Буюртма қабул қилади, айтганларингни опкелади. Ҳатто, ҳа-ҳа-ҳа, чойчақа ҳам олади.

— Тараққиёт-да. Лекин бунинг, — ҳайрон қолди Бахитбек, — бизнинг ишимизга нима алоқаси бор?

— Алоқаси шундаки, — бирдан жиддий тортди Кенжабой Юсупович, — ҳамма ёқни робот босиб кетгани учун ўша мамлакатда ишсизлик катта. Агар сенам бу ерда ҳамма ёқни механизациялаб ташласанг, эртага кимни ишга оламан, а? Кимга ойлик тўлайман? Нима, умид билан иш сўраб келганларга «Бахитбек деган бир довдир инженер иш ўринларингни қисқартириб ташлади. Ўзиям емас, бировгаям бермас у», дейманми, а?

Бунақа мантиқни кутмаган Бахитбек эсанкираб қолди:

— Лекин... лекин булар зарарли, соғлиқ учун хавфли иш ўринлари-ку, оға?

— Зато, — бошлиқ бармоқларини бир-бирига ишқади, — пули бор иш. Пули яхши!.. Менга эса така бўлсин, сут берсин!.. Бор, ишингни қилавер.

Бахитбек бўшашиб эшик томон юрди.

— Сен бола, кар эшитганини, сўқир ушлаганини қўймас деганларидай, нега ўзи менинг бошимни қотириб, рационализаторлик таклифига ёпишиб қолдинг, а?

Бахитбек тўхтади.

— Корейслар билан гаплашиб билдим. Уларда ҳар бир инженер бир йилда камида саккиз-ўнта рационализаторлик таклифи бермаса, таклифлари амалиётга жорий қилинмаса ҳақиқий инженер ҳисобланмас экан.

Кенжабой Юсупович ҳе-ҳелаб кулди:

— Қўшнингнинг хотини кўзингга қиз бўлиб кўринади, деганлари шу-да... Уларда тартиб қанақалиги билан ишим йўқ. Менга ўзимнинг цехим муҳим. Иш кетяптими, кетяпти! Ойликни вақтида беряпманми? Беряпман! Мукофот оляпсанми? Оляпсан! Яна нима керак сенга, а? Тўйдирганнинг қорнига тепиш бўлмасин-да. Агар жуда олимлик қилгинг келаетган бўлса, ана, институтга бориб дарс бер. Ўзим йўлланма ёзиб бераман. Сенга шу керакми, а, ёш мутахассис?

Бу кутилмаган таклиф эди. Бахитбек баттар доддиради:

— Мен... мен аввал ишлаб чиқаришни яхшилаб ўргансам дегандим.

— Ким сенга ўрганма деяпти, а? Ўрган! Анави бошоғриқларингни бўлса, — у креслоси суянчиғига шапатилаб қўйди, — мана бу ерга ўтирганингда қилсан. Насиб қилса агар. Лекин шу кетишингда сира ўсадиган кадрга ўхшамайсан. Бўладиган бола бошидан маълум. Бўладиган боланинг пешанаси дўнг, қўли

очиқ бўлади. Шундан-шунга, овулингга борибсан-у, қўлтифингга тўртта бўйни узун билан икки килогина эт солиб келмадингми, а, бола? Ахир, мингта сиз-биздан битта жиз-биз афзал дейдилар. Бу кетишда сен умуман ўсмайсан! Сендақа Кулибиндан ўргилдим! Туя ҳаммомни орзу қилиб қолибди-да, а... Бо-равер дедим-ку.

Иzza бўлганидан пешанасига совуқ тер тошган Бахитбек довдираб кабинетдан қандай чиққанини эс-лай олмайди...

* * *

Цехга кираётгани маҳал вагонлар ёнида турган таниш «Нексия»га кўзи тушган Нодир қувончдан сак-раб кетгудай бўлди: кепти-да, ниҳоят! Кепти! Яша-вор! Мана энди гуруҳ тўлиқ шаклланадиган бўлди.

Бироқ алламбало пўрим кийинган, сочлари ялти-раб турган, катта қора кўзойнак тақиб олган Ўткир Нодирнинг «Бормисан, ўртоқ!» дея қучоқ очиб кели-шига жавобан қўл учида, совуққина кўришиб қўя қолди. Сухбат ҳам қовушмади. Охири Нодир гуруҳ бошлиғи сифатида ўзини қизиқтираётган саволни берди:

— Ишни бугундай бошлайверасанми? Мен келга-нингни раҳбариятга айтай.

Ўткир қўл ишораси билан ўртоғини тўхтатди:

— Ҳеч кимга ҳеч нимани айтиш шарт эмас!

— Лекин...

— Но проблем, дўстим! Ҳаммаси келишилган, ҳам-маси жойида. Қўрқма, сенга гап тегмайди. Мен бу ерга бошқа зарур иш билан келдим. Қисқаси, Моҳий билан гаплашиб олишим керак. Агар қарши бўлма-санг, албатта.

Нодир довдираб қолди:

— Бу... бу нима деганинг?

Ўткир кўзойнагини олиб, асабий равишда қўлида айлантира бошлади:

— Бу шу деганим.

Орага ноқулай жимлик чўқди. Ўткир пичинг қилди:

— Бизнинг суҳбатимизни стенограмма қилмоқчимисан? Ё ҳалитдан «тет-а-тет»га рухсат йўқми?

Нодир баттар каловланди, нимадир деб эътироз билдирмоқчи бўлди, аммо айтмоқчи бўлган фикрига мос сўзларни тополмагач, индамасдан нари кетди.

Дарвоқе, нима ҳам десин? Моҳидил аломат қиз. Улар биринчи босқичданоқ аълочилар сифатида танилиб, ўз-ўзидан яқин бўлиб қолишди. Сўнг жамоат ишларида, олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган фан олимпиадаларида бирга иштирок этишлар, талабалар алмашиш дастури доирасида Кореяга сафар... Эҳ-ҳе, икковлонга чин дилдан ҳавас қиладиганлар, ортларидан ҳайрат билан қараб қоладиганлар қанча! Уларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатадиган устозлар-чи! Хуллас, ҳаммаси аъло, олдиндан дастурлаб қўйилгандай силлиқ ва равон.

Бу ерда, ҳатто бошқача вариантнинг ўзини тасаввур этиш мушкул. Яъни Нодир билан Моҳидилнинг бирга бўлиши, бахтли оилага айланиши аксиома, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Тамом-вассалом. Бошқача бўлиши ҳам мумкинми, ахир? Асло ва асло!

Бироқ, Худо шоҳид, айнан мана шу силлиқлик, ҳаддан ортиқ равонлик ва заррача ҳам гумонга ўрин қолдирмайдиган барчаси аёнлик баъзан Нодирни чўчитарди. Наҳот, наҳот ҳаммаси шунчалар осон ва жўн кечса? Илло, мана, тўрт йилдан бери бирга ўқишади, лекин йигит ҳали бирон марта бўлсин Моҳидилнинг қўлини ушлаган эмас; бирон марта бўлсин — сентиментал киноларда кўрсатилганидай — титраб-қақшаб дилрози қилган эмас; бирон марта бўлсин ишқий мактублар юборган эмас (ўқиш ва ишга алоқадор SMSлар бундан мустасно, албатта). Тўрт йилдан бери бирга ўқишади, бироқ йигит ҳали бирон марта бўлсин тонг-ла қизни аудиторияда ёинки бе-

катда учратганида энтикиб-ҳаяжонланиб кетган эмас, ҳатто бир эмас, бир неча бор атай юрагига қулоқ тутиб ҳам кўрди: йўқ, ҳамишагидай бир маромда, сокин урмоқда. Қани у ишқ ҳаяжони? Қани у муҳаббат пўртанаси? Қани у соғинч қувончи? Ё китоблар алдайдими? Тўрт йилдан бери бирга ўқишади, лекин — йигит буни, ҳатто ўзига ўзи тан олишга ҳам чўчийди — бирон марта бўлсин қизни соғиниб, кечалари оқ тортиб, куйиб-ёниб чиққан эмас. Ё ўз туйғулари ҳақида тўлиб-тошиб гапиришни болайдиган серсевар Норбой уни гўл билиб, масхара қилармикан. Балки мана шу иккиланишлар боис-омилдир, онаси шу йил кўклам «Эртагаёқ одам юборсак ҳам юборамиз, юбормасак ҳам юборамиз!» деб оёқ тираб туриб олганида Нодир волидасига ёлғон гапирди: «Сал шошмайлик деяпти, ойи». Ваҳоланки, бу гап аслида ўзига тегишли эди...

Йўқ, йўқ, бошқача йўл тутиш Нодирнинг етти ухлаб тушига кирмаган. У номард йигитлардан эмас, шундай қилиш керакми, қилади; уйдагилари, институтдагилар, яқинлари интиқиб кутаётган тўй бўлиши керакми, албатта, бўлади. Ҳар қалай, шаддодгина, ўзини хафа қилдириб қўймайдиган қизлар тоифасидан бўлган Моҳидил уйига келган қанчадан-қанча совчиларга нима учун, кимни ўйлаб қатъий рад жавоби бераётгани аниқ. Бироқ, бундай маҳаллари шайтон қитиклайдими, нима бало, ҳар гал Нодир тиз чўкиб, муҳаббати рамзи бўлган узук солинган қутичани Моҳидилга тутаётганини тасаввур қилишга уринаркан, негадир пиқирлаб кулиб юборади. Ҳар гал... Ҳолбуки, бу ерда куладиган нарсанинг ўзи йўқ. Аксинча, баланд пардаларда, ўта жиддийлик ва ҳаяжон оғушида кечадиган жараён. Бироқ йигит барибир ҳар сафар кулиб юборишдан ўзини тийиб туролмасди. Кейин эса, гўё Моҳидилнинг қаршисида ноўрин иш қилиб қўйгандай уялиб, маълум муддат ўзини ундан олиб қочиб юарди.

Ҳозир ҳам ўзига бақрайиб тикилиб турган Ўткирга нималарнидир тушунтироқчи, нималарнидир изоҳламоқчи бўлди, бироқ алал-оқибат ўй-фикрлари багтар чувалашиб, ўзи ҳам калаванинг учини тополмай қолгач, шартта цехга кириб кетаркан, ҳар нечук, ичкаридан шошиб чиқиб келаётган Моҳидилнинг кўзига чалинмасликни эплади.

Қизгин салом-алиқдан сўнг қизнинг:

— Ана энди сюрпризнинг зўрини тайёрлапсиз! Худди киноактёрга ўхшаб қопсиз. Бутунлай қайтдингизми? — деган хитобига жавобан Ўткир дарҳол мақсадга ўта қолди:

— Моҳий! Ишни ўйлама. Ўзимникини ҳал қилдим, сеникиниям тўғрилайман. Хуллас, атай сен учун келдим. Уйдагилар «Уч кун ичида ўзинг танламансанг, биз танлаган қизга уйланасан!» деган шарт қўйишди. Мен сени айтдим. Улар рози бўлишди!

Жиддий тортиб қолган қиз ўзини мажбурлаб кулимсиради:

— Аввал «Ота рози — Худо рози», дейишарди. Энди «Қайнона-қайнота рози — келин рози» бўлибди-да.

— Моҳий. Бу куладиган иш эмас. Атай шунданшунга келдим.

— Атай шундан-шунга келиб овора бўпсиз-да, — яна кулимсиради қиз.

— Сени деб келдим. Сени яхши кўрганимдан келдим, Моҳий! Эртагаёқ, йўқ, ҳозир телефон қиламан, шу соатнинг ўзидаёқ уйингга совчилар боради.

Қиз жиддий тортиди:

— Қўйинг, Ўткир ака, улар ҳам овора бўлишмасин. Бундай жавоб бўлишини кутмаган шекилли, йигит сезиларли даражада асабийлашди:

— Моҳий! Ўйлаб кўр! Бу ерда ёшлигингни қумга кўмиб нима қиласан? Қара, ҳалитдан қорайиб кетибсан. Мен сени шу бутуноқ, ҳозирнинг ўзида олиб кетаман бу дўзахдан. Бир умр бирга бўламиз! Ахир, қанчадан-қанча режаларим бор, айтганман-ку. Осиё,

Европа, Америка... Агар анавига ишонаётган бўлсанг, — Ўткир цех томонга ишора қилди, — адашсан. Унингнинг кўнглида сенга нисбатан озгина севги бўлганида эди, шу пайтгача ҳеч бўлмаса одам юборган бўларди. Тўйни-ку, айтиб ҳам ўтирмай.

Қиз қовоқ уйиб, қошларини чимирди:

— Йигит кишига ғийбат ярашмайди, Ўткир ака.

— Бу ғийбат эмас, ҳақиқат. Ҳақиқат шунақа аччиқ бўлади...

Моҳидил йигитнинг гапини бўлиб:

— Хайр, яхши етиб боринг, бахтли бўлинг, — деди-да, цехга қайтиб кетди.

Ўткир тутақиб, ерни чангитиб тепди:

— Шунақами? Ноз қилдиларми? Кўрамир! Менга деса шу ерда чириб кетмайсанми! Ҳали минг пушаймон бўласан, лекин унда кеч бўлади, кеч!..

Йигит анча жавради, сўнг машинасини чийиллатиб ҳайдаганча катта йўл томон елиб кетди.

* * *

Бахитбек ишлаб ўтирган жойида тўғри устига бостириб келган цех бошлиғини кўриб чўчиб кетди. Яна нима бало бўлди экан? Бунинг устига бошлиқ костюм-шим кийиб, энли бўйинбоғ тақиб олганди. Қандайдир байрам, шекилли. Кенжабой Юсупович салом-аликсиз бирдан гапнинг индаллосига ўтди:

— Менга қара, болам, институтга домла бўлиб бориш ҳақидаги гапимни ўйлаб кўрдингми? Овулинг-гаям яқин бўлардинг.

Бахитбек, албатта, бу таклифни мулоҳаза қилиб кўрганди. Аммо...

— Кенжабой оға, мен бир-икки йил аввал ишлаб чиқаришни яхшилаб ўргансам девдим. Кейин мен танлаган докторлик диссертацияси мавзуи ҳам ишлаб чиқариш билан боғлиқ.

— Ҳм-м, шунақа дегин... — Цех бошлиғи лабларини чўччайтирганча ўйланиб қолди. — Хуллас, бола,

яқинда аттестация ўтказилади. Жуда қаттиқ бўлади. Тўғри, сен ёш мутахассис сифатида уч йилгача бунақанги чиғириқдан ўтмаслигинг мумкин. Аммо мен агар хоҳласам раҳбариятга устингдан шунақанги билдиргилар ёзиб бераманки, икки ҳафта ичида бу ердан думинг тугилади.

Бахитбек анграйиб қолди:

– Кенжабой Юсупович, очиги, нима демоқчи бўлаётганингизни тушунмадим.

– Сен бир мақолни унутма: «Тил югуриги бошга». Ёки ишга. Агар ўшани унутмасанг, бу ерда тинчгина ишлайсан, мукофот оласан, вақти келиб сени цех бошлиғи ҳам қилиб қўяман. Лекин тилингни тиймасанг, менга туҳмат қиладиган бўлсанг, шармандангни чиқариб ҳайдайман!

Бахитбек батар довдиради:

– Тушунмадим, Кенжабой оға, нима учун энди сизга туҳмат қилар эканман?

– Қисқаси, шу менга керак. Керак! Талаб шунақа бўляпти. Сен эса яна бир нақлни унутма: «Ўйнашмагин арбоб билан...» Хуллас, ўрага сичқон тушди — гулдур-гуп.

Цех бошлиғи хўмрайганча нари кетди, йигит унинг ортидан ажабланиб қараб қолаверди.

Бахитбек ёнига келган Нодир сўради:

– Ҳа, Бахит, тинчликми, мақолчи оғамиз сени йўқлаб қолди?

Бахитбек қўлларини кенг ёзди:

– Ўлай агар, ҳеч нарсани тушунмадим.

Шу маҳал овоз кучайтиргичдан эълон янгради: «Ҳурматли ходимлар. Чорак соатдан сўнг цех ходимларининг умумий йиғилиши ўтказилади. Ҳамма мажлислар залига».

Иш пайти бекорга мажлис чақирилмаслигини яхши билган ходимлар гуррос-гуррос бўлиб залга кириб келишди. Аллақачон президиумдан жой олган Кенжабой Юсуповичнинг оғзи қулоғида эди. Одамлар

орасида енгил шивир-шивир пайдо бўлди: «Эшитдиларингми, бошлиғимиз кўтарилармиш...»

Эшик очилиб, шошиб кириб келган Меданбой Ибройимович саҳнага чиқиб, одатига кўра ортиқча кириш сўзларисиз асосий мақсадга ўтди.

— Ассалому алайкум. Минг бор узр, ўртоқлар, ўн дақиқалик иш вақтингизни ўғирляяпман. Сизларни бу ерга йиғишдан мақсад кичкинагина бир хушхабарни эълон қилиш эди. Ўзларингиз биласизлар, яна бир неча ойлардан сўнг монтаж ишлари якунланади ва биз маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтамиз. Мана шу жараённинг ўзидаёқ бизнинг илғор муҳандисларимиз, техник ходимларимиз, баъзи ҳолларда ҳаттоки ишчиларимиз ҳам меҳнат самарадорлигини ошириш, сарф-харажатни камайтириш, демак маҳсулотимиз таннархини камайтириш борасида ўзларининг қимматли таклифларини бермоқдалар, уларни рационализаторлик таклифи сифатида расмийлаштирмоқдалар. Бу борада бизнинг инженер-техник ходимларимиз, ишчиларимиз корейлик ҳамкасбларидан қолишмаётганликлари, айниқса, бизни қувонтиради. Шуни қувонч билан маълум қиламанки, куни кеча махсус экспертлар гуруҳимиз шундай таклифлардан еттитасини синчиклаб ўрганиб чиқиб, улардан учтасини зудликда ишлаб чиқаришга жорий этиш тўғрисида қарор чиқарди. Ҳисоб-китобларга кўра, бу рационализаторлик таклифлари жорий этилган тақдирда ҳар ойда ўртача саксон миллион сўмга яқин маблағ иқтисод қиламиз ҳамда зарарли шароитда меҳнат қиладиган ўн битта иш ўрнини тежаймиз. Бу жуда катта кўрсаткич, албатта. Энг муҳими, бу учала таклифнинг биттаси, айтишим мумкинки, энг залворлиси муаллифи сизларнинг цех бошлиғингиз, тинибтинчимас Кенжабой Юсуповичдир!

Гулдурос қарсак янгради, гул-гул яшнаб ўтирган цех бошлиғи ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйганча таъзим қилди.

Инженерлардан кимдир баланд овозда сўради:

– Мукофоти нима бўлади?

Меданбой Ибройимович жилмайди:

– Кенжабой Юсупович иқтисод қилинган маблагнинг тегишли фоизини мукофот тариқасида, албатта, олади.

Инженер бўш келмади:

– Устоз бир эриркан-да!

Бош инженер цех бошлиғига саволмуз қаради. Кенжабой Юсупович яна қўлини кўксига қўйди:

– Дўстлар учун дастурхонимиз ҳамиша очиқ! Ахир, «Меҳмон отангдан азиз», дейдилар. Якшанба куни ҳаммангизни банкетга таклиф қиламан.

Меданбой Ибройимович қўлини кўтариб, яна янгираган қарсақларни тўхтатди:

– Азиз ёш муҳандислар, техник ходимлар, умуман олганда, бутун жамоа! Ишончим комилки, цех бошлиғининг ибратли изланиши сизларга намуна бўлади, сизларни илҳомлантиради. Қизиққан ўртоқлар учун эълонлар тахтасига Кенжабой Юсупович берган рационализаторлик таклифлари ҳақида маълумотлар жойлаштирдик. Марҳамат, ишдан кейин бемалол танишишларингиз мумкин. Ҳаммага катта раҳмат. Энди ишга!

Залдагилар гувиллаб ўринларидан туришди. Кимлардир келиб цех бошлиғини алоҳида қутлашга ўтди.

Нодир шундай тахминга бориб адашмаган экан, йўлақдаги «Эълонлар тахтаси» ёнида турган Бахитбек маълумотномани диққат билан ўқимоқда, чизмаларни яқин бориб кўздан кечирмоқда эди.

Нодир тўғридан-тўғри сўради:

– Булар сеники, а, Бахит?

Бахитбек ёнига ўтирибди, Нодирни кўриб, ноқулай аҳволга тушди.

– Йўғ-э, бу нима деганинг?

– Мен ҳали эсдан оғганим йўқ. Ўзинг бизга неча марта ҳаяжонланиб гапириб бергандинг.

Бахитбек умумийроқ гап билан аниқ жавобдан ўзини олиб қочишга уринди:

— Энди... ғоя ҳаммада бўлади... Лекин уни ёзиш, изоҳлаб бериш, ҳисоб-китоб қилиш осон эмас...

— Энди нима қилмоқчисан?

— Ҳеч нима, — шошқин жавоб қайтарди Бахитбек. — Энг асосийси, ғоя амалга ошди.

— Фақат муаллифи ўзгариб, — киноя қилди Нодир.

— Омон бўлсак, ҳали бунақанги ғоялардан кўпини таклиф қиламиз... — Бахитбек ўзига диққат билан тикилиб турган Нодирдан кўзини олиб қочди. — Айтгандай, балки институтга бориб дарс беришга ўтарман. Докторлигим ҳам тезроқ битарди.

— Эшитдингми, талантли рационализатор Кенжабой оғамиз бош технолог бўлиши мумкин эмиш.

— Шунақами? — Бахитбек хурсанд бўлди: — Яхши-ку...

— Ҳа! — шартта унинг гапини кесди Нодир. — Жуда яхши! Кейин иш ўрнига мақолбозлик қилиб ўтирамиз.

Нодир тарс-турс юрганча гарангсиб қолган Бахитбекдан узоқлашди. Балки шу билан ҳаммаси эсдан ҳам чиқиб кетармиди. Ахир, ишда нималар бўлмайди. Аммо кутилмаганда Кенжабой Юсуповичнинг ўзи Бахитбекни йўқлаб қолди. Цех бошлиғи бу сафар ёш мутахассисни илиқ кутиб олди.

— Кел, Бахит, кел, — дея у ликопчаларга ширинликлар қўйилган столга ишора қилди. — Меҳмон келса эшиқдан, ризқи келар тешиқдан деганлари шу-да. Ол. Қаҳва айтайми?

— Йўқ, раҳмат. Чақирган экансиз.

— Хуллас, Бахитбек, гапнинг лўндаси шу. Мен қўйнидан қўнжигга тўкилиши тарафдориман. Айтадилар-ку, султон суягини хўрламас деб. Бунинг устига биз ёшларнинг қанот қоқиши, ҳм-м, парвоз қилиши тарафдоримиз. Шунинг учун, болам, агар мен талаб қилгандай яхши ишласанг, цех бошлиғи бўлиб

кетишинг ҳам ажаб эмас. Чунки, тешик қулоқ, эшитгандирсан, эртага бошқарма раисининг биринчи ўринбосари билан суҳбатдан ўтганимдан кейин сал юқорироққа сакрашим аниқ.

— Кенжабой оға, цехда мендан тажрибалироқ мутахассислар бор.

— Оббо, «берди»сини айтгунча сабр қилиб турда, иним. Тўғри, тажрибали мутахассисларимиз етарли. Лекин сени мен тавсия қиляпман. Ишним биргаликда ташкил қиламиз. Чунки сен менинг кадрим бўласан. Мен атрофимга сенга ўхшаган каллали одамларни йиғишим, йиқиладиган жойимга кўрпа тўшаб қўйишим керак. Тушуняпсанми сен бола?

Бахитбек ўйланиб қолди.

— Хўш, иним, «Яхши отга бир қамчи», дейдилар-ку.

— Тушунгандайман... Демак, яна рационализаторлик таклифлари...

— Ғоя. Фақат ғоя керак. Нафақат рационализаторлик таклифлари, балки кашфиётлар ҳам. Тош кўтарадиган, патент олишга арзийдиган, бош технолог даражасидаги таклиф ва кашфиётлар. Қолганини ўзим ҳал қиламан. Айтгандай, менга сенинг бир тийининг керак эмас. Мукофот пулларининг ҳаммаси ўзингники. Ҳатто устига қўшиб ҳам бераман.

— ...

Бахитбек энди умуман ҳеч нарсани тушунмай қолди. Пул учун бўлмаса, унда нима, обрў учунми?

— Гапир. Нима, шу ёшингда каттакон цех бошлиғи бўлсанг ёмонми? Еганинг олдинда, емаганинг ортингда бўлса ёмонми?

— Ёмон эмас... Лекин, оға...

— Бутун тиришиб-тирмашишимиз умумий иш учун бўлса.

— Тўғри, ҳаммаси умумий ишимиз учун... Шу иш яхши кетсин учун мен жонимни бериб ишлашга тайёрман... Лекин сиз айтаётган таклиф...

Бунақа иккиланишни кутмаган шекилли, Кенжабой Юсуповичнинг қовоғи уйилди:

— Гапни гапир уққанга, деганлар. Мен таклиф айтмадим.

— Ҳа, уқдим. Сиз шарт қўйдингиз... Биласизми, ўйлаб-ўйлаб, институтда дарс берсам яхшироқ бўларкан, деган қарорга келдим.

— Нимаям дердим. Ҳали мен таклиф айтдим-у... Зоримиз бор, зўримиз йўқ, иним. Бўлмаса аризанг-ни кадрлар бўлимига ўзинг топшириб қўйсан. Оилавий аҳволим туфайли, ўз ихтиёрим билан деб ёзишни унутма.

— Унутмайман.

— Бўпти унда. Фақат йигит кишига уч марта омад кулиб боқишини эсдан чиқарма. Сен ҳозиргина шундан биттасини қўлдан чиқардинг. Яхши бор, болам.

— Раҳмат. Сиз ҳам яхши қолинг, оға. — Бахитбек эшикка етган жойида тўхтаб, ўтирилди: — Айтгандай, бир нарса сўрасам майлими, Кенжабой оға?

— Сўра, болам. Кетар жафосига сўраб қол.

— Мен барибир тушунмаяпман, пули керак бўлмас... нимаси керак сизга?

Цех бошлиғи Бахитбекка ўқрайиб қаради.

— Шу саволингга мени жавоб беради, деб ўйлайсанми?

— Ўзингиз кетар жафосига дедингиз-ку.

— Айтдим. — Кенжабой Юсупович бир муддат ўйланиб қолди, шунда унинг юзини қаҳрли кўрсатиб турган ажинлар камайгандай, лабларида енгил табас-сум ўйнагандай бўлди. — Шу гапингга узумини егин-у, боғини суриштирма, десамам бўларди-ю... Майли... Кўнгил-да, болам. Шу... политехникада ўзим билан бирга ўқийдиган бир қизни ёмонам ёқтириб қолдим дегин. Қизмисан қиз эди-да ўзиям. Ухлаб ух-лолмайман, ҳушим ўзимда эмас. Совчи юборай деб ўртага одам қўйсам, у: «Мен бунақа тупойга тегмайман!» — дебди. Тўғри, аълочи эмасдим, лекин жуда

итнинг кейинги оёғи ҳам эмасдим. Алам қиладими, қилади! Лекин алам қилса бурнингни тишла, деганлар. Ўзим сағирликда ўсган бола бўлсам. На «танкам» бор, на пул-бойлигим. Хуллас, келиб-келиб шу қизга қасдлашдим. Итдай ишлаб шу бутунги мавқега эришдим. Ҳар қалай, ёмон эмас. У қиз бой эрга тегди, икки ўғил, бир қизли бўлди. Эри ёш ўйинчи қизни топиб, ташлабам кетди. Ҳаммасини билиб-кузатиб юрдим. Ҳозир у мактабда ишлайди, икки хонали квартирада туради. Институтни битирганимизнинг йигирма беш йиллигида кўришганимизда биринчи марта менга ҳайрон бўлиб қаради. Кутмаган-да, ўша «тупой» боланинг цех бошлиғи бўлиб кетишини. Буни кўриб теримга сизмай қувониб кетдим, дам шу дамдир, дедим-да, дарров яна орага одам қўйдим... Кўнмади... Кўнгли тортмадими... Қўлимдан нимаям келарди?! Келаси йил ўттиз йиллигимиз. Кўришганимизда катта комплексда бош технологман десам, буям камдай, хизмат кўрсатган рационализаторман десам, бақа бўлиб қолса керак ўзиям, а? Майли, мен кўп куйдим, у умрида ҳеч бўлмаса бир марта куйсин, «шунга тегсам бўларкан-ку» деб бир марта, бир мартагина армон қилсин. Балки шунда... Тўғри, мен унга муносиб эмасман. Лекин агар рози бўлса, қолган умрим бўйи мен уни бошимга кўтариб юраман, қаршисида тиз чўкиб яшайман...

Сўнгги жумлаларни айтаётгани маҳал қандайдир ширин ўйлар оғушида қолган, кўзлари жикқа ёшга тўлган Кенжабой Юсупович бирдан сесканиб, ўзига келди, жиддий тортди ва Бахитбекка ўқрайиб қаради:

— Бўлдими? Кўнглинг тўлдими энди?

— Бўлди, оға, бўлди.

— Унда бор, кет. Фақат шу ердаги гап шу ерда қолсин, бола. Мен сенга мардлик қилиб дардимни айтдимми, сенам мардлик қилиб тилингни тийиб юр.

— Хўп, оға, хўп.

Ҳаммасини қизиқ устида бажармаса, кейин ўйла-ниб-иккиланиб қолиши тайин. Шу баҳонада онаси-ни ҳам рози қилади. Бежиз эмасдир бу... бу имко-ният. Шундай ўйларга борган Бахитбек кабинетдан чиққач, тўғри кадрлар бўлимига кирди-да, оилавий аҳволини рўкач қилиб ариза ёзди, «Цех бошлиғи би-лан келишганман» дея бир йўла ишдан бўшашда тўлдириладиган қарзи йўқлик варақасини ҳам олди. Сўнг ечиниш хонасига бориб, кийимларини алмаш-тирди-да, варақчада белгиланган имзо-муҳрларни йиғишга тушди. Нодир ахборот-ресурс маркази деб аталадиган кутубхонадан чиқаётган маҳал Чори ака-ни учратиб қолди.

— Шаштинг пастроқми, Бахит? — деб сўради уста салом-алиқдан сўнг.

— Шу... овулимга қайтиб кетсамми деб турибман, Чори ака. Бутунлай.

— Ие, бу нима деганинг?

— Онам ёлғиз... Бир укам бор-у, сал беўйроқ.

— Буни хаёлингаям келтирма, Бахит. Нима, бошқа мамлакатдамисан, бунча хавотирланасан? Овулинг бу ердан бор-йўғи бир ярим соатлик йўл бўлса. Ҳали поезд, электричкалар ишга тушиб кетса, бир қадам бўлади-қолади...

— Шундайку-я, лекин...

— «Лекин-пекин»ни қўй, иним. Мен сенга бир гапни айтай. Шўртанда ер кавлай бошлашганида биз эшак миниб, чўпонлик қилиб юрган ёш болалар эдик. «Бу ерда катта завод қурилади», дейишганида, ишон-магандик. Буни қара, энди ўша чўпон болалардан ик-китаси заводда цех бошлиғи, учтаси уста, биттаси эса бош инженер. Ҳаммамиз шу ишимиз орқасидан оиламизни боқяпмиз, чет элларга бориб келдик.

Бахитбек индамай йўлида давом этди, оғир ўйлар оғушида қўлидаги қоғозга тегишли жойлардан муҳр, имзо қўйдириб чиқа бошлади. Нодир уни шу машғу-лот устида учратди.

— Обходной лист... Демак, рост экан-да.

— Шу... ўйлаб кўрсам, институтда дарс бериб, илм билан шуғулланганим яхшига ўхшайди, — деди Бахитбек.

— Қадрли бошлиғимиз тили билан айтсак, қўнғизга арпа баҳона экан-да, — ачитиб гапирди Нодир.

— Менгаям осон тутма, Нодир. Ахир, қанча орзуларим бор эди...

— Лекин уларнинг ҳаммасидан осонгина воз кечиб қўя қолдинг, шундайми?

— Кетмасам бўлмайди, мениям тушун, дўстим.

Нодир йигитга қаттиқ тикилди:

— Кутмаёқ қўя қол, сенга қўшилишиб кўз ёши тўкмайман.

— Менам сенинг ачинишингга зор эмасман.

— Ҳа, бу сал йигитнинг гапига ўхшади. Рационализаторлик таклифларингнинг ҳисоб-китоблари, черновойлари қолганми?

— Ҳа. Нимайди?

— Менга бер-чи.

— Уларни нима қиласан?

— Хотира дафтари ёзаман!

Бахитбек кийим алмаштириладиган шкафлар ёнига бориб, ўзига ажратилган ячейка эшигини очди, юқорида, каска ёнида турган бир даста қоғозларни олди.

— Булар биринчи қораламалар, холос.

— Бу ёққа ол. Энди юр!

— Қаёққа? — ҳайрон бўлди Бахитбек.

— Меданбой Ибройимовичнинг олдига.

— Йўқ, йўқ! — Бахитбек чўчиб ўзини бир қадам орқага олди. — Ҳеч қачон бормайман! Ундан кўра жимгина кетганим авло. Жанжалнинг нима кераги бор? Ахир, умумий иш...

Нодир ҳуштак чалганди, цехда ишлайдиган ўн-ўн беш чоғли йигит-қиз Моҳидил бошчилигида кириб келишди. Нодирнинг ишораси билан келганлар шартта Бахитбекни кўтариб олишди ва унинг жон-жаҳди

билан қаршилиқ кўрсатишига, «Қўйворинглар... Одамни шарманда қилманглар... Илтимос...» дея ёлворишига ҳам парво қилмасдан шу ҳолида тўппа-тўғри бош инженер қабулхонасига қадар кўтариб боришди. Қабулхонада компьютерда ишлаб ўтирган котиба эшикни ланг очиб, бесўроқ кириб келган бу издиҳомга аввал анграйиб қараб қолди, сўнг базўр:

— Нима гап? — деб сўрай олди.

Бироқ ёшлар котибанинг саволига жавоб бермасдан олдинга интилишди. Кимдир «Бош инженер Меданбой Ибройимович Қидиралиев» деб ёзиб қўйилган қўш табақали эшикни очди. Йигит-қизлар шу ҳолларида кенг-мўл кабинетга бостириб киришди.

Стул устидаги чизмаларни кўзойнакли киши билан муҳокама қилиб турган бош инженер кирганларга ҳайрон бўлиб қаради, кейин дабдурустан ҳазиллашди:

— Ҳа, ёш авлод, уйланмайман деб тўполон қиялпими?

— Э, шундай деса қанийди, — деди Нодир жиддий тарзда. — Меданбой Ибройимович, рухсат берсангиз сиз билан мана шу ёш мутахассисимиз ҳақида гаплашиб олмоқчийдик.

Бош инженер кўзойнакли кишига қаради:

— Узр, сал кейинроқ давом эттирсак.

— Бемалол, Меданбой Ибройимович, — дея кўзойнакли киши кабинетдан чиқди.

Ниҳоят, ёшлар ранги бўздай оқариб кетган, қўллари дир-дир титраётган Бахитбекни пастга туширишди.

— Қани энди ҳаммасини бир бошидан, шошмасдан ким гапириб беради? — деб сўради бош инженер.

Нодир бир қадам олдинга чиқиб:

— Мен, — деди-да, стол устига Бахитбекнинг қоғозларини ёйиб чиқа бошлади.

Қолганлар унга ёрдам беришди. Нодир даъвосини чизмалар, ҳисоб-китоблар билан далиллаб, воқелик-

ка ойдинлик киритишга ҳаракат қилди. Уни диққат билан эшитаётган бош инженер ватман қоғозлари осилган махсус стенд ёнига бориб, Бахитбекнинг қўлига маркер тутқазди:

— Кутилаётган соф даромад миқдорини, фойдали иш коэффицентини ҳисоблаб кўрсата оласизми?

Бу топшириқ рационализаторлик таклифини ўзи тайёрлаган тажрибали муҳандис учун писта чақишдай осон, кўзни юмиб ҳам бажарса бўладиган иш, албатта.

Бахитбек ҳам турли чизмалару формулалар билан бир пасда қоғозга талаб қилинган кўрсаткичларни ёзиб ташлади. Илло ҳозир бу ишни қилмаса, ўзи тухматчига чиқиб қолиши аён эди.

Бош инженер иягини силаганча диққат билан эшитиб турди, сўнг:

— Хўш, ёш авлод, беш, йўқ, кўпи билан ўн дақиқа шу ердан қимирламай туринглар, — деди-да, шошиб кабинетидан чиқди.

Ҳамма жим эди. Бахитбек бош чайқади:

— Яхши иш бўлмади.

Моҳидил эътироз билдирди:

— Оғзингиздагини олдириб ўтираверсангиз яхши иш бўлармиди? Ўғри бўл, фар бўл, инсоф билан бўл-да. Одам бировнинг ишига ҳам эга чиқадими? Куппа-кундуз босқинчилик-ку, бу!

Гап ким ҳақида кетаётганини англаган Бахитбек эътироз билдиришга ҳаракат қилди:

— У киши асли ёмон одам эмас... ёмон одам эмас...

Шу сўзлар билан Бахитбекнинг ҳам уни ўчди. Бошқа нима ҳам десин? Сирни очолмайди-ку, ахир.

Орадан чамаси ўн дақиқалар ўтди. Очiq эшикдан ранги ўчган, лаблари пир-пир учаётган Меданбой Ибройимович кириб келди ва жойига ўтиб ўтиргач, иложи борича хотиржам овозда эълон қилди:

— Яккама-якка гаплашдим. Ҳар қалай... Хуллас, у киши ўз аризасига кўра ишдан бўшади. Энди ўзла-

рингни кўрсатадиган вақт етиб келди, ёш авлод! Цех бошлиғи этиб ёш мутахассис Бахитбек Жумағалиев тайинланди.

Кабинетга бир зум сув қуйгандай сукут чўқди. Кейин уч-тўрт киши бирдан бақириб юборди:

— Ура-а!..

Йигит-қизлар лавлагиси чиқиб кетган Бахитбек-ни унинг қаршилигига қарамасдан яна қўлда кўтарганча бақир-чақирлар билан кабинетдан олиб чиқиб кетишди. Ёшлар ортидан ўйчан қараб қолган Меданбой Ибройимович тортмадан дори олиб, тили тагига ташлади.

Дарвоқе, Кенжабой Юсупович шу куннинг ўзида ҳеч кимнинг кўзига кўринмай, ғойиб бўлганди. Икки-уч кундан сўнг кадрлар бўлими бошлиғига қўнғироқ қилибди. Илтимосига кўра меҳнат дафтарчаси у айтган манзилга почта орқали юборилди, қолган маоши ва таътил пуллари пластик карточкасига ўтказиб берилди. Бахитбек анча пайтгача виждон азобида қийналиб-эзилиб, ўзини ўзи сўкиб юрди. Ҳатто бир неча бор собиқ бошлиғи хусусида маълумот тўплашга, унинг яшаш манзилини аниқлашга уриниб кўрди: боради, дилдан гаплашади. Аммо бор-йўқ аниқлагани шу бўлдики, Кенжабой Юсупович уч марта уйланиб, ажрашган. Болалари... йўқ. Ёлғиз ўзи яшаган, бироқ мажмуадан ишдан бўшаганидан сўнг уйини сотиб, қаёққадир кўчиб кетган, қаёққалигини қўшниларга ҳам айтмаган. Барча иш жойидан яхши тавсифнома-лар олган...

Вақт шафқатсиз. Фурсат ўтган сайин Кенжабой Юсуповичнинг сиймоси ҳам аста-секинлик билан бўлса-да, минг бир ташвишга андармон бўлиб қолган Бахитбекнинг хотирасидан кўтарила борди...

* * *

Бўлиб ўтган ёқимсиз воқеадан сўнг қурилишда ёш инженер-техник ходимларга ўз куч-иқтидорларини

янада самаралироқ, фаолроқ намоён этишлари учун қулай ва муносиб шарт-шароит, имкониятлар яратиш борасида қарор қабул қилингани маълум. Бунинг оқибати ўлароқ, пойтахтдан йўлланма билан келган ёш мутахассисларга ҳам муҳим, ўта масъулиятли участкалар ишониб топширилди.

Август ойи бошланган бўлишига қарамасдан, жазирама иссиқ тафти сира пасаймасди, устига-устак, кейинги кунлари қайноқ шамол учуриб келаётган қум зарралари кўз очирмай қўйди.

Ўнга яқин вақтинчалик палаткалар тикланган жойга туташ кенг майдонга қурилиш материаллари уйиб ташланган. Меданбой Ибройимович маҳаллий ва корейс мутахассисларни шу майдонга бошлаб чиқиб, уларнинг қўлига фаолият ҳудудлари белгиланган хариталарни тарқатди.

Норбой жаноб Чан билан биргаликда оқ байроқчалар тикилган ҳудуд ёнига бориб, инглиз тилида тантанали равишда эълон қилди:

— Мана шу бизнинг участкамиз экан!

Жаҳонгир эса жаноб Ван билан бошқа рангдаги байроқлар тикилган ҳудуд ёнига борди:

— Бу бизники!

Нодир жаноб Юнг Вонг билан кейинги ҳудудга борди:

— Бу бизники!

Моҳидил озғин Ли Мие хоним билан сўнгги ҳудуд ичига кирди:

— Бу эса бизнинг участкамиз!

Ҳамма лойиҳани олиб, яна бир бор ўрганиб чиқаётганидан фойдаланган Норбой зипиллаб Моҳидилнинг ёнига келди.

— Моҳ, мени дугонангиз билан таништириб қўясизми? Қаранг, бўйиям бўйимга мос.

Моҳидил ҳайрон бўлиб сўради:

— Қайси дугонам билан?

Норбой корейс қизга ишора қилди.

— Ли Мие биланми? — ажабланиб сўради Моҳидил.

Йигит овозини пасайтирди:

— Уни «Ю Жинг» деб атай қолайлик, Моҳ. Қара, ўзиям ўхшайди-я. Анави қиз бор эди-ку, «Қиш сонатаси»даги. Моҳидил энсаси қотиб жавоб қайтарди:

— Мен эса Жулия Робертсга ўхшайман. Қуйиб қўйгандай. Боринг, ишингизни қилинг. Танишишга топган вақтингизни...

Ҳеч қутилмаганда кўтарилган кучли шамол палаткаларни учириб кетгудай бўлиб юлқий бошлади.

Норбой бўронда қолган ожиз ниҳолдай чайқалаётган Ли Миенинг қўлидан маҳкам ушлаб олди-да, корейсчалаб бақириб гапирди:

— Бунақанги шамол сизни учириб кетиши мумкин, хоним.

Ли Мие:

— Раҳмат, — деб тўхтади-ю, йигитга ажабланиб қаради. Сўнг қичқириб сўради: — О, жаноб, тилимизни биласизми?

Норбой яшнаб кетди:

— Билганда қандоқ, Ю Жинг хоним!

Қиз жилмайди:

— Менинг исмим Ли Мие.

— Биламан. Лекин барибир мен учун Ю Жингсиз. Бўронда яширинмасак бўлмайди, хоним.

Икковлон қўл ушлашганча палаткалар томон чопиб кетишди.

Кечга бориб шамол қандай ногоҳ кўтарилган бўлса, шундай тез тўхтади. Тез орада атрофни қоронғилик босди. Кечки овқатдан кейин Нодир ҳамкасби Юн Вонг билан айлангани чиқди. Кўкни қоплаган сонсиз юлдузларни кўрган корейс мутахассисининг тили калмага келмай, осмондан кўз узолмасдан жойида қотиб қолди. Унинг аҳволини кўрган Нодир хавотирга тушди:

— Нима гап, жаноб Вонг?

– Шунча йил яшаб... шунча йил яшаб юлдузларни бу қадар яқиндан кўрмаганман, – ниҳоят жавоб қайтарди у. – Тўғриси, юлдузларни умуман кўрмагандим ҳисоб.

Нодир ҳайрон қолди:

– Нега энди?

– Сеул тоғли жойда жойлашган. Бизда осмонни доим туман қоплаб туради.

– Ҳа, эсладим, анча қалин туман бўларди.

– Шунақа қалинки, унинг ортида юдуз ҳам кўринмайди.

Нодир кулиб қўйди:

– Унда бемалол, кўнглингизга сиққанча томоша қилаверинг. Фақат шамоллаб қолмасангиз бўлгани.

– Гўзаллик одамни хасталантирмайди, аксинча, даволайди, ҳамкасб, – мамнун бўлиб таъкидлади Юн.

– Яхши гап экан... Айтгандай, жаноб Вонг, сиздан бир нарсани сўрамоқчийдим. Агар мумкин бўлса, албатта.

– Бемалол.

– Биламан, зийрак одамсиз. Разм солиб пайқагандирсиз, ўзбеклар, қорақалпоқлар билан корейслар ўртасида қандай фарқ бор?

Юн Вонг ўйланиб қолди:

– Тўғриси, ўхшаш томонларимиз кўпроқ... Фарқимизга келсак, мен бир нарсани пайқагандай бўлдим. Биз корейслар ихтисослашганмиз, яъни фақат ўз соҳамизни, зиммамиздаги вазифамизни чуқур биламиз. Биз мана шу вазифани бажарсак бас, қолганини бошқалар қилади. Чунки ҳамманинг ўз иши бор, марҳамат қилиб ўша ишни қилсин-да, деб ҳисоблаймиз биз. Лекин ўзбеклар, қорақалпоқлар кўламни кенгроқ олишаркан. Улар ҳар бир ишни миридан-сиригача билиб олишга, фурсат топишга, бошқа ишларниям қилиб кетаверишга интилишаркан. Мана, масалан, шу қурилишни олсак. Мен ўз цехимни биламан, холос. Менга шунинг ўзи етади. Менга бошқа нарса керак эмас.

Ҳатто қўшни цех билан ишим йўқ. Лекин мен билан ишлайдиган инженерлар бутун лойиҳадан хабардор. Инженерлар-ку, майли, бир куни инглизча биладиган бир оддий ҳайдовчи менга бўлғуси завод ҳақида маъруза ўқиб кетди. Ҳайдовчи-я! Бундай қарасам, у қурилиш ҳақида мендан кўпроқ биларкан. Бунга ҳайрон қолмай бўладими, ахир...

— Бизни анча мақтаб юбордингиз, жаноб Вонг. Лекин барибир хурсандман. Раҳмат.

Нодир Юн Вонгнинг қўлини маҳкам сиқиб қўйди.

— Ана энди бемалол юлдузларингизни томоша қилаверинг.

— Томоша қилиш ҳам гапми, мен уларни санаб ҳам чиқаман.

Нодир елка қисиб қўйди-да, палаткасига кетаркан, қоронғилиқда тўхтаб, корейс муҳандисини кузатди. Дарҳақиқат, Юн Вонг осмонда чарақлаб турган юлдузларни санашга тушганди:

— Бир, икки, уч...

* * *

Кейинги кунлари Назира хола тонг саҳардан кўнғироқ қиладиган бўлиб қолди: «Катталаринг билан гаплашдингми? Қачон келасан? Қақажон ҳам сен билан бирга қайтяптими?..» Нодир у-бу деб баҳона қиладиган бўлса ёки иш билан банд бўлиб телефонни кўтаролмаса, баалога қолади: она оғринади шекилли, ўпка-гинасини бошлайди: «Боланинг кўнгли далада бўлади деганлари рост экан ўзи...» Сўнги кунлари эса — бу Дилфузанинг иши, албатта — SMS хабарлари ҳам кела бошлади: «Янгилик борми, болам...» Ҳай-ҳай демасангиз, «Telegram»да хабар алмашиб, «WhatsApp»да гаплашадиган чоғи бор.

Ахийри Карим аканинг ўзи телефон қилди. Ёнида ўргатиб турганлар борга ўхшади: ота бу сафар тарихни аралаштириб ўтирмасдан дарҳол муддаога ўтди: «Уч кундан кейин ҳужжат топшириш муддати ту-

гайди. Сиз магистратурага кирмасангиз уят бўлар, ўғлим. Ўқилишингиз, илм қилишингиз шарт!». Кимдир гапни тўғриладими, ота шоша-пиша қўшиб қўйди: «Бундай калла билан».

«Бундай калла» эгаси эса нима қилишини билмай ҳайрон. Моҳидилга учрашганди, қиз узоқ ўйлаб ўтирмасдан очигига кўчди:

– Жон деб ўқирдим. Лекин бюджетга киролмасам керак – ўрин кам. Контрактга кирсам, ота-онам қийналишади. Бирон йил ишлаб турай-чи, кейин бир гап бўлар.

Нодир бош муҳандиснинг қабулига кирди, магистратурага ҳужжат топшириш ниятида эканлигини айтди. Меданбой Ибройимович столидаги тақвимни ва рақлади, иш графигини қайта-қайта текширди ва ниҳоят... икки кунлик хизмат сафарига буйруқ чиқариб берди. Сўнг, одатига кўра «ёш авлод» вакилига оқ йўл тиларкан, қўшиб қўйди:

– Имтиҳонлар графигини олиб келинг, бирон нима ўйлаб топармиз.

Нодир Тошкентга учиб келган кунининг ўзида, рўйхатнинг энг охиригиси бўлиб ҳужжат топширишга улгурди. Айна вақтида қилган экан шу ишни: магистратура онасининг ҳужумларига қарши ишончли қалқон вазифасини ўтади: «Имтиҳонлар ўтаверсин-чи... Натижалар чиқаверсин-чи... Ҳозир хаёлимни чалғитмай турай».

Кутилмаганда Назира хола Моҳидилнинг магистратурага ҳужжат топширмаслик ҳақидаги қарорини қизгин маъқуллаб қолди:

– Тўғри-да, оиладан биттаси ўқиса етади. Кўз тегмасин, мияси бутунгина бу қизнинг.

Карим ака ҳазиллашди:

– Нима, бу дунёда фақат менинг болам оқилу доно деб ўйлаганмидинг?

Ишқилиб, Нодир, кутганининг аксича, ишига тинчгина, ортиқча хархашаларсиз қайтди.

* * *

Цех бошлиғи бўлгани билан ҳеч нима ўзгариб қолгани йўқ, ўша-ўша иш, ўша-ўша елиб-югур. Фақат қайтанга оғир бўлди.

Мисол учун, энди Саша пайвандчининг олдига бориб, бемалол: «Оғайни, аравангни бериб тур, овулга ўтиб келмоқчийдим», деёлмайсан, чунки энди сен раҳбарсан, бундай қилишга ҳаққинг йўқ, бу, расмий тилда айтилганда, хизмат ваколатингни суиистеъмом этиш ҳисобланади. Зеро, итоатингдаги одам сенга «йўқ» деёлмайди, инчунун, у сенга «оғайни» бўлолмайди. Раҳбариятдан машина сўраш эса яна ноқулай, «Кечагина бошлиқ бўлиб олиб, бугун ўзига иззат-ҳурмат талаб қиляпти», деган хаёлга боришлари мумкин. Шанба намозшомида йўловчи машиналарга илиниб, шаҳарга етиб олган Бахитбек овулига йўловчи лиқ тўла киракаш «Дамас»да кетди. Хуллас, уйга қириб келгунига қадар соат тунги ўндан ошди.

Сағийда хола ўғлини кўриб ҳовлиқиб қолди. Бир пасда дастурхон тузалди, чой-нон, овқат олиб келинди. Бироқ Бахитбекнинг:

— Нуржан қани? — деган саволи онанинг қувонч қуёши балқиб чиққан кўнгил осмонига тунд булутларни ҳайдаб келди.

Сағийда хола ҳорғин пичирлади:

— Қалъага бориб келаман, репетитор гаплашаман деганди. Кун ботгандан бери йўл қарайман. Кўнглим гаш... Бахитбек дарров қўл телефонида рақам терди. Аппаратдан «ўчирилган» хабари келди. Кайфиятлари тушиб, дастурхонга қараб қолган она-боланинг дилидан бир оннинг ўзида «Шу пайт қаерларда санқиб юрган экан?» деган ўй ўтгани тайин.

* * *

Дарвоқе, энди икки оғиз Нуржан борасида. Қоронғилик тушиб улгурганида шаҳар истироҳат боғининг хира ёритилган майдончасига Айтақ, Эрғабил, Маҳ-

муд, Абдусамад, Нуржанлар йиғилишди. Коллежни шу йил битирган деярли тенгдош бу йигитларга пўрим кийинган, ёши каттароқ, тақирбош Есен келиб қўшилди. Унинг давра жўрабошиси эканлиги кўз қарашларидан, ўзини жиддий тутишидан сезилиб турарди. Салом-алиқдан сўнг Есен Нуржанни сўроққа тутди:

– Паспортигни ўғирлаган бола ким экан?

– Ҳеч кими йўқ етим бола экан, — деди Нуржан ҳозиржавоблик билан. — Менга милицияда шундай дейишди.

– Эрғабил, ҳамма ишлар жойидами?

– Жойида. Олтитаси тайёр бўлиб қолди.

– Бўпти, — дея Есен чўнтагидан уч даста пул чиқариб, Эрғабилга берди. — Енлар, ичинлар, дам олинлар, лекин қонуннинг бирон ҳарфини ҳам бузманлар.

– Айтганингиздай бўлади, оға, — ҳамма учун жавоб қайтарди Эрғабил.

– Керак бўлсаларинг ўзим сенларни топиб оламан.

Шундай дея Есен қайтиб кетди. Йигитлар унинг ортидан ҳурмат билан қараб қолишди.

– Калла зўр-а! — деди Абдусамад меҳри товланиб. Маҳмуд гурур билан унга жўр бўлди:

– Энг муҳими — сахий!

Есен йўл четида турган «Жип»ига ўтирди, машина ўрнидан оҳиста кўзгалди.

– Дам олишни нимадан бошлаймиз? — сўради Эрғабил.

Йигитлар жўр бўлишиб бақирдишди:

– Дискотекадан!

– Кетдик бўлмаса!

Йигитлар қувонч билан сакраганларича кейинги пайтлари шаҳар ёшлари орасида машҳур бўлиб кетган ресторан томон чопишди.

Пул бор, демак, кўп нарса буюртма қилса бўлади. Стол егулигу ичкиликларга тўлиб кетди. Бунгаям

қаноат ҳосил қилмаган Эрғабил билан Айтақ ора-сира чеккароққа ўтиб, қандайдир таблеткаларни офизларига ташлашади, устидан кола ичишади, сўнг чироқлари ўчиб-ёнаётган рақс майдончасига қайтиб келиб, ёввойи шавқ билан ўйинга тушиб кетишади. Қолганлар ҳам майдончага чиқиб, калта юбкали қизлар қаршисида қулоқларни тешиб юборгудай даражада баланд мусиқага қилпанглашга тушишди. Ногоҳ Абдусамад ёнида сакраб ўйнаётган узун сочли йигитни елкаси билан туртиб юборди. Қалқиб кетган йигитнинг жаҳли тез шекилли, шериклари билан Абдусамадни ташқарига судраклаб олиб чиқиб кетди. Буни кўриб қолган Айтақ бўкириб юборди:

— Уришяпти!

Йигитлар ҳовлига отилиб чиқишди. Бу ерда Абдусамадни бир неча бола ўртага олиб ур калтак-сур калтак қилмоқда эди. Йигитлар кўмакка ташланишди. Қий-чув, бақир-чақир, сўқинишлар баланд мусиқа овозини босиб кетгандай бўлди...

Милиционер ҳуштаги янгради-ю, аёвсиз солишаётган йигитлар жон-жаҳдлари билан турли томонга қочиб қолишди. Ойдин тун. Шаҳар кўчасида елиб бораётган Нуржан лаби дўмбирадай шишиб чиққанини ҳам сезмасди...

* * *

Кўкда юлдузлар бирин-кетин сўнди. Аппарат чақирилаётган рақам ўчирилганлигини бир неча бор ҳиссиз такрорлади. Не аҳволда ўтирган онасига ўзининг цех бошлиғи бўлганлигини қандай айтади? Айтган билан, ҳозир онасининг қулоғига гап кирармиди? Нар и борса, «Яхши бўлти» деб қўяр ё бўлмаса «Энди қайтиши яна қийинлашипти-да», деган ўйдан баттар сиқилар. Шу сабаб Бахитбек бу мавзуда гап очиб ўтирмасдан:

— Сиз бир оз дам олинг, ойи, — деди меҳрибонлик билан. — Тун бўйи мижжа қоқмай чиқдингиз.

Сағийда хола кўнмади:

– Ўзи қуш уйқу бўлиб қолганман. Шундан-шунга атай келиб, сенинг кайфиятинг бузилгани қолди, холос.

– Ҳечқиси йўқ. Бу шумтакангиз келса, ўзингиз қулоғидан бир чўзиб қўясиз-да.

– Аҳволни кўриб турибсан, болам, – уҳ тортди Сағийда хола. – Овулга қайтмасанг бўлмайди.

Бахитбек аниқ бир жавоб айтолмади:

– Ўйлаб кўрай, ойи, – дейиш билан кифояланди. Сўнг рухсат сўради: – Мен энди борай.

Сағийда хола тўнғичини узоқ дуо қилиб қолди.

Бахитбек кўчага чиққанида тонг ёриша бошлаган эди. У, одатда, «Дамас»лар қаторлашиб турадиган қишлоқ маркази томон бораркан, бекатга яшил чирокли такси машинаси келиб тўхтаганини кўрди. Ундан Нуржаннинг бир ўзи тушди.

– Нуржан, ўзингмисан?

Нуржан бошини кўтарди, акасини кўрди, аммо бу учрашувдан унчалик қувонмади.

– Сизмисиз, ака?

Нуржаннинг ўнг кўзи атрофи қорайиб қолганини, лаби дўмбирадай шишганини кўрган Бахитбек қўрқиб кетди.

– Сенга нима бўлди?

– А, буми, – бепарво қўл силтади йигит. – Шу... йиқилиб тушдим. Ўзингиз қачон келдингиз?

– Кеча тунда. Сен келавермадинг, оймим иккаламиз хавотирланиб, ухламай чиқдик. Ҳеч бўлмаса телефонингни ёқиб қўйсанг бўларди.

– Заряди тугаб қопти, – яна қўл силтаб қўйди Нуржан.

– Энди кетяпман.

– Билмапман-да, – афсусланди Нуржан, – такси қалъага бўш қайтиб кетди. Барибир қайтар пулини ҳам тўлагандим, текинга етиб олардингиз, ака.

Энди Бахитбекнинг жаҳли чиқди:

– Менга қара, ука, қачондан бери шаҳардан бир ўзинг бир таксида келадиган бойвачча бўлиб қолдинг? Кейин, башаранг йиқилган одамникига ўхшамайди. Сен муштлашгансан. Ойим сени бу аҳволда кўрса...

– Сиз бемалол кетаверинг. Ойим мени тушунади, – акасининг гапини бўлди Нуржан. – Йигитчилик. Бахитбек яқин келиб, Нуржаннинг тирсагидан тутди:

– Қани, гапир-чи, йигит, қалъада сенга пишириб қўйибдимми? Ё ўқиш баҳона саланглаб юрибсанми?

– Қўрқманг, ойимнинг пенсиясидан бир сўм олганим йўқ. Сизнинг тўйингизга деб йиғиб қўйган пулигаям қўл текизмадим.

– Унда қайси пулга яшаяпсан?

– Яшаяпман-да.

Ака-ука ўзаро баҳслашганларича уй томон юришди.

– Ўқийман десанг, ана, Қўнғиротдаги бизнинг институтга бор десам, бормадинг.

Нуржан акасига мазахомуз қаради:

– Кейин сизга ўхшаб юраманми мотоциклларга осили-иб?

Жаҳддан Бахитбекнинг кўз олди қоронғилашиб кетгандай бўлди:

– Менга нима қипти, ука?

– Ака, хафа бўлманг-у, тўғрисиам шу-да. Олий маълумотлиман, дипломим бор деб гердаясиз. Ўзингизда бўлса манави... галстукдан бошқа ҳеч нимангиз йўқ, Кўрганман, вагонда турасиз. Тўғри, институтда ўқиган яхши. Лекин одам яшашниям билиши керак-да. Ана, Есен ова, Тошкентда ўқиб келган. Лекин дипломи бўйича бир кун ҳам ишламаган. Ўзи: «Дипломим йўқолиб ҳам кетган бўлса керак», – деб кулади. Лекин яшашни билади. Шаҳарда саройдай уйи бор, ҳар уч ойда машинасини алмаштиради. Ана, овулдаям катта уй қурдириб қўйди. Энди каттаям, кичигам Бекберган жарчига эгилиб салом беради. Чунки бо-

ласи бой-да. Сизам бой бўлинг эди, ярим овул мени бошига кўтарган бўларди.

– Қолган ярми-чи?

– Қолган ярми ичиқоралик қилиб юраверарди.

– Шунақа де. Сен бола қаерда ўқимоқчисан ўзи?

– Мен ўқисам, ака, ё Есен акага ўхшаб Тошкент-да ўқийман, ё умуман ўқимайман-да, у кишига шо-гирд тушаман.

– Бизнинг институт Тошкентнинг филиали-ку. Яхши ўқисанг, Тошкентга ўтказишинг мумкин.

– Ака, нега тушунмайсиз, мен яхши ўқишни эмас, яхши яшашни хоҳлайман!

– Сенга... шунақа ҳаёт ёқадими?

– Ёқади, ака, ёқади. Менга дискотекаларга бо-риш, маза қилиб рақс тушиш, ҳаттоки муштлашиш ҳам ёқади. Мен Есен акага ўхшаб пулни санамасдан сарфласам дейман, Есен акага ўхшаб яхши еб, яхши ичсам дейман, мен ҳам Есен акага ўхшаб чарчаган пайтларим қалъадан овулга таксида керилиб келсам дейман. Машиналар-ку, жону дилим. Эҳ, биттагина «Спарк»им бўлганида эди...

– Ҳар қалай, пул осмондан тушмаслигига калланг етар сен боланинг.

– Пул осмондан тушмайди, ака, буни биламан. Лекин пул топишни биладиган одамнинг қўлига ёғилиб келаверишини ҳам биламан. Худди темир маг-нитга тортилгандай. Бу дунёда ҳамма ҳам сизга ўхшаб ойлиқдан ойликкача чақа санаб яшамайди, ака!

– Бас қил! – ўшқириб берди Бахитбек.

Бекатга биринчи бўлиб келиб тўхтаган «Дамас»га шошиб яқинлашаётган тутунчак, сут-қатиқ солинган идишлар кўтарган аёллар кўзга ташланди. Нуржан кулиб юборди:

– Агар ҳозир кетиб, ишингизга етиб бормасан-гиз, заводдан ҳайдаб юборишади. Кейин нима қила-сиз, ака? Чопинг!

Бахитбек бир муддат Нуржанга қараб қолди, сўнг жаҳл билан «Дамас»га қараб юраркан, пўписа қилиб қўйди:

— Ҳали гаплашамиз, ука.

— Бемалол, — дея Нуржан ғолибларга хос илжайиб, ним эгилди, — истаган пайтингиз хизматингизга тайёрман, ака.

* * *

Одамлар саҳро бағрида чумолилардек меҳнат қилишмоқда.

Меданбой Ибройимович яна бир яхшилик қилди: Нодирнинг Тошкентга бориб, магистратурага кириш имтҳонларини топшириб келишига шароит яратиб берди. Эрталаб самолётда қўнади, тушдан кейин ортга қайтади...

Шундай шошқин кунларнинг бирида участкасида келиб-келиб қоқ туш маҳали улкан металл миноранинг учдан бирини ташкил этган қуйи қисми ўрнатиладиган бўлиб қолди-ю, уёқдан-буёққа чопавериб фарқ терга ботган Нодирнинг бўлари бўлди. Бунинг устига дамо-дам тепага, кранчи Маша холага қараб қўл ишоралари билан буйруқ бериб туриш керак.

Охири, кўзлари ачишиб кетаётган Нодир каскасини ҳам ечиб ташлаб, афтини буриштирганча қуёш тифида бош яланг ишлашда давом этди:

— Майна... вира...

Диаметри ўн саккиз метрдан ошадиган баҳайбат қурилма вертикал ҳолатда миллиметр аниқликда белгиланган жойга қўйилаётган маҳал тўсатдан кўтарилган кучли шамолда лапанглаб кетди-ю, қувур устун томонга силжий бошлади.

Маша хола тепадан ваҳима билан қичқирди:

— Қочинглар! Қочинглар!

Қурилма шамолда чайқалиб бориб томнинг бир қисмини тутиб турган устунга урилиши аниқ эди. Бу қандай фалокатга олиб келишини тасаввур этиб,

юраги шувиллаб кетган Нодир чопис келиб, жон-жаҳди билан қурилмага ёпишди. Бўйин томирлари ўқлодай бўртиб кетган йигит тўртта бақувват тросда осилиб турган, камида қирқ тонналик вазнга эга қурилмани ортга, жойига қайтариш учун зўр бериб чиранарди.

Маша хола додлаб юборди:

— Начальник! Жонингда қасдинг борми? Қоч депман! Қоч!

Ҳаммасини сониялар ҳал қиларди. Бу ерда, ҳатто ниманидир тушунтириб, изоҳлаб ўтиришга вақт йўқ эди. Буни англаган ўнлаб ишчилар чопис келиб қурилмага ёпишишди, уни жойига қайтаришга уринишди. Нариги участкада ишлаётган ишчилар ҳам ёрдамга ошиқишди. Ҳамма зўриқиб қурилмани ортга, жойига қайтаришга уринар, шамол эса уни устун томон сураб, хуллас, ожиз инсон билан қудратли табиат ўртасида навбатдаги беаёв кураш кетарди.

Баайни чумолилар бирлашиб филни йиқитгандай, кўпчилик бўлиб қурилмани белгиланган жойга силжитишди, Маша хола шоша-пиша уни пастга туширди. Қурилма заргарона маҳорат ва аниқлик билан ўз ўрнига қўйилди. Ишчилар дарҳол болтларни қотиришга, зарур ўринларни пайвандлашга киришишди.

Ҳансираб қолган Нодир барчага миннатдорчилик билдирарди:

— Раҳмат! Катта раҳмат!

Ишчилар, инженер-техниклар:

— Арзимаёди, — деб жавоб қайтаришди.

Баҳайбат Маша хола эшиқдан бўйлаб мушт ўқталди:

— Начальник! Ўлдираман!

Нодир унга кулиб қараб қўйди ва иш қўлқопини ечиб, бош бармоғини кўрсатди:

— Ҳаммаси окей!

Бироқ ҳаммаси унчалар ҳам яхшига ўхшамасди: Нодирнинг қўли қонга беланганди. Буни кўрган Моҳидил шошиб унинг ёнига келди.

— Нима бўлди? Қонми?

Нодир қўлига қаради:

— Тирналганга ўхшайди.

Моҳидил жароҳат ўрнига диққат билан қаради:

— Оддий тирналиш эмас. Сиз медпунктга боринг, бу ёнига ўзим қараб тураман.

Нодир иккиланиб қолганини кўрган Моҳидил ваҳима қилди:

— Бу чангда қоннинг заҳарланиши ҳеч гап эмас.

— Ростдан-а? — Нодир кулиб юбормаслик учун лабини тишлади. — Унда бориб кела қолай.

Нодир тиббиёт пунктига кетаётган маҳали йўл-йўлакай унга инженерлардан бири учрашиб, ноутбук экранидаги лойиҳани кўрсатди.

— Оптик толали алоқа тизимини яна бир текшириб кўриш керак, ўртоқ бошлиқ.

Нодир унинг қўлидан ноутбукни олди:

— Бўпти. Ўзим кўриб қўяман.

Нодир тиббиёт пунктига ноутбук экранидан кўз узмай кириб келди:

— Мумкинми?

Журналга нимадир ёзиб ўтирган йигирма ёшлардаги оқ халатли ҳамшира бош кўтарди.

— Киринг.

Нодир бўш стулга ўтириб, ноутбукни столга қўйди-да, экрандан кўз узмаган ҳолида қон силқиб турган қўлини ҳамшира томон чўзди:

— Тилиб олдим. Кўриб қўйсангиз. — У лойиҳанинг бир жойига диққат билан қаради, чап қўлида тугмачаларни босди. — Ҳм-м... Учинчи блок...

— Темир кесиб кетганга ўхшайди-ку, ака, — деди ҳамшира.

Нодир компьютердан кўз узмай жавоб қайтарди:

— Э, арзимаган нарса.

— «Арзимаган» эмиш. Камида бир сантиметр ўйиб кетибди-ку.

Йигит илтимос қилди:

— Шошиб тургандим, яхши қиз. Шундай боғлаб қўйсангиз бўлар.

Ҳамшира бош чайқаб:

— Бўлмайди! — деди-да, шартта Нодир ишлаб турган ноутбукни ёпди.

Буни кутмаган Нодир қизга аччиқланиб қаради:

— Бу нима қилганингиз?

Ҳамшира хотиржам жавоб қайтарди:

— Бу темир занглаган бўлса, қонингизни заҳарлаши мумкин, деганим.

Нодир:

— Аёллар нега бир хил фикрлайди-я? — дея тўнфиллаб қўйди. Сўнг сўради: — Унда нима бўлади?

— Унда гангрена бўлади. Кейин шартта қўлингизни кесиб ташлашга тўғри келади. Шунинг учун танланг: жароҳат ўрнига ишлов бериш учун қимматли ўн дақиқангиздан воз кечасизми ё бир умр ногирон бўлиб ўтасизми?

Нодир узоқ ўйланиб ўтирмади:

— Майли, ўн эмас, беш дақиқамдан воз кечишимга тўғри келадиганга ўхшайди.

Ҳамшира бош ирғади:

— Бу ақлли танлов. Қани, қўлингизни беринг-чи.

Қиз жароҳат ўрнига спирт қуйганида Нодир сапчиб ўрнидан туриб кетай деди:

— Куйдирворди-ку, яхши қиз.

Ҳамшира мутлақо хотиржам эди:

— Спирт бўлганидан кейин куйдиради-да.

— Огоҳлантириб қўйсангиз бўлармиди, — яна тўнфиллади йигит.

Ҳамшира пинагини бузмади:

— Огоҳлантирганим билан бир нарса ўзгариб қолармиди? Ўзи терингиз нозик одам экансиз-да.

Бу танқид йигитга ёқмади:

— Қанақасига?

Жароҳат ўрнини боғлаётган ҳамшира жавобни енгдан олиб ёқага ёпиштирди:

— Шунақасига.

Нодирнинг энди чинакамига жаҳли чиқа бошлади:

— Ие, қизиқ ҳамшира экансиз-ку. Ҳе йўқ-бе йўқ одамни ҳақорат қиласиз.

Ҳамшира ҳайрон қолди:

— Ким кимни ҳақорат қилибди?

— Сиз-да. Мени.

Қиз узун киприкларини пирпиратиб, маъсум нигоҳини йигитга тикди:

— Ким? Мен-а? Қачон?

Нодир темирни қизигида босиб қолишга ҳаракат қилди:

— Ҳа, сиз. Ҳозир. Шу ерда!

Бинг охирини туғиб қўйган ҳамшира Нодирга ажабланиб қараб турди-турди-да, тўсатдан барала кулиб юборди. Буниси энди ҳаддан ортиқ эди. Йигит пешанаси қизиётганини сизди: одатда, ноҳақ тўхматга қолганида, ўзини оқлашга имкон тополмаганида шундай бўларди.

— Бу энди нимадан далолат, яхши қиз?

Ҳамшира эса ҳамон ўзини кулгидан тўхтатолмасди:

— Ўзингизга... ўзингизга бир қаранг... Башарангиз нақ лавлаги.

Нодир шартта ўрнидан туриб, деворга осилган ойнага қаради. Дарҳақиқат, унинг юзи қип-қизариб кетган, пешанаси бўйлаб эса касканинг чуқур изи ўтганди.

— Жа лавлаги эмас-ку, — барибир ҳақиқатни тан олгиси келмади Нодирнинг. — Қуёшда одам қизаради-да, яхши қиз.

— Юпқа терилар шунақа бўлади. Нормальный терилар қораяди.

Нодир пешанаси қаттиқроқ қизиётганини туйди.

— Сиз... сиз яна менинг теримга тил текизяпсиз, яхши қиз!

Эшик очилиб, қўлларини халати чўнтақларига тикиб олган ҳамшира:

— Ҳа, бунча шакаргуфторлик? — дея кириб келганча булар еб, ўзи қуруқ қолгандай ўтирганларга ўқрайиб қараркан, тўсатдан беморнинг юзига эътибор берди. — Бетми бу ё лавлагими, ака?

Ўзини базўр босиб турган ҳамшира шарақлаб кулиб юборди. Изза бўлган Нодир бир зум қизларга бақрайиб қараб қолди, сўнг ноутбукини қўлтиғига қисганча жаҳл билан хонадан чиқди-кетди.

Нодирнинг ортидан ҳамширанинг қўнғироқдек овози эшитилди:

— Икки соатдан кейин перевязкага келиш эсингиздан чиқмасин, ака.

Нодир жаҳл билан қўл силтади:

— Перевязканг бошингдан қолсин!

* * *

Ҳар қанча чарчаган бўлса ҳам, шу оқшом Нодирнинг уйқуси қочди. Бунга, балки бинт билан боғлаб ташланган қўли зирқираб оғрий бошлагани ҳам сабаб бўлгандир. Иш пайти, қизиқ устида билинмаган экан. Ўзи ҳар қандай касаллик кечаси қўзийди... Нодир каравотда чорак соатча у ёқдан-бу ёққа тўлганиб ётгач, ўрнидан туриб, кийинди-да, вагон-уйдан ташқарига чиқди. Участкада иш учинчи сменада давом этмоқда. Атрофга учқунлар сачратиб ишлаётган пайвандчилар, металл каркасларни бир-бирига маҳкамлаётган механиклар...

Осмон эса ҳамишагидай заминга яқинлашган ва ўз дастурхонига юлдузлар жавоҳирини аямай сочиб ташлаган эди. Кўқдан бўйлай бошлаган тўлин ой атрофни сутдек ёритди.

Нодир қурилиш адоғига келиб, дала томонга бироз юрди. У иш жараёнини, аста-секинлик билан бунёд этилаётган, баайни жонли мавжудотдай мунтазам улғайиб, қад ростлаб, аниқ шакл-шамойилга эга бўлиб бораётган мажмуани, айниқса, мана шундай сокин тунлари узоқдан туриб томоша қилишни яхши

кўрарди. Гўзал манзара. Гўё сўнгсиз-сарҳадсиз, зул-матга чулғанган коинот бағридаги қум заррасидай нуқтада нурли ҳаёт аломатлари пайдо бўлиб, атрофга ёйилаётгандай.

Шу маҳал таниш қўнғироқ саси эшитилди. Нодир адашмагани: карвонбоши Ойдўст бобо ва туялар шу томонга яқинлашиб келмоқда эди.

Йигит карвонга пешвоз чиқди:

— Ассалому алайкум, Ойдўст бобо.

— Ваалайкум ассалом, болам... Чўк, — туя чўккач, бобо ерга тушди. — Ярим тунда бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Шунчаки, айланиб.

Бобо мийиғида илжайиб қўйди:

— Айланишга топган жойингни қара. Бу атрофда санқиб юрган оч бўрилар бор-а.

— Ўзингиз-чи, ўзингиз бўридан қўрқмайсизми?

— Мен қўрқмайман. Ундан кейин, бўри ҳар қанча оч бўлсаям, карвонга ҳужум қилмайди — чўчийди. Мендан чўчимасаям, туянинг тепкисидан чўчийди. Ундан кейин, етмиш йилдан бери юравериб, менга саҳронинг иси ўрнашиб қолган. Бўри бунақа иси бор одамни ҳурмат қилади, «ўзимиздан» дейди.

— Бўпти, бобо, энди эҳтиёт бўламан... Хўш, қалай, қурилишимизни кўряпсизми?

— Кўряпман, болам. — Ойдўст бобо эски гапини эслади шекилли, кулиб қўйди. — Хўкимат бир жаҳд қилса, саҳронинг қоқ киндигида зовут қуриб ташлар экан-а.

— Бу ҳали бошланиши, бобо, — тушунтирди Нодир. — Лойиҳага кўра, анави йўл бўйи дарахтзор бўлади. Пастроқда боғ.

Бобо бош чайқади:

— Саҳрода кўчат тутмайди, болам. Бекорга овора бўлма.

— Тўғри, бу тупроқда битмайди, — қариянинг гапини маъқуллади Нодир. — Лекин аввал тупроқ-

нинг икки метр қатлами олиб ташланади. Бунда гранит қатлам ҳам кетади. Унинг ўрнига соз тупроқ билан гўнг аралаштириб қўйилади. Бунақанги тупроқда ҳар қандай кўчат гуркираб ўсади.

Бобо кемшик тишларини кўрсатиб кулди:

— Кейин кўчатлар баклажкада суғориладими?

— Нега энди? Улар ер остидан, қувурлар орқали томчилатиб суғорилади.

— Жа оласан-а. Ер остидан эмиш... томчилатиб эмиш — бошини сарак-сарак қилди бобо. Сўнг туяга ортилган хуржуннинг бир кўзидан кади идишини олди. — Манави сенга, болам. Буни шуват дейдилар. Сен тарафда қимрон дейишади. Туянинг сутидан қилинган. Бундан ҳар куни ичиб турсанг, бақувват бўласан, бетингга суртсанг, қуёш таъсир қилмайди. Буйтиб бетинг қип-қизариб юрмайсан.

Йигит ҳайрон бўлиб юзини силади:

— Қизаргани шунчалик билинадими?

— Билинади-да, қалампирдай бўп қопти-ку, — таъкидлади қария. — Кейин, сув бор деб ҳадеб ичаверма. Янтоқ қайнатиб ич. Чанқоғинг тез қонади.

Ойдўст бобо ҳамон чўк тушиб турган туяга чиққанди, туя пишқириб қаддини ростлади.

— Айтгандай, — деб қолди Ойдўст бобо, — ана, иккита одамингни ол. Биттаси сурғиллик Ўрозбой чўпоннинг неварасими десам, нуқул чулчитчалаб гапиради. Тилини айтмасанг, қип-қизил қорақалпоқ.

Бобо секин ҳуштак чалганди, туялардан бири олдинга ўтиб, чўк тушди. Икки ўрқач орасида ўтирган, елкасига рюкзак осган иккита корейс мутахассиси туядан тушишиб, ўз тилларида бидирлаб миннатдорчилик билдира бошлашди. Нодир «Дринкинг «Қоратов»» деган сўзларни эшитиб, кулиб юборишдан ўзини аранг тийди.

— Булар сахрога айланишга чиқиб, адашиб қолишган экан, бобо. Сизга катта раҳмат айтишяпти. Корейс тилида гапиришяпти.

— Карисмикан? Мен бир қараганда ўзимизникилардан деб ўйлабман.

Дарҳақиқат, иккала корейс ҳам қорақалпоққа жуда-жуда ўхшаб кетарди. Айниқса, биттаси — кўзойнак тақиб олгани Жаҳонгирнинг ўзи. Агар иккаласи ёнмаён туриб қолсами, эгизаклар деб ўйлаш ҳеч гап эмас. Қизиқ, бунинг сири нима экан? Ҳар қалай, Сурхондарёда археологик қазишмалар пайти Будда ибодатхонаси топилгани бежиз эмасга ўхшайди...

Нодирнинг бу тахлит ўйларини Ойдўст бобонинг гапи бўлди:

— Айтиб қўй, ўзлариям эҳтиёт бўлишсин-да. Сахро бепарволикни кечирмайди.

Нодир бу гапларни таржима қилиб берганидан кейин корейслар таъзим қила-қила вагонлар томон кетишди.

Ойдўст бобо секин уҳ тортиб қўйди, сўнг ҳазиллашиб сўради:

— Менга қара, қачонгача адашган-улоққан одамларингни йиғиб-териб юраман ўзи, а, Нодирбой?

— Сиз борсиз, кўнглимиз тўқ-да.

— Бўпти, яна бирон кун айланиб келиб қоларман, болам.

— Айланиб юрмасдан, атайлаб қўноқ бўлиб бос-тириб келаверинг, бобо.

— Хўп, болам, хўп. Сен чақирасан-у, мен йўқ дейманми...

Карвон узоқлашгач Нодир кадининг оғзини очди, жимжилоғини ботириб шуватни ялаб кўрди, кейин кафтига озгина қуйиб, юзига ишқай бошлади. Бирпасда унинг юзи оппоқ тус олди.

Кутилмаганда яқин жойдан соф корейс тилида ўқиладиган оҳангдор мисралар эшитилди. Нодир ҳайрон бўлиб овоз келаётган томонга қаради-ю, ўз кўзларига ишонмай қолди: Норбой корейлик технолог қиз Ли Миёга шеър ўқиб келмоқда эди.

Нодир ўзича тўнғиллаб қўйди:

— Хотинбоз-эй!

Қиз билан йигитнинг яқинлашиб қолганини кўрган Нодир шоша-пиша юзини енгига артди. Уни кўриб Норбой шеърхонликни таққа тўхтатди.

Нодир корейсча салом берди:

— Хайрли кеч.

Ли Мие дарҳол жавоб қайтарди:

— Хайрли кеч, жаноб.

Норбой дарров ўзи яхши биладиган инглиз тилида ялтоқланишга ўтди:

— Ярим кечаси бу ерда нима қилиб юрибсан, ўртоқ? Яна ёлғиз.

Нодир қовоғини уйди:

— Ҳамма шу саволни беради-я! Мен сенга яна бир оз юрсанг, оч қашқирга дуч келишингни айтиш учун атай келдим.

Норбой мақтанди:

— Қашқирни қўйиб тур. Эътиборинг учун, мен Муҳаммад Юсуфнинг шеърини ўқиб беряпман. Ўзининг таржимамда.

— Муҳаммад Юсуф қофиясиз ёзмасди, шекилли? — пичинг қилди Нодир.

— Мен учун ёзган... Ие, юзингга нима қилди?

Нодир жаҳл билан:

— Э, бор-е! — деди. — Ўт, турма бу ерда!

— Сен ўзингни табиб-пабибга бир қаратиб қўйсанг ёмон бўлмасди, ўртоқ, асабларинг чарчабди. — Норбой қизга «юраверинг» ишорасини қилгач, яна корейсчага ўтди: — Биласизми, хоним, бу тарафда ваҳший ва оч шерлар...

— Бўрилар. Эшитдим, — деди Ли Мие.

Норбой донг қотиб қолди:

— Сиз ҳали инглизчани ҳам биласизми?

— Институтда шу тилда ўқиганман.

Норбой кафтларини бир-бирига урди:

— Вау! Қойил! Ҳақиқий Ю Жинг! Унда шу шеърни инглизча ўқиб берсам эшитасизми?

— Бажонидил.

Норбой шеърни қироат билан ўқий бошлади. Икковлон бир-бир қадам босганча вагон-ётоқлар томон юришди.

Жароҳат олган қўл яна зирқираб оғрий бошлаганди. Бу аҳволда ухлаш қийин-ов. Тиббиёт пунктининг тун-кун ишлашини эшитганди. Қани, бориб кўрсин-чи. Анави бижилдоқ қизнинг сменаси тугагани аниқ, эҳтимол навбатчи бордир. Ҳеч бўлмаса, демидрол уколдан қўйиб қўяр. Ахир, тўйиб ухлаб олмаса бўлмайди, эртага бир дунё иш.

Аммо Нодир янглишган экан: пунктда ўша қиз ўтирарди. Ҳа, қисматдан қочиб қутулиб бўлмайди. Афтидан, булар қоровуларга ўхшаб бир сутка ишлаб, уч сутка дам олишади.

Ҳамшира бинтни алмаштираётиб, яна пиқирлаб кулиб юборса бўладими?!

Нодирнинг пешанаси қизиб кетди:

— Яна нима бўлди, шайтон қиз?

Ҳамшира йигитнинг юзига ишора қилиб, аранг гапира олди:

— Шуват...

— Шуватга нима қипти?

Қиз яна кулди:

— Оғзингизни тополмай, бетингизга қуйиб юборганга ўхшайсиз.

Нодир аввалига, ҳатто нима дейишни билмай қолди, сўнг бир амаллаб керакли сўзларни топди:

— Э, ўзи сиз қизиқ қиз экансиз. Менинг бетимдан бошқа ташвишингиз йўқми?

— Бизда шуватни ичишади... — Ҳамшира тортмадан крем олди. — Мана бу эса ҳақиқатан қуёш нурига қарши. Эрталаб, ишга чиқиш олдидан териси юпқа юзингизни совунлаб ювиб, кейин...

— Э, мен сиздан крем сўрадимми?

Нодир жаҳл билан яна нимадир демоқчи бўлди, аммо бунинг ўрнига ўзи ҳам кутмаганда бирдан ку-

либ юборди... Нодир кетаётган маҳал, эшикка етганида тўхтаб, қизнинг исмини сўраб олди. Гулнур экан.

* * *

Уйдан қўнғироқ қилишди. Ҳовлиқиб қолган эрхотин бири қўйиб-бири олиб роса қутлашди, орасира Дилфузанинг «Табриклайман!» деган хитоби ҳам эшитилиб турди: Нодир магистратурага қабул қилинбди.

Ана энди уйга қайтмаса бўлмайди. Илло, амалдаги тартибга кўра, магистратурада ўқиш даври бакалавриятдан кейинги уч йиллик ишлаб бериш ҳисобига ўтади. Шу баҳонада Моҳидил билан астойдил гаплашиб ҳам олади: бўладиган ишнинг тезроқ бўлгани яхши; муносабатларининг ҳамма кутаётган финалини аччиқ ичақдай чўзгандан нима наф?!

Баногоҳ, Нодирнинг юраги ширин орзиқиб кетди: унинг кўз олдида тиббиёт пунктидаги маҳмадона қизнинг сиймоси пайдо бўлганди. Қиқирлаб кулишлари... соддалик билан узун-узун киприкларини пирпиратишлари... беғубор нигоҳи...

Йигит сесканиб, дарров ўзини қўлга олди, бунақа ўйларни унутмоқчидай атай ўзини жиддий тутганча цехга ошиқди. Бахтига Меданбой Ибройимович объектда экан.

Кайфияти кўтаринки бош муҳандис уни ҳазиллашиб қарши олди:

— Ҳа, ёш авлод, бунча оғзинг қулоғингда. Тўй яқинми дейман-а?

— Э, йўқ, Меданбой оға, ҳозиргина уйдан телефон қилишди. Магистратурага ўтибман. Бюджетга.

— Ие, табриклаймиз, табриклаймиз! — бош муҳандис йигитни қучоқлаб, елкасига уриб-уриб қўйди. — Энди нима қилмоқчисан?

— Нима қилардим, ўқийман. Шунга ишдан бўшаш ҳақида ариза топшириб қўйсам дегандим.

Меданбой Ибройимович қатъий бош чайқади:

— Йўқ, бунақаси кетмайди. Ўқийсан, лекин сиртдан!

Нодир «афсуски... иложим қанча» демоқчидай қўлларини ёйди:

— Магистратуранинг сиртқи бўлими бўлмайди-да.

— Бўлади! Бошқалар учун бўлмаса ҳам биз учун бўлади! — Бош муҳандис чўнтагидан телефонини олиб рақам терди. — Алё. Сирожиддин ака. Ассалому алайкум... Ҳа, мен... Раҳмат... Хуллас, бизнинг бир ёш мутахассисимиз сизнинг институтингизнинг магистратура бўлимига ўқишга кирибди. Бюджетга, албатта, сиз бизни ким деб ўйлаяпсиз! Лекин уни қўйиб юборолмаймиз. Ишлаб чиқариш зарурати. Бизга керак кадр. Цех бошлиғи у. Заводнинг аҳамиятини ўзингиз яхши тушунасиз. Шунинг учун, агар иложи бўлса, алоҳида график, индивидуал режа асосида ўқиса... Масофавий таълим қиласизми, у ёғи ўзингизга ҳавола. Имтиҳонлар пайти бориб туради, албатта... Ризаев Нодир... Раҳмат. Омон бўлинг. — Меданбой Ибройимович телефонини ўчирди. — Мана, ректоринг билан гаплашдим. Бемалол ишлайвер. Сенга индивидуал график қилиб беришади. Омон бўл, студент. Э-э, тўғрироғи студент — цех бошлиғи. Жанранглаши зўр-а?

— Мен участка бошлиғиман, Меданбой оға.

— Довдирама, сен бугундан цех бошлиғисан. Кадрга бориб, буйруқ билан танишдим деб қўл қўйиб кел.

Шундай дея бош муҳандис эътибор беришга ҳам арзимайдиган бир ишни бажариб қўйгандай хотиржамлик билан объектни кўздан кечиришда давом этди. Бунақа бўлиши етти ухлаб тушига кирмаган Нодир жойида анграйиб қолаверди.

Янгиликни эшитган Моҳидил унчалик ажабланмади. Фақат:

— Меданбой Ибройимовичга қойил! — деб қўйди. Сўнг асосий мақсадга ўтди: — Лойиҳа бўйича таклифим бор, дегандай бўлувдингиз, жаноб цех бошлиғи.

— Нимаёди?

— Мендаям бир-иккита ғоя туғилди. Шуларни маслаҳатлашсам дегандим. Бахитбекка айтсам, жуда қизиқиб қолди.

— Бўпти. — Нодир соатига қаради. — Ишдан кейин гаплашамиз. Мен Бахитбекни чақираман, сен болаларни.

— Келишдик.

Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскар эмас, дейишади. Бўлса бордир. Аммо умрида ҳеч курса бир маротаба кашфиётлар яратишга интилмаган, рационализаторлик таклифлари киритишни истамаган муҳандис ҳақиқий муҳандис бўлмаслиги аниқ.

Нодир, Моҳидил, Бахитбек, Норбой, Жаҳонгир шу тун ухлашмади ҳисоб. Улар вагонда, қурилиш лойиҳаси жилдларини столга ёйган кўйи то томоқлари бўғилиб, овозлари хириллаб қолгунча баҳслашишди, гоҳ бир-бирларининг фикрларини ўта кескин, антагоник тарзда рад этишди, гоҳ маъқуллашди, ишқилиб, алал-оқибат — Норбойнинг таъбири билан айтганда — қалтисроқ бир тўхтамга келишди-ю, шу бугуннинг ўзида элчилик вазифасини адо этиш Нодир билан Моҳидилга топширилди.

* * *

— Хўш, ёш авлод, магистратурадан бошқа яна бирон муаммо туғилдими? — дея хуш кайфиятда уларни кутиб олди бош муҳандис.

— Биз иккита масалада келгандик.

— Ҳар бирингда биттаданми? Бўпти, давом этавер, болам.

— Меданбой оға, бизнингча, лойиҳада саҳродаги сув тақчиллиги ҳисобга олинмаган.

Бош муҳандис жиддий тортди:

— Тушунмадим.

— Лойиҳа бўйича сув қурилишга қувурларда тортиб келинади. Бундай сувни исроф қилиб бўлмайди.

Шу сабабли, бизнингча, бу ерда сувни қайта ишловчи иншоот қуриш керак.

Меданбой Ибройимович индамай туравергач, Нодир гапида давом этишга муяссар бўлди:

— Лойиҳа Кореяда тузилган. Уларда эса сув муаммоси йўқ. Шундай денгизданми, кўлданми оладида, ишлатаверади. Бизда эса... сувнинг ҳар қатраси тиллага тенг экан. Бундай шароитда сувни имкон қадар тежаб ишлатиш, қайта ишлатишимиз шарт.

Ниҳоят, бош муҳандис тилга кирди:

— Хўш, ўша сувни қайта ишлайдиган иншоотнинг нархи қанча экан?

— Суриштириб кўрдик. Инновацион технология асосида ишлайдиган энг замонавийси 600 минг доллар атрофида.

Меданбой Ибройимовичнинг капалаги учиб кетди:

— Қиммат экан-ку, бу занғар... Инвесторлар кўнишмас-ов. Ахир, бу лойиҳада кўзда тутилмаган маблағ бўлади-да.

Нодир қизғинлик билан фикрини исботлашга тушди:

— Тўғри, лойиҳада кўзда тутилмаган. Лекин харажат бир йилда ўзини оқлайди, фойдаям келтиради. Мен буни инвесторларга исботлаб бераман. Ҳамма ҳисоб-китоблар тайёр. Мана, қаранг. — У девордаги мажмуа чизмалари ёнига борди. — Биз сув тозалаш гични мана бу ерга ўрнатамиз...

Бош инженер Нодирга «тўхта» ишорасини қилдида, Моҳидилга саволмуз қаради:

— Туришингдан сенам бир нарсани бошлаб келганга ўхшайсан, қизим. Ёрил-чи.

Моҳидил «ёрилди»:

— Биз болалар билан бир масалада анчадан бери бош қотириб келаётгандик. Газдан электр энергияси олаяпмиз-ку. Ана шу жараёнда қурилмада бекорга сарф бўлаётган буғдан самарали фойдаланиш мум-

кин. Бу эса фойдали иш коэффицентини саксон икки фоизга кўтариш имконини беради.

Меданбой офанинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди:

— Адашмадингми сен қиз? Билишимча, бу кўрсаткич Америкада эликдан ошмайди, шекилли.

Моҳидил бош ирғади:

— Европада ҳам шундай. Лекин биз саксон иккига чиқамиз! Ҳисоб-китоблар тайёр.

Ҳаяжонланиб кетган бош муҳандис кафтларини бир-бирига ишқади:

— Бўлиши мумкин эмас! Қани, ҳисоб-китобларингни олинглар-чи.

Нодир билан Моҳидил стол устига ўзлари тайёрлаб келган ҳисоб-китоб қоғозларини, чизмаларини ёя бошлашди.

* * *

Ишдан қайтган Гулнур дарвоза ёнидаги янги сутранг «Ласетти»нию ҳайдовчи ўриндиғида оғзини катта очганча ухлаётган Бекберган жарчини кўриб ҳайрон бўлганча ичкарига кирди. Меҳмонхонадан шошиб чиқаётган Ақчагул холанинг кўзи қизига тушиб яйраб кетди, сўнг қувончи ичига сифмай шивирлади:

— Келишди, қизим, охири келишди!

— Ким, ойи?

— Совчилар! Кимсан, Есенбойга сўраб келишибди сени. Бахтимдан ўргилай!

— Ойи!

Ақчагул хола йўрғалаб кетаётган жойида тўхтади.

— Нима гап, қизим?

— Мен ҳали ўқимоқчиман-ку, ойи.

— Шунча ўқиганинг етар, қизим. Агар жуда хоҳлашса, ўзлари ўқитиб олишади. Агар хоҳлашмаса, етмаганини рўзғор мактабида ўрганаверасан-да. Бошингга қўнаётган бахт қушини учирма, қизим. Сенга ёмонлик тилармидим...

— Ойи, мен Есенга одам юбор, демагандим.

— Қизим-ов, бунақа гап тилда айтилмайди.

— Лекин мен дилимдаям айтмаганман.

— Ҳовлиқма, қизим. Мен оёқ-қўлингни бойлаб, эратагёқ сени узатиб юбормаяпман-ку. Ана, кўриш, учраш, бирга шаҳар айлан.

— Ойи!

— Тўтиқушга ўхшаб бир гапни такрорлайверма! — Ақчагул холанинг бурун катаклари керидди. — Танлаб-танлаб, тозисига учраб қолишинг аниқ сенинг!.. Тентак қиз, қара, овулда энг чиройли қаср кимники? Есенбойники! Энг чиройли машина кимники? Есенбойники! Отасига машина олиб бериб қўйган ким? Есенбой. «Хоҳласа шаҳарда, хоҳласа овулда яшаймиз», — депти. Етмайдимиз?

— Етмайди! — Гулнур қайсарлик билан чап кўксига ишора қилди. — Сиз айтган нарсалардан ташқари, манави ердаям бир нарса бўлиши керак-ку, ойи!

— Пўконингдан ел ўтмаган-да сен қизнинг! Турмушнинг машаққатларини билмайсан. Ўша юрагинг билан бир йил оч яшаб кўрсанг, кўзинг мошдек очилади-ку-я!.. Бўлди, «Бир оз вақт беринглар, унгача ёшлар ўзлари учрашсин, бир-бирини яхшироқ танисин», дейман.

Гулнур ёлворди:

— Кўнгилга буюриб бўладими, ойи?

Она ҳеч иккиланмай жавоб қайтарди:

— Буюриб бўлади! Агар сўраб келган йигит бой бўлса...

Шундан сўнг Ақчагул хола шошиб ичкарига кириб кетди. Оғир-оғир нафас олаётган Гулнур деворга суяниб қолди.

* * *

Меданбой Ибройимович қурилиш раҳбари билан ёш мутахассисларнинг таклифларини муҳокама қилиб кўрди. Узоқ мулоҳазалардан сўнг, ахийри Сеул билан боғланишди. Корейс мутахассислари бу фоялар-

ни қизиқиб эшитишди, аммо аниқ ҳисоб-китобларни сўрашни ҳам унутишмади, иложи бўлса, таклиф муаллифларидан бири келиб, ғоясини шу ерда ҳимоя қилиши мақбулроқ, деган мулоҳаза билдиришган. Охир-оқибат, бош муҳандиснинг ўзи «ёш авлод» вакилларида бири билан Жанубий Кореяга учадиган бўлибди. Шундай қилиб, ҳеч қутилмаганда Нодир Сеулга келиб қолди. Талаба пайти бир муддат бу ерда ўқигани учунми, шаҳар унга анча таниш эди. Меданбой Ибройимович-ку, лойиҳа юзасидан қатнай-вериб бу ерни беш бармоғидай билиб олган экан.

Ҳимоя эртаси куни бўлгани учун икковлон бир оз шаҳар айланишди, сўнг ҳашаматли маркетлардан бирига киришган маҳал Меданбой Ибройимович сўраб қолди:

– Бунча ўйланиб қолдинг, болам? Ё бирон нимадан чўчияпсанми?

Нодир кўнглидагини очиқ айтди:

– Чўчиганим йўғ-у, лекин... Пудратчиларимиз дунёга танилган компаниялар. Мутахассислари ҳам шунга яраша. Бизнинг таклифимиз уларга ақл ўргатишдай бўлиб туюлмасмикан. Улар буни қандай қабул қилишаркан? Шуларни ўйлаяпман.

Бош муҳандис унга далда берди:

– Ташвишланадиган жойи йўқ. Ғоя пишиқ. Техник-иқтисодий асос мустаҳкам. Бунинг устига соҳамизда катта янгилик. Шундай экан, бошингни баланд кўтар, болам. Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз! Кам ҳам бўлмаймиз! Лекин эсингдан чиқарма, корейслар анча босиқ, жиддий, вазмин халқ, улар ҳис-туйғуларини дарров ошкор этаверишмайди. Шунинг учун аввалига улар гапингни совуққонлик билан эшитаётгандек туйилиши мумкин. Аммо бу алдамчи ҳиссиёт... Улар эскалатордан тушганлари маҳал Нодирнинг қаршисидан мутлақо қутилмаганда катта-катта хўжалик сумкалари солинган филдиракли аравагани суриб бораётган Ўткир чиқиб қолса бўладими!

— Ўткир! — деб қичқириб юборди Нодир беихтиёр.

— Нодир!

Иккала ўртоқ қучоқлашиб кўришиб кетишди, шошиб-пишиб, ҳаяжонланиб ҳол-аҳвол сўраша бошлашди.

— Таниш, ўртоқ, — деди Нодир Меданбой Ибройимовичга ишора қилиб, — бу киши бизнинг бош инженеримиз Меданбой оға. Меданбой оға, бу менинг дўстим Ўткир. Бирга ўқиганмиз.

— Жудаям яхши-да, — деди Меданбой Ибройимович жилмайиб. — Ҳойнаҳой, икки ўртоқнинг гап-лашадиган анча-мунча гаплари йиғилиб қолгандир. Узр, менинг зарур ишларим бор эди... Нодиржон, меҳмонхонада кўришамиз. Ўткиржон ука, бирга келинг-а, чойлашамиз.

— Раҳмат, раҳмат, — деди Ўткир қўлини кўксига қўйиб.

Бош муҳандис узоқлашгач, Нодир билан Ўткир чек-кароққа ўтишди.

Нодир ҳамон ҳаяжонини босиб ололмасди:

— Бунга қара, ҳеч кутмагандим-а! Дунё тор деганлари шу-да. Қалайсан ўзи, оғайни? Лекин, қойил, барибир йўлингни топиб кетишингни билардим.

Ўткир гўдайиб қўйди:

— Мени биласан-ку, ўртоқ, Ўзингдан гапир, ўзинг қалайсан?

— Ёмон эмас.

Ўткир Меданбой Ибройимович кетган томонга ишора қилди:

— Нима, ҳалиям ўша ерда юрибсанми?

— Ҳалиям, — дея жилмайиб қўйди эски гаплар ёдига тушган Нодир.

Ўткир афсусланиб бош чайқади:

— Эҳ, эринмаган банд-я!.. Ҳа, майли, анча бўласанми бу ерда?

— Йўқ, Эртага кичик бир лойиҳанинг ҳимояси. Индинга қайтиб кетамиз. Сен, яхшиси, ўзингдан гапир.

Ўткир атрофга аланглаб олгач, жиддий қиёфада, тез-тез гапира бошлади:

– Менга қара, ўртоқ, кел, гапнинг очигига кўча қолай. Энг гуллаган ёшлик чоғингни оч қумлар орасига кўмма, шу ерга кел, тил биласан, ҳисоб-китобга устасан, биргалиқда катта бизнес қиламиз, миллионер бўламиз, дунё айланамиз. Бир йил бу ерда бўлсак, бир йил Америкада бўламиз.

Нодир кулиб қўйди:

– Мен бунақа ишларга ярамасман-ов.

– Қўрқма, ярайсан. Бошида ўзим ўргатиб турман. Айтганимни қилсанг бўлди. Энг муҳими, тил биласан. Тил бу омад лотереясидай гап. Визанг бўлмаса, чўчима, «Касалман, даволанаман» деб маълумотнома тўғрилаб келасан-да, муддатинг тугагандан кейин ҳам қолаверасан. Бу ернинг полициячилари содда, ишонувчан, бемалол алдаб кетса бўлади... Мана, қара, шанба-якшанба кунлари бирон кампиргами, чолгами қараб тураман. У-бу керакли нарсаларини сотиб олиб бераман. Қарабсанки, икки кунда тўрт юз ишлаб турибман-да. «Кўк»идан. Бир ойда беш шанба-якшанба бўлса икки минг доллар чўнтақда деявер! Иш жойимдан минг олсам, жами уч минг бўлади. Ҳа, ана, жой, овқат-повқат, ётар жойга минги кетсин. Шундаям икки минги қолади, ўртоқ. Хўш, қалай, даҳшатми? Нодир ўзига гердайиб қараб турган ўртоғига қараб, хижолатомуз тарзда очигига кўчди:

– Даҳшат-у, лекин мен ҳозир участка бошлиғи сифатида уч мингга яқин оламан. Овқат-повқат, ётар жой текин...

Иzza бўлган Ўткирнинг жонига чийиллаб қолган телефони оро кирди. Ўткир телефонга қараркан, ҳар эҳтимолга қарши овозини ўчириб қўйди. Мўъжаз экранчада кекса корейс кампир бақириб-чақирар, орасира мушт ўқталиб ҳам қўярди.

– Кампиршо безовта бўляпти, – деб қўйди Ўткир. Нодир сўраб қолди:

— Айтгандай, уйланибсан деб эшитдим. Ростми?

— Ҳа, шу... тўй бирдан бўлиб қолди. Сенларни чақиришга ҳам улгуролмай қолдим.

— Майли, майли. Энг муҳими, бахтли бўлсанг бас. Телефон яна чийиллади.

— Бормасам бўлмайди, ўртоқ, — ўзини мажбурлаб илжайди Ўткир. — Кампир эмас, нақ кобранинг ўзи...

— Майли, ўртоқ, ишдан қолма. — Нодир чўнтагидан ташриф қоғозини чиқариб берди: — Кечқурун, албатта, қўнғироқ қил, қаерда бўлсанг ҳам келиб олиб кетаман. Отелга кел, бемалол гурунглашамиз.

— Гап бўлиши мумкин эмас, ўртоқ. Узр-а, мен мингга қўйиб чопмасам бўлмайди...

Ўткир аравагани судраганча, ҳақиқатан ҳам, чопқиллаб кетди. Юзидаги табассум сўнган Нодир бирдан мунғайиб қолди. Юраги бежиз ғаш бўлмаган экан: у нақ ярим кечагача сарғайиб кутиб ўтирди, аммо телефон жирингламади. Юраги баттар сиқилган Нодир дераза ёнига бориб, ташқарига, булутли осмонга қаради. Кейин қайтиб келиб, ноутбукини очди-да, аҳолига хизмат кўрсатадиган фирма манзилени қидира бошлади. Нодир излаганини тез топди. Шаҳарнинг чеккароғидаги туманда жойлашган экан.

Мусофир юртда уйқу келармиди? Айниқса, бунақанги кайфиятда. Нодир тонг саҳарда эти жунжикканча шаҳарни кесиб ўтиб, офис ёнига бориб турди. Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, катта йўлдан корейс кампир ўтирган аравагани шошиб олиб ўтаётган Ўткир кўринди. Муштдай, юзини ажин босган жаҳддор кампир ҳассасини Ўткирга ўқталиб, бақириб-чақирарди. Нодир ўзини четроққа олди. Аравача ўтиб кетгач, фирма биноси томон юрди.

* * *

Мўъжазгина мажлислар зали мутахассисларга тўлди. Меданбой Ибройимович бир масалада ҳақ эди:

корейслар шунчалар хотиржам ўтиришардики, гўё бўлаётган ишларнинг уларга умуман алоқаси йўқдай. Буни кўриб Нодирнинг юраги орқасига тортиб кетди. Ишчи тили инглизча этиб кўрсатилган йиғилиш белгиланган вақтда бошланди. Уни Меданбой Ибройимович кириш сўзи билан очди:

— Ҳурматли хонимлар ва жаноблар, азиз меҳмонлар. Бугун, оддиндан сизга маълум қилинганидек, бир гуруҳ мутахассислар таклифни муҳокама қилиш юзасидан йиғилдик. Рухсатингиз билан дастлабки сўзни ғоялар муаллифлари вакили Нодир Ризаевга берсам. Марҳамат.

Нодир ўрнидан турди, ўзига далда бераётгандай жилмайиб қараб турган Раҳматулла акага бош силкиб, миннатдорчилик билдирган бўлди.

— Ассалому алайкум, ҳурматли хонимлар ва жаноблар. Муҳтарам инвесторлар. Маълумки, бизнинг заводимиз эҳтиёжи учун лойиҳа бўйича 35 минг м³ сув қувурлар орқали келтирилади ва ҳудудимиздаги 75 минг м² ҳажмига эга ҳовузга қўйилади. Мутахассисларимиз бизнинг шароитимизда мазкур ҳажмдаги сувни тўлиқ тозалаш ва мажмуа истеъмолчилари талабларини қондириш мақсадида сувни ҳамда кам ифлосланган оқова сувларини қайта тозалаш иншоотлари қуриш мақсадга мувофиқ, деган таклифни илгари суришмоқда. Ана шунда қувурдан келган сув тозаланиб, ичимлик суви, техник сув, минераллардан тозаланган демин суви ҳамда совутиш тизимига таъминот суви сифатида ишлатилади.

Сувни тозалаш иншоотида тиндиргичда сув юмшатилиб, саккизта қумли филтрдан ўтказилади. Филтрланган сув резервуарга йиғилади, олмос филтрлар эса соатига 1156 м³ сувни тозалай олади. Умуман, бу технологик жараёнда ишлатилган сув 88% ча қайта тозаланади!

Юқоридаги қурилмадан ташқари, сувни совутиш тизими, оқова сувлардан қайта фойдаланиш жиҳоз-

лари ҳам ишга тушади. Умуман олганда, лойиҳага тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали, хусусан, тескари олмос фильтрли сувни тозалаш технологиясидан фойдаланиш учун оқова сувлардан қайта фойдаланиш қуввати 88% га қадар оширилади.

Бунинг натижасида мажмуанинг йиллик сарф-харажатларидан бир миллион саккиз юз минг доллар маблағ тежаб қолинади. Тегишли ҳисоб-китоблар сизларга оддиндан тақдим этилган.

Иккинчи таклифимиз шуки, газдан электр энергияси олишда қурилмада бекорга сарф бўлаётган буғдан самарали фойдаланиш мумкин. Бу эса фойдали иш коэффицентини 82% га кўтариш имконини беради. Бу борадаги ҳисоб-китоблар ҳам сизларга тақдим этилган.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Нодир жойига қайтиб ўтирди. Залга жимлик чўкди. Ҳатто Меданбой Ибройимович ҳам безовталаниб қолди. Нодирнинг-ку, бўлари бўлди. «Қабул қилишмайди!» деган ўй унинг миясини пармалаб ўтгандай бўлди. Корея тарафи ҳамон сукутда эди. Ниҳоят, қўлидаги ҳисоб-китоблар ёзилган қоғоздан бошини кўтарган инвесторлар вакили аста ўрнидан турди ва... қарсак чала бошлади. Унга бошқалар қўшилди.

Таклиф қабул қилинганини тушунган Меданбой Ибройимович илдам келиб Нодирни маҳкам қучоқлаб олди.

* * *

Есенбойнинг назарида совчилар бир боргандан ҳамма ишни битириб, тўй кунини белгилаб қайтиши керак эди. Аммо бундай бўлмапти. Онаси: «Қизи борнинг нози бўлади, ўзи ўлиб турган бўлсаям бир боргандан ҳеч ким рози бўлиб, қизини қўш қўлаб тутқазиб юбормайди. Сен номига бир учрашиб қўй», — деб уқтирганидан сўнггина Есенбой вазиятни тушунгандай бўлди ва шу томонга йўли тушганида

атай бир гулдаста сотиб олди-да, туш маҳал мажмуанинг тиббиёт пунктига кириб борди.

— Саломатмисиз, Гулнурой?

Қиз уни кўриб шошиб-эсанкираб қолди, сўнг сал ўзига келиб, аранг гапира олди:

— Раҳмат. Ўзингиз яхшимисиз?

Есенбойга ўзи қизда қолдирган таассурот ёқди. У:

— Кўриб турганингиздек. Бу сизга, — дея гулдастани тутди.

— Раҳмат. Нима муносабат билан, Есенбой ака?

Есенбой тили бийронгиналигини намойиш қилди:

— Э, кўришганимизнинг ўзи бир байрам эмасми, Гулнурой. Бунинг устига исмингизнинг ўзи гул бўлиб жаранглаб турибди...

Гулнур гулдастани стол четига қўйган маҳали эшик оҳиста тақиллади.

— Узр, беморларим бор эди.

— Бемалол, Гулнурой. Ўзи асли мен ҳам беморингизман-у... — Есенбой қизнинг бетоқат бўлаётганини кўриб, муддаога ўтди: — Мен ўзи бир дақиқага киргандим. Агар рухсат берсангиз, ишдан чиқшингизни кутиб турсам. Кейин бир шаҳарга бориб, айлансак...

— Йўқ, — деди Гулнур шошиб.

— Бўпти, бўлмаса ўша гап. Боришди-ку.

— Мен жавобини айтганман, — дея қиз эшик томон ўтирибди. — Киринг.

Қўли тирсагига қадар чандиб боғланган аёл кирди.

— Ассалому алайкум, синглим.

— Ассалому алайкум. Бу ёққа ўтинг, опа.

Гулнур бинтни еча бошлади.

— Мен борай, — деди нима қилишини билмай қаққайиб туриб қолган Есен.

— Яхши боринг.

Бирор жойга борганида дами қайтиб ўрганмаган Есенбой бир муддат кутиб турди, аммо қизнинг ишдан кўз узмаётганини кўргач, индамай хонадан чиқ-

ди. Балки адашаётгандир, аммо Гулнур унинг тишлари гижирлаб кетганини эшитгандай бўлди...

* * *

Меданбой Ибройимовичнинг лойиҳа билан боғлиқ яна бир неча кунлик иши бор экан. Шунга Нодирнинг ўзи қайта қолди. Қурилишда у гуруҳидагиларга: «Ҳаммаси жойида шекилли», — деб қўя қолди. Зеро, расмиятчиликлар: йиғилиш баённомаси, экспертлар хулосасини бош муҳандис олиб келиши керак эди. Бахитбек цех бошлиғи бўлганидан сўнг биринчи қилган иши ўзига «Honda» мотоцикли сотиб олиш бўлганди: ҳар қалай, овулига хоҳлаган пайти бориб келаверади. Хизмат сафари муддати ҳали тугамагани сабабли Нодир Бахитбек кўпинча «Менинг «Мерседес»им» дея оғиз кўпиртириб мақтанадиган шу мотоциклни сўраб олди-да, бир айланиб келгани чиқди. Нодир катта йўл бўйидаги вақтинчалик бекатга яқинлашаётганида одамлар орасида сумка кўтарган Гулнурни кўриб қолди-ю, унинг ёнига бориб тўхтади.

— Яхшимисиз?

— Яхшиман, — деди қиз. — Ўзингизнинг қўлингиз тузалиб кетдими?

— Тузалиб кетди. Раҳмат. — Нодир гапни қандай давом эттиришни билмасдан, дабдурустан: — Сиз бу ерда нима қилиб турибсиз? — деб сўради.

Гулнур ҳайрон бўлди:

— Қизик, энди ўз овулимга ҳам кетолмайманми?

Нодир баттар довдиради:

— Узр... Айтмоқчийдимки, бир марта шаҳарга бораётганимда узоқдан бир қадимий қалъани кўргандай бўлгандим.

— Алан қалъаси.

— Балки томоша қилдирарсиз. — Нодир мотоциклни шапатилаб қўйди. — Дулдул хизматингизга тайёр. Кейин истаган жойингизга обориб қўямиз. Гулнур ўйланиб қолди.

– Ахир, мезбонсиз. Хавфсизлигингиз кафолатланади. Мана, шлем бор. Қиз жилмайди:

– Агар хавфсизлигим кафолатланса, майли, кетдик. Ўзим сизга бир гидлик қилай.

* * *

Йигит билан қиз кўҳна Алан қалъаси харобалари бағрида анча сайр қилишди. Гулнур қалъа кечмишини батафсил гапириб бера бошлади.

– Ўзи сиз тарихчи бўлишингиз керак экан, Гулнур.

– Ўзимизнинг ўтмишни билиш учун тарихчи бўлиш шарт эмасдир.

– Буям тўғри. Кейин-чи, кейин нима бўлган?

– Кейин аланлар билан ослар маза қилиб яшай-веришган. Анави ерда суви тип-тиниқ катта кўл бўлган, ичида балиқлар сузиб юрган. Кунларнинг бирида кўл ҳақида саҳройи қабилалардан бирининг сардори эшитиб қолади. Сувдан қийналиб юрган сардор дарров кўшинини тўплаб, бу ерга бостириб келади. Орада катта жанг бўлиши керак эди. Лекин...

Нодирнинг телефони дириллади. Буни эшитган қиз жим бўлиб қолди.

– Кейин-чи, Гулнур? — деди шоша-пиша телефони тугмачасини босаётган йигит.

– Қолганини бошқа пайт, вақтингиз бемалолроқ бўлганида айтиб берарман, оға. Ҳозир кўзингиз қалъада-ю, хаёлингиз бошқа жойда.

Нодир хижолат чекиб қолди:

– Йўғ-э... Унақа деманг.

– Сиз бемалол гаплашиб олаверинг. Халақит бериш ниятим йўқ.

Гулнур намоишкорона тарзда қўлларини белига тираганча мотоцикл томон юрди. Нодир телефонига қаради. Бу бош инженер эди.

– Эшитаман, Меданбой Ибройимович. Етиб келдингизми?

— Келдим. Сен ўзинг қаердасан, болам?

— Шу... Қорақалпоғистоннинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиб юрибман.

— Бу яхши, болам. Лекин Орол денгизининг ўрта-сида бўлсанг ҳам икки соат ичида етиб кел, мажлис бор.

Шу билан бош муҳандис телефонини ўчирди. Нодир қизнинг ёнига шошди:

— Ишхонадан экан, Гулнур.

Қиз унга истехзо билан қаради:

— Нима, бошқа жойдан кутаётганмидингиз? Ҳафсалангиз пир бўлдимиз? Бечора...

Нодирнинг жаҳли чиқди:

— Қачон қараса мени мазах қилганингиз-қилган. Нима, олдингизда айбим борми?

Гулнур мийиғида кулимсираб қўйди:

— Айбингиз бўлмаса нега бунча қизарасиз?

Йигит унга нимадир деб эътироз билдирмоқчи бўлди, аммо ҳеч керакли сўз тилига келмасди. Нодирнинг оғзини капша-каппа очаётганини, аммо гапиролмаётганини кўрган қиз ногоҳ шарақлаб кулиб юборди:

— Шунақа, ҳақиқат аччиқ бўлади.

Энди ўзини туҳматга қолган деб ҳисоблаётган Нодир тамомила тутакиб, вужуди қалтираб кетди:

— Сиз... сиз...

Гулнур йигитнинг аҳволига парво ҳам қилмади:

— Нима мен?

— Сиз... — «жиннимисиз?» демоқчи бўлиб турган Нодир туйқус, ўзи ҳам мутлақо кутмаган ҳолда: — Сиз... кулган пайтингизда янаям чиройли бўлиб кетаркансиз... — деб юборса бўладими! Жиннилиқ ҳам эви билан-да!

Гулнур бирдан кулишдан тўхтади. Нодир эсанкираб қиздан кўзларини олиб қочди, нажот истаб атрофга аланглади. Иккалови ҳам ноқулай аҳволда қолишган эди.

Алоҳа Нодир орт ўриндикдаги шлемни олиб, қизга тутди. Тарки одат, деганларидек, Гулнур барибир йигитни яна бир бор мазах қилишдан ўзини тийиб туролмади:

— Бу охири йўқ чўлнинг... ҳар қадамида ГАИ борда, а? Буталар орасида сизни пойлаб туришибди!

Ажабки, ҳар қанча хотиржам гапиришга уринмасин, қизнинг товушида енгил титроқ бор эди.

Нодир баттар ўнфайсизланиб:

— Йўғ-э... Хавфсизлик... — деди-да, қалтираётган бармоқларида базўр калитни буради.

Мотор шиғиллаб ишлаб кетди. Йўлга тушишди. Шлемини тиззасида тутган, сочларини шамол тортқилаётган Гулнур тобора узоқлашаётган қалъа харобаларидан кўз узмасди.

* * *

Артилган шишадай тиниқ осмонга ногоҳ бостириб келган булутлар қуёшни ўз бағрига яширади, заминда бўрон кўтарилади, самода момақалди роқ гумбурлайди, фалак бағрини тилиб чақинлар чақнайди, шиддат билан ёмғир ёғади, ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетади. Аммо, ажабки, буларнинг ҳаммасидан сўнг табиат соф шудрингда чўмилиб чиққан парилардай янада яшнайди, тетиклашади, гўзаллашади. Борлиқ янада чирой очади...

Инсон кўнгли ҳам шундай ажабтовур эврилишларга мутаносиб-муштарак экан. Буни бошидан ўтказган одам ҳис қиларкан.

Шопмўйлов, ҳар елкасида иккитадан одам бемалол ўтирадиган даражада бақувват Сайфиддин деганлари Моҳидилнинг атрофида гирдиқапалак бўлиб қолди. Моҳидил бировга гапини бериб қўядиган қизлардан эмас, сал ёқтирмаса, пичинг игнасини санчиб-санчиб олади.

Аммо йигит барчасига: шаддод қизнинг қаттиқ мазахларига ҳам, гап билан аёвсиз ўйиб олишларига

ҳам, очикдан-очиқ масхаралашларига ҳам чидади, чидадигина эмас, билъакс, улкан марҳамат кўраётгандай илжайиб тураверди. Оҳир-оқибат, ҳатто қиз: «Бу сал... анақамасмикан?» — деган гумонларга ҳам борди.

Дарвоқе, аввалига Моҳидил тақамўйловни — қиз уни ўзича шундай деб атаб олганди — оддий монтер бўлса керак деб ўйлаганди. Йўқ, олий маълумотли дастурчи экан, бундан ташқари мажмуа компьютерларига қай гўрдандир тушиб қоладиган қаттол вирусларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш ҳам шу йигитнинг зиммасига юклатилган экан.

Бу вазифани-ку, удаласа керак, ҳар нечук, елкалари кенгина, аммо бу айиқ полвон қандай қилиб дастур тузади, қандай қилиб компьютер клавиатурасини ишлатади — қиз шунини тасаввур этолмасди. Ахир, типик дастурчи деганлари озгин-ориқ, бурнига қабарик кўзойнак қўндирган, бармоқлари ингичка ва узун-узун йигитча бўларди-ку. Бу келбати, бу чўқмордай мушти билан эса Сайфиддиннинг унақанги қолиплардан бир нечтасига ҳам сиғмаслиги тайин.

Хуллас, баҳона топса-топмаса цехга йўртиб келадиган, ишдан сўнг сояга ўхшаб ортидан вагонгача кузатиб қўядиган, тонгда дарвоза ёнида яна катта иш бажариб қўйгандай илжайиб кутиб оладиган, дискотека маҳаллари бирон йигитнинг ёнига яқинлашишига йўл қўймайдиган — буни қандай эплайди, тасаввур этиш мумкин, холос — тақамўйловга қиз дакки беравериб чарчади, аммо йигит эшитишдан чарчамади.

Охир-оқибат, Моҳидил уни ўз ҳолига қўйди: юрса юравермайдими ўралашиб, менга нима?

Балки шу сабабдир, бир оқшом ишдан кечроқ чиқиб, вагонига кимсасиз йўлдан қайтаётган Моҳидил қаршисидан гандираклаб чиқиб келган учта эркакни кўрган заҳоти бир нарсани тушунгандай бўлди: буни тақамўйлов уюштирган.

Ҳозир ўзи қоронғилиқдан отилиб чиқиб келади-да, буларнинг жазосини беради-ю, шу билан қизнинг наздида қаҳрамонга айланади-қолади. Яшавор, шоввоз! Ҳар бирига қанчадан тўладинг? Муҳаббатни сотиб олиб бўларканми, нодон? Фазаби қўзиган қиз оёғини қўлига олиб қочиб қолиш имкониятини йўққа чиқарганча қўлларини кўксига чалиштирганча жойида қаққайиб туриб қолди.

Эркаклар буни бошқачароқ тушунишдими, бирдан унга ташланиб, оёқ-қўлларидан тутганча сахро томонга судраб кета бошлашди. Қиз қарасаки, аҳвол у ўйлаганчаликка ўхшамаяпти. Буларнинг авзойи ёмон. Моҳидил ёрдам сўраб бақирмоқчи бўлганди, сигаретанинг қўланса иси анқиб турган кафт унинг оғзини маҳкам бекитди. Кўзлари ола-кула бўлиб кетган қиз жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсата бошлади, бироқ энди кеч эди. Шу маҳал, қиз ўзига чангакдай ёпишган қўллардан чиқиб кетишга жон алфозда уриниб-тўлғанаётган маҳал, ҳақиқатан ҳам, қоронғилиқдан отилиб чиқиб келган девкелбат Сайфиддин босқинчиларга ташланди ва бир неча сония ичида учаласини уч томонга отиб юбордики, ер билан битта бўлиб ётган қиз беихтиёр бояги тахминим тўғрига ўхшайди, деган гумонга ҳам бора бошлади.

Моҳидил, ҳатто: «Унчалик қаттиқ урманг шерикларингизни. Майиб қилиб қўйсангиз, кейин бир умр товон тўлаб юрасиз!» — деб ачитиб гапиришга оғиз жуфтлаган маҳал зарба еганлардан бири амаллаб ўрнидан турди-ю, ердан топиб олган икки қулочча темир қувурни азот кўтарганча қиз томонга одатига кўра илжайибгина яқинлашиб келаётган тақамўйловнинг бошига солиб қолди. Қиз эслади: қувур дарахтга зарб билан урилганда шунақа овоз чиқаради. Сайфиддин кўзлари олайиб, боши лиқиллаганча «а... а...» деди-ю, бир амаллаб ортига ўтирилди. Ҳар тугул унинг йиқилмагани таъсир кўрсатдими, ваҳимага тушиб қолган босқинчилар йиқилиб-суриниб ўзларини сахро

бағрига олишди. Ана шундан кейингина, улар учун сичқоннинг ини минг танга бўлаётганини кўргандан сўнггина ўзини сал бўш қўйдими, ишқилиб, тақамўйлов идизи қирқилган дарахтдай «гуп» этиб қулади. Бунинг уюштирилган спектакль эмаслиги аниқ: бунақа зарба билан одамни бемалол ўлдириб қўйиш мумкин. Ҳалиям ихраб нафас олаётган бу айиқ полвоннинг боши тош экан, қиз атай текшириб кўрди: ҳатто қон ҳам чиқмапти, бироқ ўртача олмадай шиш пайдо бўлган. Моҳидил бориб сув олиб келди, йигитнинг бетига сепди. Сайфиддин сал ўзига келди, қизнинг ёнида узала тушиб ётишга уялдими, қаддини ростлади, йиғиштириниб ўтирди, Моҳидилнинг дўхтир чақириш ҳақидаги таклифига бош чайқаб «Йўқ» ишорасини қилди, ҳатто ҳазиллашишга уриниб кўрди: «Тўйгача... тузалиб кетади». Бунга жавобан қиз ҳам одатига кўра пичинг қилди: «Тузалиб-тузалиб-тузалиб-тузалиб... кетадими?» Шу билан гапсўз тутади. Илло, бу гап-сўзсиз кеча эди. Бу сукунат кечаси эди. Йигит одатига кўра илжайишга уринарди, аммо оғриқ азоб берса керак, юзи қийшайиб, лаби титраб қўярди, холос. Моҳидил юдузлар ғужғон осмондан кўз узмасди. Алал-оқибат йигит ҳам қизнинг юзидан нигоҳини олиб, у ёқда нима бор экан дегандай кўкка қаради. Ногоҳ қиз паст овозда, деярли шивирлаб, худди ўзи ўзига айтаёгандай ашула айта бошлади. Бу бениҳоя ҳазин, дардли-ғуссали қўшиқ эди:

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг...

Сайфиддин титраб кетди. Наҳот, мана шу нолон тебранаётган, ўзини унутиб изтироб ила фарёд ураётган, мижжаларида ёш йилтираётган қиз ўзи билган шўх-шаддод, беғам-бепарво, тили заҳаргина Моҳидил бўлса?

*Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг,
Осмонни тийра қилди оху афғоним менинг.*

Туйқус йигитнинг кўзларидан ёш қуйилиб келди. Сайфиддин кўз ёшини артмас, кўкка, борлиқни сугдай ёритган тўлин ой, шодон кўз қисаётган юлдузларга боқмас, ёнида тўлиқиб, сел бўлиб куйлаётган, овози аста-секин кучга тўлиб бораётган парирўй қиздан кўз узолмасди.

Мен нечун шод этмайин бул хаста

кўнглумни бугун,

Келди ҳолимни сўраб ул шўх жононим менинг.

Йигит қаландар Машраб газалининг айрим сўзларини тушунмаса-да, маъноларини уқар ва бир ҳақиқатга имон келтирмоқда эдики: бундан кейин ўзи ўлса ўлади, ўзи хор бўлса бўлади, зор бўлса бўлади, ер билан битта бўлса бўлади, бироқ қаршисидаги фариштанинг заррача бўлсин дили озор чекишига йўл қўймайди. Йўл қўймайди...

Эй ситамгар, келгилу эмди шаҳид эткил мени,

Мавж урсун Карбало даштида бу қоним менинг...

Қўшиқ баногоҳ мана шу авж нуқтада узилди: қиз оҳиста ўрнидан турди ва бир-бир босганча ётоқ томон кетди. Бу сафар Сайфиддин унга кўланка каби эргашолмади: етмиш икки томири бўшашиб, вужудидан мадор қочган йигит тун бўйи кўнглида кечаётган ғалати ўй-ҳиссиётларнинг иссиқ оғушида сархуш ўтирди, уфқда юз кўрсатаётган қуёшнинг илк нурларини ҳам шу жойда қаршилади. Вужудига битмас-туганмас қувват оқиб кираётганини туйган Сайфиддин тонг маҳал сакраб ўрнидан турди-да, цех ёнига бориб, ишга шошиб келаётган Моҳидилни одатига кўра илжайибгина кутиб оларкан, хотиржам бўлишга минг уринса ҳам, барибир туйқус босиб келган ҳаяжон таъсирида хиёл дудуқланиб:

— Са... са-са... — деб қолди. Сўнг амаллаб қиёмат қарзини тугата олди: — Салом. Моҳидил йигитга мазахомуз қараб, афсуслангандай бош чайқаса-да, кўзлари муғомбирона чақнаб кетди:

— Ва... ва-ва... Ваалайкум ассалом. Эсиз, шерикларингизга қаттиқ тайинлаб қўйсам бўларкан.

— Нимани? — ажабланиб сўради йигит.

— Қовоқ бошингизга лом билан уриш керак эди, лом билан. Шунда ё одамга ўхшаб гапиришни ўргандингиз, ё бира тўла соқов бўлардингиз-да, бунчалик қийналиб юрмасдингиз. Оғзингиз тўла шағалдай гўлдираганингиз нимаси?

Ҳа, қиз уни мазах қилмоқда эди. Яна-я? Ҳаёти қил устида турганидан кейин ҳам-а. Сайфиддин тутаб кетди:

— Сиз ўзи... сиз ўзи... одам бўлмас экансиз!

Бунга жавобан қиз ҳозиржавоблик билан:

— Гўеки ўзларининг шундай мартабалари бордай, — деди-да, йигитнинг ёнидан лип этиб ўтди-кетди. Тақамўйлов жаҳл билан муштини тугтанди, бармоқ суяклари қисирлаб кетди.

* * *

Меданбой Ибройимович бежиз чақирмаганди, албатта. Аввалига қурилишнинг инженер-техник ходимлари иштирокида каттагина йиғилиш ўтказилди. Унда Кореяда ўтказилган тақдимот тафсилотларини қисқача гапириб берган бош муҳандис самарали рационализаторлик таклифлари учун ёш мутахассислар Нодир Ризаев, Моҳидил Самиддинова, Бахитбек Жумағалиев, Норбой Қўчқоров, Жаҳонгир Сайловбоевларга раҳбарият номидан миннатдорчилик билдирди, тегишли гувоҳномаларга қўшиб, «Фахрий ёрлиқ» ва пул мукофотларини топширди.

* * *

Байрам байрамга уланиб кетди. Раҳбарият ташаббуси билан тўкин дастурхон ёзилиб, қурувчиларга ош тарқатилди. Кореялик мутахассисларнинг кўпчилиги миллий либосларини кийиб олишибди. Бош муҳандис корейсларнинг олдига Нодирни эргаштириб

бораётганди, қаёқдандир пайдо бўлган Норбой ҳам уларга қўшилиб олди. Тезда бунинг сабаби ҳам аниқ бўлди: миллий либосли технологлар орасида Ли Мие ҳам бор эди. Норбой зипиллаб қизнинг ёнига келди-да, корейсчалаб қулоғига шивирлади:

— Мана энди ҳақиқий Ю Жинг бўлибсиз!

Бунга жавобан қиз жилмайиб, ним таъзим қилиб қўйди. Норбой бу сафар ўзбекчалаб ҳайқириб юборди:

— Эгилишларингдан аканг!

Корейслар бир-бирларига қарашди. Аммо қани энди бу иборани таржима қилиб бўлса!

* * *

Дарвозага яқинлашган Гулнур ичкарида ота-онасининг гўнғир-гўнғир овозларини эшитиб қолиб, тўхтади.

— Мен қизимни бировга мажбурлаб узатмайман, — дерди Мажит оқсоқол. — Кўнгли бўлса майли. Агар кўнгли бўлмаса, Қоруннинг вазнасини кўтариб келсаям йўқ дейман, хотин!

— Вой, отаси, қиз бола қайси бет билан «кўнглим бор», деб айтади. Уялади-да. Ўзи жон деб турган бўлсаям, «ўламан саттор, шунга тегмайман» деб турaveraди. — Бу Ақчагул холанинг мулоим овози эди.

— Барибир, яна бир марта олдидан ўт. Кейин Гулнур мендан домангир бўлиб юрмасин!

Мажит оқсоқол гурс-гурс юрганча ичкарига кириб кетди. Бир фурсат кутиб тургач, Гулнур ҳовлига қадам қўйди. Ақчагул хола қизидан айланиб-ўргилишга тушди:

— Чарчамайгина келдингми?.. Қизим, айтган муддатимиз ўтди. Сукут аломати ризо-да, тўғрими? Энди «ҳа» деб жавоб бераверайми? Есенни яхши таниганингдан кейин учрашувнинг нима кераги бор, тўғрими, қизалоғим?

— Тўғри, ойижон, — уф тортиди Гулнур, — мен Есенни яхши танийман. Кўпчилик уни менга мақтаб

гапирдиям. Балки ростданам яхши одамдир. Лекин, мениям тушунинг, ойижон, менга унинг яхши одам-лигининг ўзи камлик қилади...

— Бас! — қизини жеркиб берди Ақчагул хола. — Мен лафз қилиб қўйганман. Иш битди. Ҳали бир кун келиб ўзинг менга раҳмат дейсан. Отангга «Қизимиз рози», дейман. Гапимга кўнмасанг, оқ қиламан сен ерютгурни! Ўзи шусизам юрагимни адо қилдинг сен қиз...

Ақчагул хола эсанкираб қолган қизига эътибор ҳам бермасдан молхонага шошди.

* * *

Тўрткўлга борган Жаҳонгир қурилишга кўнгли гаш бўлиб, хижил кайфиятда қайтди. Тўрт қаватли уйнинг энг юқорисида, уч хонали квартирада олти жон билан қўшилишиб яшаётган Розиянинг бўлари бўлганди: мой иси ёқмайдиган бошқоронғилик пайти эмасми, асаблари дош беролмай қолган аёл ўзини қаерга уришни билмасди.

— Кетаман, Жаҳонгир ака, кетаман, — дея тунда эрининг кўксига бош қўйиб йиғлади Розия. — Тор жойда гўшт егандан, кенг жойда мушт еган яхши, деб бекорга айтишмаган экан. Бу каталақдай «дом»да на эркин юраман, на ўтириб дам оламан.

Жаҳонгир хотинини кўндиришга уринди:

— Шунинг учун сенга бирга юр деяпман-да.

Йиғлайверганидан кўзлари қизариб кетган Розиянинг баттар аччиғи чиқди:

— Ҳо, қип-қизил саҳрода менга пишириб қўйиб-дими? Ёмғирдан қутулиб, дўлга тутилайинми? Билиб қўйинг, мен қумга жерик бўлганим йўқ.

Жаҳонгир ётиғи билан тушунтиришга уринди:

— Менга янги қурилаётган уйлاردан беришмоқчи. Ёш мутахассис бўлганим учун. Ҳеч бўлмаса бориб бир марта кўриб кел, Розия.

Аёл ҳафсаласиз бош чайқади:

— Э, бир омонат чайла бўлса керак-да.

Жаҳонгир телефонига узалди:

— Расмини кўрсатайми?

— Шарт эмас. Кўрмасам ҳам биламан. Лекин, майли, бирон кун бориб кўриб келаман. Бу ерда сиқилиб ўтирганимдан кўра яхши-да. Фақат сал кейинроқ.

Жаҳонгирнинг хавотирланганича бор: ахир, у ўқиган, эшитган — она кайфияти ҳомилага ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир кўрсатаркан. Розиянинг бунақанги сиқилиб, дунёга сизмай, дод-вой қилиб юриши болага қандай таъсир кўрсатаркан? Ишқилиб, Худонинг ўзи асрасин...

* * *

Нодирнинг бир орзуси бор эди: бўйнига қўнғироқ осилган икки ўркачли туяда кўхна Алан қалъасига зиёратга борса. Ким билан? Ким билан бўларди... Гулнур билан-да. Аммо бунга вақт қайда. У ёқда магистратуранинг алоҳида графигини бажариши керак, бу ёқда қайнаётган иш... Қизиқ, Гулнурнинг қайсидир жиҳатлари Моҳидилга ўхшаб кетади. Дейлик, шўх, гапга уста. Бироқ барибир у бошқача... бошқача... Кўнғилга буюриб бўлмас экан. Ақл ҳадеб «Моҳидилни танла. Ҳамма, ҳатто қизнинг ўзи ҳам шуни кутяпти», дейди. Бу, мантиқан олганда, албатта, тўғри. Бироқ юрак қурғур нуқул бошқа ёққа талпинади.

Бир куни у тиббиёт пункти ёнида «Қайси қўлимни жароҳатласам экан, қайси бармоғимни миҳда тилсам экан?» деб ўйланиб турганди, эшиқдан қизнинг ўзи бўйлаб қолди.

— Келинг, Нодир оға, — деди қиз. Сўнг хавотирланиб сўради: — Тинчликми?

Эсанкираб қолган йигит то бир нимани ўйлаб топгунига қадар йўлақдан шошиб келаётган Бахитбек:

— Салом, Нодир. Қалайсан, Гулнур, — деди-ю, ўтди-кетди. Шундай, оддийгина: «Қалайсан...»

Анграйиб қолган йигит беихтиёр сўради:

- Бахитбек сизни танийдими?
- Албатта-да.
- Қанақасига?

Йигит бу саволни сал ғаши келиб берди. Бахтига қиз буни сезмади шекилли, батафсил жавоб қайтарди:

– Шунақасига. Бир овулданмиз. У кишининг укаси менинг синфдошим. Ҳов анави ўлиб-тирилган бола бор-ку.

– Ҳа, шундай демайсизми...

Бу ғалати ҳол эди: жавобни эшитган Нодир енгил тортди. «Овулдоши экан-ку», деб қўйди ўз-ўзига. Наҳотки, рашк қилаётган бўлса...

– Бу ерга шуни аниқлаштириш учун келганми-дингиз? – кулимсираб сўради қиз.

– Э, йўғ-э. Анави... Эртага Нукуста бораётгандим. Сизнинг шарофатингиз билан Алан қалъасини зиёрат қилдим. Энди, агар вақтингиз бўлса Нукусни бир томоша қилдирсангиз девдим.

– Ҳм-м... – қиз кўзларини юмганча ўйланиб қолди, лабларини чўччайтирганча ўзича нималарни-дир ҳисоблади. – Қалъага эртага боролмайман. Индинга дори опкелишга боришим керак.

– Жудаям яхши, – даров рози бўлди Нодир. – Индинга борсам ҳам бўлаверади. Бир кун ҳеч нима-ни ҳал қилмайди.

– Наҳотки? – ишонқирамай сўради қиз. – Бир хаёлингиз Нукусда-ю, иккинчиси ишда бўлмасин тагин.

– Бундай бўлмайди. Мана кўрасиз!

Таассуфки, Нодир ўша куни ўйлаб ўтирмасдан ваъдани қуюқ қилиб юборган экан. Бошқача айтганда, кўз тегди. Йўқ, бошида ҳаммаси рисоладагидай, ҳаттоки жуда яхши кетаётганди. Улар шаҳарда кўришишди, бирон соатча айланишди, Аччиққўлга ўтиб, қайиқда сузишди. Шу ерда Нодир илтимос қилди:

– Аланда бошлаган воқеанинг охирини айтиб берарсиз энди.

Нургулнинг эсида экан, воқеани келган жойидан давом эттирди:

— Хуллас, сон-саноксиз кўшин билан бостириб келган кўчманчи қабила сардори қараса, суви осмондай тип-тиник кўл бўйида гўзал бир қиз унга кўзада сув тутиб турибди-да. Бир кўришдаёқ қизни севиб қолган сардор уруш-пурушниям унутибди. У шартта тиз чўкибди-да, «Эй гўзал қиз, мен сени севиб қолдим, менга турмушга чиқ!» депти. Ҳа, худди шундай депти. Қаранг, йигирма беш аср нарида рўй берган воқеа-я!

— Кейин нима бўпти?

— Кейинми, кейин иккаласи узоқ ва бахтли ҳаёт кечирди.

Нодир «Худди бизга ўхшаб» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади... Шунинг кутиб тургандай Нодирнинг кўл телефони жиринглади. Рақамга кўз ташлаган йигит қизга узр сўрагандай қаради.

Гулнур қирғоққа ўтирилди:

— Бемалол.

— Эшитаман, Меданбой оға, — шивирлади телефонни қулоғига маҳкам босиб олган Нодир.

У тарафдан бош муҳандиснинг гулдирарган овози эшитилди:

— Табриклайман, болам. Хуллас, сени директор ўринбосари лавозимига ўтказишмоқчи. Тез етиб келмасанг бўлмайди.

Нодир бир оғиз:

— Хўп, — дея олди.

Ўринбосарлик эмиш. Ҳазиллашяптими бу киши?

Нодир телефонни ўчириб, қизга айбдорона термилди.

— Изоҳнинг ҳожати йўқ, — жилмайди Гулнур, — ҳаммаси кўриниб турибди.

— Шу... чақириб қолишди, — ўзини оқлашга уринди йигит.

— На илож, қайтдик бўлмаса.

Нодирнинг иккиланиб туриб қолганини кўрган Гулнур эшкакларни қўлига олди-да, қайиқни қирғоқ томонга бурди.

* * *

Аввал бу гапни Жаҳонгир топиб келди, сўнг ваҳима кўтариб Норбой:

— Кечқурун чақириб чиқаман, чалпак қилиб ташлаймиз у бабникни! Ий-я!..

Ниҳоят, Нодирнинг ўзи кўрди: Моҳидил цех ёнида бир қуюқ мўйловли йигит билан чақчақлашиб турарди. Йигит олисдан бўлса ҳам разм солиб қаради: адашиши мумкин эмас, ёноқлари ол ранг олган қизнинг кўзлари чақнарди. Нодир аниқ билади: қиз бирон марта бўлсин у билан бундай суҳбатлашмаган, унга бундай қарамаган. Демак...

Воқеликни қабул қилиш ғалати ҳиссиёт билан кечди. Қувонсинми, ранжисинми?..

Шак-шубҳасиз, Моҳидил ажойиб қиз. Қизларнинг энг аълоси. Инчунун, муҳими, йигит ҳам унга муносиб бўлиши лозим. Кейинги пайтлари аксарият ҳолларда бирга юришларига қараганда, ораларида нимадир бордай. Моҳидил оқила қиз. Тўғри, ишқ бошқа, ҳавас бошқа эканлигини англаб етишга ақлнинг ўзи камлик қилади, аммо рафторидан, лабларида ўйнай бошлаган табассумдан тахмин қилса бўладики, қиз юрак амрида, бахтиёр. Нодир шопмўйловни орқаворатдан суриштириб кўрди. Тузук болага ўхшайди. Ишқилиб, бахтли бўлишсин.

Кунлар арифметик прогрессияда ўсган сайин ишташвишлар ҳандасавий кўлайтма асосида ўсиб бораётгандай эди. Том маънода бош қашишга вақт етмасди. Шундай кунларнинг бирида Нодирнинг кабинетига ихчам спорт сумкасини олифталик билан елкасига ташлаб олган... Ўткир кириб келди.

Қизгин салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашишлардан кейин Ўткир очиғига кўчди:

— Қисқаси, Кореядан депортация қиворишди. Бир гапга кўнмайдиган аблаҳ полициячи ушлаб олди. Энди Европага сурворсамми деб турибман. Шунгача уч-тўрт ой бекорман. Бирон тузукроқ иш бўлса, эрмак қилиб турсам, ўртоқ.

Нодир чин дилдан қувониб кетди:

— Жудаям яхши-да. Эртага эрталаб кел, кичкина суҳбат ўтказамиз, бўлди.

Таклиф ёқмаган Ўткир ўртоғига олайиб қаради:

— Ҳар қалай, бу имтиҳоннинг менга алоқаси йўқдир?

Нодир иложсизлигини билдиргандай қўлларини ёйди:

— Тартиб-қоида ҳамма учун бир хил, ўртоқ. Ҳеч кимга имтиёз берилмайди... Эсингдами, имтиёз — тараққиётнинг душмани, деган шиор бор эди. Ахир, ўқигансан, бу ишнинг сенга қийин жойи йўқдир.

— Э, ҳозир каллада билим қоптими, дўст, — кулди Ўткир. — Қўй, ундан кўра тузукроқ иш бер менга. Ахир, корейсчани биладан, инглизчаниям.

— Биздаги мутахассисларнинг деярли ҳаммаси бу тилларни билишади.

Ўткир асабийлаша бошлади:

— Мақсадинг... мени ишга олмасликми? Қўнғизга арпа баҳона экан-да, а?

Нодир ўзини хотиржам тутишга уринди:

— Мақсадим — яхши ходим олиш.

— Тушунарли! — тишлари орасидан гапирди қаттиқ ранжиган, лаблари пир-пир уча бошлаган Ўткир. — Суҳбат эмиш! Ёш боладанми мен сенга! Ўтирган жойингни қара-ю, яна осмондан келишингни! Димофингдан эшакқурт ёғади-я! Сичқон сифмас инига, деганлари шу-да. Ҳали мен иш сўрадим-у, сен ноз қилдингми? Ўзимнинг ҳам бу жазирадада қолгим йўқ.

Нодир беихитёр тилининг учуда турган саволни берди:

— Нима, яна бориб чол-кампираларнинг тувагини тозалаб юрасанми?

Ўткир тутақиб кетди:

— Жосуслик қилдингми?

Нодир тан олди:

— Ўшанда, супермаркетда кўришганимизда камзулингда ёзилган фирма номини ўқиб қолгандим. Қўнғироқ қилмаганингдан кейин сайтга кириб, манзилини аниқладим.

— Кейин... кейин орқамдан боргансан, шундайми?

— Ҳа, бордим.

— Тушунарли... Раҳминг кепти-да... Мен бўлсам зиқна хўжайин нега дабдурустдан беш юз доллар мукофот бериб қолди деб ҳайрон бўлиб юрибман...

Нодир унинг гапини бўлди:

— Ўртоқ, мен ҳаммасини биламан. Хотинингдан ажрашганингни ҳам.

— Нима қипти? — овозини баландлатди Ўткир. — Характеримиз тўғри келмади. Бу ерга, балки биринчи муҳаббатимни излаб келгандирман.

— Тушингни сувга айт. Моҳидилга қарчиғайдай бир йигит кўнгил қўйган...

— И-и-и! — деб ҳайқариб юборди Ўткир. — Тен-такмисан? Оғзингдаги ошниям олдирдингми? Ўзиям емас, бировгаям бермас асли ўзинг экансан-да. Эй, агар сен бўлмаганингда, ўшанда Моҳий менга жон-жон деб тегарди...

— Бу ерда менинг шахсий ҳаётимни муҳокама қилётганимиз йўқ, ўртоқ. Уни ўзим бир амалларман. Сен яхшиси каллангни жойига қўй. Ишга кир. Ишон, ўртоқ, пулни ўйлаётган бўлсанг, ўша... ишхонангга нисбатан бу ерда кўпроқ оласан.

Энсаси қотган Ўткир виқор билан ўрнидан турди:

— Афсуски, чаласаводликни битириш курсларига қатнаш ёшидан ўтганман... Лекин билиб қўй, ҳали мени ишга олмаганинг учун кўп афсус чекасан. Осиё

менга тўғри келмади. Европага етиб олсам, Шенген визасини олсам бўлди. Катта бизнес қиламан. Мен ҳали ҳаммангга ўзимнинг кимлигимни кўрсатиб қўяман.

Биринчи ўринда сен афсус қиласан. Бойиб, миллионер бўлиб кетганимда сен билан саломлашиш учун шахсий самолётимда атай келаман мана шу... сахрога. Мана кўрасан!

— Омон бўлсак кўрамиз, ўртоқ.

Ўткир столга мушт урди:

— Бўлди, энди мен сенга ўртоқ эмасман! Моҳийни эса ҳозирнинг ўзида ўзим билан олиб кетаман! Сенинг зулмингдан қутулибдими, демак энди боши очиқ!

У эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқди-да, дарвоза ёнига, автобуслар қаторига келиб турди. Ана, тушликка чиқаётган ходимлар. Ниҳоят, улар орасида шу томонга келаётган Моҳидил билан шопмўйлов Сайфиддин кўринди.

Юраги гупиллаб уриб кетган Ўткир вайриихтиёрый равишда қиз томон талпинди. Моҳидил Ўткирни кўрди, албатта, аммо... аммо унга кўз қирини ташлаб қўйиш билан кифояланиб, бошини хиёл эгганча ёнидаги йигитнинг гапини диққат билан эшитганча ўтди-кетди. Ўткир кузатиб турди: улар автобуслардан бирига ўтиришди.

Автобуслар карвони йўлга тушганини кўрган Ўткир жаҳл билан ерга тупурди, сўнг эскириб қолган «Нексия»сига ўтирди-ю, кетди-борди.

* * *

Қурилишга яқин жойда бунёд этилаётган ишчилар шаҳарчасининг икки кўчасидаги уйлар битган экан, оилали ёш мутахассис сифатида коттежлардан бирини Жаҳонгирга ажратишибди. Сабаб топилганидан хурсанд бўлган Жаҳонгир дарров Розияга қўнғироқ қилиб, бир келиб-кетишга чақирди. «Бу

аҳволда машинада юришим қийин... Йўлда дард тутиб қолса нима қиламан...» қабилдаги баҳоналар билан бироз ўзини тарозига солиб тургач, жувон ахийри кўнди. Бу ҳақиқий шаҳарча эди: текис йўллари, ипга тизилган қатор уйлари, муҳташам маъмурий идоралари, маҳобатли иншоотларию бетин давом этаётган қурилишлари билан.

Йўл четларида анча қад ростлаб қолган кўчатлар сафи, барқ уриб яшнаётган гуллар. Ҳатто қайсидир ташкилот биноси қаршисида кўкка шодон сакраётган, қуёш нурида камалак пайдо этган фавворани кўрган Розия ўз кўзларига ишонмай қолди. Наҳотки? Саҳронинг қоқ киндигида-я?

Жувоннинг кўзига қўғирчоқдай чиройли бўлиб кўринган, энли темир дарвозаси кўнғиртоб уйлاردан бирига киришди.

— Ери олти сотих, иккисида уй, қолгани томорқа, — дея тушунтира бошлади эшикни очаётган Жаҳонгир.

Аmmo Розия эрини эшитадиган аҳволда эмасди. У овироёқлигини ҳам унутгандай чопиб уйга кирди. Янги уйнинг ўзига хос ҳиди бўлади. Жувон эшикдан қадам қўйгандан шуни туйди. Гиламча тўшалган узун йўлак, мебелли кенг-мўл хоналар, ҳайҳотдай ошхона, ванна.

— Қаср-ку бу, — аранг пичирлай олди Розия.

Ҳайратдан кўзлари тиниб кетган жувон сув мурватларини бураб кўрди. Бор. Совуғиям, иссиғиям. Ток бор, газ бор.

Шошиб деразани очди, хонага саррин ҳаво кирди. Розия ҳовлига қаради: кўчатлар ўтқазилган, гуллар экилган.

Жувон кўзларини қайта-қайта юмиб-очди, биланини чимчилаб ҳам кўрди, буларнинг бариси туш эмаслигига иқроп бўлса-да, барибир сўради:

— Шу уй... шу қаср ростдан ҳам бизникими? Алдамаяпсизми, Жаҳонгир ака?

— Бизники, Розия, бизники. Хоҳласанг, ордерни кўрсатишим мумкин. Кейинги келганингча телевизор ҳам олиб қўяман.

Жувон бирдан хушёр тортди:

— Ҳо! «Кейинги келганингча» эмиш. Унгача бу ерда бир ўзингиз маза қилиб яшамоқчисиз-да. «Ҳа» дегани ҳожи йўқ, «бў» дегани бўжи йўқ. Билиб қўйинг, бу қасрдан кетадиган аҳмоқ йўқ. Бўлди, бугундан, йўқ, ҳозирдан бошлаб шу ерда яшайман, та-мом-вассалом!

Жаҳонгир кулиб қўйди:

— Майли, майли.

Ўпкаси тўлиб, кўзлари жикқа ёшга тўлган Розия эрини меҳр билан қучди:

— Бахтимизга омон бўлинг, отаси...

* * *

Шаҳарнинг овлоқроқ чеккасидаги ташландиқ омборнинг бир томонга оғиб қолган дарвозаси ёнига гуруҳдагилар йиғилиб туришган маҳал Эрғабил ичкаридан кенг яғринли бир йигитни бошлаб чиқди.

Эрғабил йигитнинг елкасига қоқиб қўйди:

— Ота-онаси ўтиб кетган, овулидан акаси билан уришиб чиқиб кетган экан. «Энди у уйни елкаминг чуқури кўрсин!» деяпти. «Мени бир амаллаб Россияга юборинглар!» деб ёлворяпти. Келинлар, шу болага бир яхшилик қилайлик. Россияда ошиб-тошиб кетганидан сўнг бир куни келиб, раҳматини айтиб кетар. А, тўғрими?

Йигитча оғзини тўлдириб:

— Албатта, оға, албатта, — деди.

Келишувга кўра Айтақ:

— Бир уриниб кўрамиз, лекин ваъда беролмай-миз, — деди худди зиммасига оғир вазифа олаётгандай.

Яқинлашаётган «Прадо» машинасини кўрган Эрғабил ишора қилганди, йигитча ичкарига қайтиб ки-

риб кетди. Машинадан тушган Есен йигитларнинг саломига алик олди:

— Қалайсанлар, лочинлар!.. Эрғабил, ҳаммаси жойидами?

— Жойида, — деди кўзлари ғалатироқ чақнаб, оғзининг таноби қочиб бораётган Эрғабил.

Есен унга шубҳаланиб тикилди:

— Сен тентак эрталабдан бошлагансан, шекилли?

Эрғабил тан олмади:

— Йўғ-э, оға!

Есен Айтаққа ҳам ишонқирамай қараб қўйди, аммо индамади. Йўл бошида «Дамас» кўринди.

— Шуми? — сўради Есен.

Эрғабил бош ирғади:

— Шу.

— Тузук... Эрғабил, Айтақ, сенам Нуржан, бир соатдан кейин парк ёнида бўлинглар.

Есен машинасида жўнаб кетди. «Дамас» келиб тўхтади. Эрғабил ичкаридан бошлаб чиққан олти йигит «Дамас»га ўтиришди. Эрғабил ҳайдовчининг ёнидан жой олди-да:

— Кетди-ик! — дея хитоб қилди.

Машина йўлга тушди.

— Есен оға бормайдими? — ҳайрон бўлиб сўради Нуржан.

Айтақ «Шуниям билмайсанми» дегандай мазахо-муз илжайди:

— Шеф бунақа пайтлари кўринмас одамга айланади. Лекин узоқдан ҳаммасини кузатиб, назорат қилиб туради. Ҳаммасини!

Нуржан «Прадо» кетган томонга қаради. Дарҳақиқат, чорраҳанинг ўнг тарафидаги улкан дарахт ортидан кимдир уларни кузатиб тургандек эди.

* * *

Есен ўзи тайинлаган пайти истироҳат боғига келиб, йигитларни машинасига олди, рулни катта йўл

томон бурди. Орқадан жой олган Эрғабил билан Айтақнинг нуқул «Лирика» деган таблетка ҳақида бир нималарни шивирлашиб, ҳиринглашишларидан безор бўлган Нуржан машина ўтирғичини ҳавас билан силаб қўяркан:

— Есен оға, — деди эҳтиром билан. — Шунча одамни Қозоғистонга, Россияга ишга юборасиз.

Есен бош чайқади.

— Мен ҳеч кимни, ҳеч қаерга юбормайман. Уларнинг ўзлари, ўз ихтиёрлари билан кетишади. Мен фақат озгина ёрдам бервораман. Нуржан анчадан бери ўзини ўйлантириб келаётган саволини берди:

— Шу ёрдамнингизни овулдагиларга қилсангиз ҳам бўлади-ку. Қаранг, қанча одам иш излаб юрибди.

Есен бир нима демасидан бурун Эрғабил олдинга чўзилиб, орага гап суқди:

— Шуниям билмайсанми, Нуржан? Бўри... бўри ҳеч қачон ўз уяси атрофида ов қилмайди.

Айтақ ҳам қўшилди:

— Ҳиқ... Бўри ўз овулида ов қилмайди.

Есен кулиб юборди:

— Оббо, биз ҳали бўри бўлиб қолдикми? Унда сенлар кимсанлар?

Айтақ ҳи-ҳилади:

— Бизлар кўзичоқлармиз. «Айбинг шуки, учраб қолдинг қорним очганда». Шундай қилиб кўзичоқни еди ўрмонда...»

— Ол-а...

Есен ҳам гапирар, ҳам қаршисидаги кўзгучадан орқани диққат билан кузатиб келарди. Қора «Жип»-нинг изма-из келиши ёқмади шекилли, у чеккароққа ўтиб, тезликни пасайтиради. «Жип» шувиллаб ўтиб кетганидан сўнггина Есен яна катта йўлга чиқиб олди.

— Оға, нега шу пайтгача уйланмагансиз? — дея навбатдаги саволини берди Нуржан.

— Қалъадаги ҳар қандай қиз сизга «жон-жон» деб тегади! — яна орага суқилди Эрғабил.

Мамнунлиқдан Есен рул чамбарагини уриб қўйди:

— Телепатия деган нарса бор-да. Ўзи шу саволни кутиб тургандим. Шу десанг, иним, шаҳарда бир эмас, икки эмас, учта қиз билан танишдим. Уйланиш учун. Ёмон ниятда эмас. Буни қараки, учаласидан ҳам кўнглим қолди. Бириси алдаб кетди, иккинчисига пулим керак экан, учинчиси суюқоёқ экан. Шунга, ўйлай-ўйлай, охири ўзимизнинг овулдан уйланишга қарор қилдим. Хотин қип қўйсам, шу ерда, қасримда ота-онамнинг хизматини қилса, сочини тараб, мени кутиб ўтирса. Қалай?

— Зўр! — қойил қолганини билдиришга ошиқди Нуржан. — Илоё ниятингизга етинг, оға.

— Худо хоҳласа, етаманам! — Бир фурсат тин олиб, нималарнидир мулоҳаза қилган Есен кўтаринки оҳангда давом этди: — Лочинлар! Қарасам, баринг дискотекадан бери келмай, европалашиб кетяпсанлар. Бугун мен сенларга қорақалпоқларнинг қадимий анъанасини кўрсатаман. Хўш, бунга нима дейсанлар?

— Зўр бўларди-да.

— Гап йўқ!

— Биз тайёрмиз, оға...

Шундай гап-сўзлар билан йўл юришди, йўл юрса ҳам мўл юришди ва ниҳоят, «Прадо» Устюрт газ-кимё мажмуаси ёнига келиб тўхтади. Ола-була либос кийган қоровуллар шлагбаум ёнида туришарди. Бу томонига бегона машина киритилмайди.

Есен телефонида рақам терди:

— Ўзингмисан? Ҳа, бу мен. Холамнинг мазаси бўлмай қопти. Юрак... Кириш жойидаман. Тез чиқ!

Есен телефонни ўчириб, ортга ўтирибди:

— Қизиги энди бўлади. Ҳозир биттаси чиқади. Машинага ўтиргандан иккаланг икки томондан чиқиб оласан. Биз уни опкетамиз. Қизнинг ўзи «жон-жон» деб турибди, ҳаммаси келишилган. Лекин расм-русумимиз шунини тақозо этади: қиз қаршилик кўрса-

тади, бақириб-чақиради. Аммо сенлар эътибор берманглар, кар бўлиб ўртада маҳкам ушлаб кетаверинглар. Тўйимда иккалангаям бош-оёқ сарпо қиламан, кейинам қуруқ қўймайман. Сен эса, Нуржан, жим ўтирсанг бўлди. Мабодо керак бўлиб қолса, қизнинг ўзи, ўз ихтиёри билан машинага чиқди деб гувоҳлик берасан. Пастга тушаётган Эрғабил лабини ялаб, кафтларини бир-бирига ишқади:

— Зўр томоша экан!

Ниманидир аниқлаштирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган Нуржан шу ҳолида қотиб қолди: вагонлар томондан сочлари ёйилганча чопиб келаётган оқ халатли Гулнур кўринди.

Ҳамшира ваҳима ичида бақирарди:

— Ойимга нима бўлди? Нима бўлди?

Есен ҳовлиқиб орт ўриндикқа ишора қилди:

— Тез чиқ. Улгуриб қолишимиз керак.

Қиз машинага отилиб чиқди.

Есеннинг ишорасига кўра Эрғабил билан Айтақ деярли юра бошлаган машинага икки томондан сакраб чиқишди. Ўртада қолган, бунга эътибор ҳам бермаган Гулнур қўлидаги телефони тугмачасини босиб, ҳовлиқиб гапирди:

— Нодир ака! Ойим... Овулдан одам кепти... Мен кетяпман...

Есен жаҳл билан Гулнурнинг қўлидаги телефонни юлқиб олиб, очиқ деразадан ташқарига отиб юборди. Карахт аҳволдаги қиз унга кўзларини катта-катта очиб қаради:

— Бу нимаси, Есен ака?

Есен:

— Кейин тушунтираман, Гулнур. Кейин, — деганча газни охиригача босди.

Машина ўкириб олдинга интилди. Гулнур ажабланиб аввал икки тарафида ўтирган икки йигитга қаради, кейин йўлга.

— Есен ака, овулимиз бу тарафда эмас-ку.

Есен иложи борича мулойимлик билан гапиришга уринди:

— Хавотир олма. Ҳаммаси жойида. Олдин бир жойга борамиз, Гулнур. Кейин Ақчагул холанинг олдига... қолганини кейин тушунтираман...

Бироқ кейинчилик бўладиган тушунтиришсиз ҳам қиз ниманидир англагандай бўлди-ю, жон-жаҳди билан Есеннинг елкасига ёпишиб, юлқий бошлади:

— Машинани тўхтатинг! Тўхтатинг... Тўхтат де-япман! Есен тезликни янада оширди. Гулнур икки ёнидаги йигитларни сурмоқчи, эгилиб эшикни очмоқчи бўлди, аммо бу бефойда эди.

— Дод соламан!

Есен радио мурватини буради. Машина овоз кучайтиргичлардан чиқаётган чет эл мусиқасининг даҳшатли шовқинидан, қўшиқчининг биров азоблаб жонини олаётгандай чинқиришидан ларзага келиб, титради. Мана шу қулоқни қоматга келтирадиган дўзах қий-чуви аро Гулнур ногоҳ олдинги ўриндиқда, ташқаридан кўз узмай келаётган синфдошини таниб қолди:

— Нуржан!

Нуржан қиз томонга ўтирилишга мажбур бўлди. Гулнур йиғлаб-ёлворарди:

— Нуржан! Ёрдам бер, Нуржан! Қутқар мени...

Юраги эзилиб кетган Нуржан ҳайдовчига қаради, бақириб гапирди:

— Оға... Ўзи хоҳлаб чиққанга ўхшамаяпти-ку.

Есен уни жеркиб берди:

— Ўч! Бир ками сен эдинг!

Нуржан қичқирди:

— Оға. У менинг синфдошим.

— Бас, дедим! — Есен жаҳл билан рул чамбарагини муштлади, сўнг энгашиб, бардачокдан иккита энли скотч олиб, орқага узатди. — Бўлар иш бўлди. Энди орқага йўл йўқ, лочинлар! Ё остидан, ё устидан!

Скотчларни олган Эрфабил акс-садо каби:

— Ё остидан, ё устидан! — деб такрорлади-да, шеригига имо қилди.

Икковлон жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатаётган Нургулга ташланиб, бирпасда унинг оғзига скотч ёпиштиришди, қўл-оёқларини боғлаб ташлашди.

* * *

Қиз қўнғироқ қилганида Нодир қурилиш шовқин-сурони марказида Бахитбек билан бирга турганди. Гулнурнинг узук-юлуқ гапидан қизнинг онасига нимадир бўлганини, унинг ўзини олиб кетишга машина келганини тушунган йигит чошиб кириш жойига келгунига қадар орадан беш-олти дақиқа ўтиб бўлди. Нодирнинг авзойидан хавотирга тушган Бахитбек анча олисда, унинг ортидан қичаб келарди.

Атрофга аланглаётган Нодирни кўрган қоровуллар қаддиларини ростлашди.

— Ҳамшира қизимиз кўринмадими? — сўради Нодир.

Қоровул йигитлардан бири:

— Ҳамширами? — деб сўради. Тасдиқ ишорасини олгач, ҳуштак чалиб юборди: — Уни опкетишди.

— Овулигами? — аниқлик киритишга уринди Нодир.

Йигит елка қисди:

— Аниқ билмадим. Лекин, менимча, обқочишди-ёв.

Иккинчи қоровул қўшилди:

— Шунга ўхшади. Лекин қизнинг ўзи рози эмасдай кўринди. Яна ким билади дейсиз. Машинасига қараганда, куёв бўйни йўғонлардан. Анов тарафга кетишди.

Ранги қув ўчиб кетган Нодир қоровул кўрсатган томонга қаради. Саҳрони тилиб ўтиб, уфққа туташиб кетган йўл бўм-бўш эди.

— Тинчликми? — деб сўради етиб келган Бахитбек.

— Гулнурни...

Томоғига муштдай бир нима тиқилган Нодир ортиқ гапиролмади. Шаҳарча тарафдан Меданбой Ибройимовичнинг «Нексия» хизмат машинаси келаётганини кўрган Нодир чошиб йўлга чиқди. Ҳайдовчи кескин тормоз берди. Орқа ўриндиқда нимадир ўқиб ўтирган бош инженер қалқиб кетиб, қўлидаги қоғозни тушириб юборди. Нодир машинани айланиб ўтиб, ҳайдовчи тараф эшигини очди.

— Тушиб тур, ука. Сизам тушиб тулинг, Меданбой оға. Илтимос! Меданбой Ибройимович ҳайрон бўлди, аммо илтимосни бажараркан:

— Бу яна нимаси, болам? — деб сўради. — Машинани ўғирламоқчимисан?

Жавоб беришга фурсатини қизғанаётган Нодир ҳайдовчини деярли тортиб пастга олди-да, унинг ўрнига ўтирди. Нариги тарафдан Бахитбек ўзини ичкарига урди. Машина бирдан катта тезликда ўкириб олдинга сакради. Чангга кўмилган бош инженер:

— Буларни жин чалганми? — деб қолаверди.

* * *

Гулнур боғлаб-чандиб ташлангач, сал хотиржам тортди шекилли, Есен қўшиқ овозини сал пасайтирди, аммо тезликни янада оширди. Туйқус сал пастроққа эгилиб, ён томонга қараган Нуржан:

— Милисами? — деди.

Сесканиб кетган Есен шу томонга бир сонияга кўз ташлади, холос. Аммо шу фурсат Нуржан учун калитни ўрнидан суғуриб олишга етарли бўлди. Бирдан мотор овози ўчди-ю, то ажабланган Есен у ёқ-бу ёққа қараб гап нимадалигини тушуниб олгунга қадар бир неча сония йўқотилди. Есен бор кучи билан тормозни босди. Инерцияси билан кетиб бораётган қудратли машина жойида таққа тўхтади. Нуржан эшикни очасола ўзини пастга отди.

— Нуржан! — бўқирди Есен. — Бу нима қилиқ? Чик бу ёққа! Калитни бер.

— Бермайман! — деб қичқирди кўрқувдан қалт-қалт титраётган Нуржан. — Қачон Гулнурни кўйиб юборасиз, кейин!

— Шунақами? Унда ўзингдан кўр, тиррақи!

Есен пастга тушди. Унга эргашган Эрғабил машина ортига ўтиб, оғзига иккита таблетка ташлади-да, уларни шоша-пиша тишлаб, шима бошлади.

— Кўп ўйин қилма, бола! Охирги марта айтгяман, ўлигим шу ерларда қолиб кетмасин десанг, бер калитни! — тишларини фижирлатиб дўқ урди Есен.

— Гулнурни кўйиб юборсангиз...

Есен ёнига келган Эрғабилга ишора қилди. Эрғабил сал энгашиб, чайқалган кўйи Нуржанга яқинлашди-да, тўсатдан кўйнидан каттагина пичоқ чиқариб, даф-даф титраганча ўзини ҳимоя қилишга уринаётган Нуржаннинг сонига тикиб олди.

Нуржан тиззасини букиб қолди, кейин йиқилди. Есен икки ҳатлашда оёғидан тизиллаб қон отилаётган Нуржаннинг бошига келди.

— Нима қип кўйдинг, тентак? Мен калитни тортиб ол дегандим!

Эрғабил ўзини оқлади:

— Сотқиннинг жазоси шу, шеф!

Есен ёмон сўкинди:

— Оналарини... Кетдик, Эрғабил! Лекин билиб кўй, бир нарса бўлса мен сени танимайман, сен мени!

Есен калитни Нуржаннинг чўнтагидан олди, чопиб бориб машинага чиқди. Мотор гувиллаб ўт олди, Эрғабил орт ўриндиққа кўтарилган заҳоти машина шиддат билан учиб кетди.

— Етиб олсак бўлди, бир нарса ўйлаб топамиз... Етиб олсак бўлди, бир нарса ўйлаб топамиз... — дея тинмай гўлдирадди пешанасига совуқ тер тошган Есен.

Ногоҳ Айтақ ортга қаради ва узоқда қорайиб кўринган машинани илғади.

— Оға! Дум! — қичқириб юборди у ваҳимага тушиб.

Кўтарилган чангданоқ кўнглига ёмон гумон келган Есен газни охиригача босди. Мана, ортдаги машина тўхтади. Афтидан, кимдир тушди ҳам, шекилли. Тушунарли, Нуржанни кўриб қолишган. Есен шундан умид қилди: таъқибчилар алаҳсиганидан фойдаланиб қутулиб кетса бўлади. Бўлади...

Аммо бир неча сониядан сўнг ортда яна машина кўзга ташлана бошлади. Текис йўлда «Прадо» тезликдан ютқазаётган эди. Бу кетишда «Нексия»нинг етиб олиши тайин. Есен рулни кескин буриб юборди, машина ўнқир-чўнқирлардан ўтиб, сакраб, тупроққа кўмилган кўйи сахрога тушиб олди-да, ортидан қуюқ чанг кўтарган кўйи учиб кетаверди. Есен ён кўзгудан кўрди: «Нексия» ҳам сахрога ўтиб, «Прадо»нинг йўлини кесиб чиқишга интиларди. Есен машинасини дўнглик-чуқурликка қарамасдан босиб кетарди. Машина ҳар сакраганида бошини томга уриб олаётган Эрғабилнинг кўзлари олайиб кетди:

— Кўзга қаранг, оға! Бир қизни деб ўлиб кетаверамизми?

Айтай эса кўзларини чирт юмиб олганча тинмай калима келтирарди.

Улқандан-улқан сахрода иккита машина ақл бовар қилмас тезликда елиб борарди.

Ниҳоят, «Нексия» «Прадо»нинг йўлини кесиб чиқа бошлади. Есен узоқдан рулга ёпишиб олган йигитни ғира-шира кўриб ҳам қолди. Йўқ, бу Бахитбек эмас. Унда ким? Нега қуваяпти?

«Прадо» ўнқир-чўнқирлардан сакраб, ёнга оғиб ўтаётган маҳал Есеннинг қўллари бир лаҳзага рул чамбарагидан чиқиб кетди ва... қуюқ чанг ичида бир машинанинг бошқа машинага гумбурлаб урилгани эшитилди. Катта йўлдан шу томонга қайрилган иккита машина кўринди. Уларни қоровуллардан нима гаплигини сўраб олгач, ҳар эҳтимолга қарши уч-тўрт киши билан йўлга тушган Меданбой Ибройимович бошқариб келмоқда эди.

* * *

Марказий шифохона травматология бўлими эшиги ёнидаги ўриндиқда Моҳидил корейс дугонаси Ли Мие билан гаплашиб ўтирган маҳал холга пешанасига лейкопластир ёпиштирилган Гулнур ийманибгина, оёқ учида юриб келди. Қизга қизиқиб қараб қўйган Моҳидил сўради:

— Сиз кимга? Гулнур бир-икки оғиз жуфтлагач, иккиланиброқ садо берди:

— Мен... Нодир ака...

Моҳидил аниқлик киритди:

— Ўринбосар Нодир акагами?

Нодирнинг хизмат вазифасини аниқ билмаган қиз эсанкираб қолди:

— Шу... Тошкентдан келган...

— Худди ўзи! — ўрнашиброқ ўтириб олди Моҳидил. — Биздан кейин бўласиз.

Гулнур ҳайрон бўлганча:

— Сизлар ҳам... — деди-ю, жимиб қолди.

Моҳидил ўта жиддий тарзда:

— Мана бу Ю Жингни кўряпсизми? — дея корейс қизни кўрсатди. — Бу Нодир акамнинг биринчи хотини. Мен, Моҳидил, иккинчисиман.

Гулнур адои тамом бўлди:

— А...

Моҳидил ҳужумни кучайтирди:

— А сиз ким бўласиз?

— Мен... шу... ҳамшира... — базўр жавоб қайтарди Гулнур.

Моҳидил намоишкорона тарзда енгил нафас олди:

— Уф-ф... Унда майли, ўтиринг... Хайрият-эй... Туф-туф... Мен бўлсам кўрқиб кетибман Нодир акамнинг учинчи хотини ҳам бормикан деб. Бунга чидай олмасдим, лекин! Марҳамат, ўтиринг, синглим.

Оёқларидан мадор қочган Гулнур гуп этиб ўриндиққа қулади. Уни зимдан кузатиб турган Моҳидил шарақлаб кулиб юборди.

— Бунча содда бўлмасангиз, Гулнур!.. Чўчиманг, сизни танийман. Ахир, кўр эмасман... Сиз кўрқманг. Бу Ли Мие, менинг дугонам. Биз билан ишлайди. Норбой деган курсдошимиз билан ошиқ-маъшук. — У холлга кириб келган шопмўйлов Сайфиддинни кўрсатди: — Бу эса Сайфиддин. Қаранг, қарчиғайдай йигит. Қочиб кетмасин деб қаерга борсам ўзим билан олиб юраман. Икки ойдан кейин тўйимиз бўлади. Албатта, биргаллашиб келасизлар... Танишинг, Сайфиддин ака, бу Гулнур. Ўша маълум ва машҳур Гулнур.

Сайфиддин ранги ўчиб кетган Гулнурга бир қараб:

— Яхшимисиз, — дегач, Моҳидилга бармоғини ўқталиб пўписа қилди: — Яна қаттиқ ҳазил қилиб, бир бечорани юрак ўйноғи қилдингми?

Моҳидил бу мушук дўқига парво ҳам қилмади:

— Ҳечқиси йўқ, ўрганади.

— Сиз, синглим, бу вайсақининг гапларига эътибор берманг, — деди Сайфиддин Гулнурга қараб, узр сўрагандай. — Ўзимам зўрға чидаб юрибман.

— Чидамаям кўринг-чи, — кулди қиз, сўнг эшикка ишора қилди: — Марҳамат, Гулнурхон, сизни бенавбат ўтказиб юборамиз.

Бир кишилиқ палатада бош-манглайи, қўли боғланган ҳолда ётган Нодир аста кўзларини очди. У аввал оппоқ шифтни, кейин нур ёғилиб турган деразани ва шу нур бағрида уялинқираб жилмайиб турган Гулнурни кўрди...

* * *

Тергов узоқ давом этмади. Боши чандиб боғланган Есен, синган қўлини бўйнига боғланган ипга осиб олган Эрғабил, бирон жойи ҳам тирналмаган Айтақларни сўроқ қилиш жараёнида кўп нарсалар аниқланди. Одам ўғирлашга уринишдан ташқари, Есен бошчилигидаги бу гуруҳ ёшларни Қозоғистон, Россияга ноқонуний ишга юбориш билан ҳам шуғул-

ланган экан. Эрғабил билан Айтақнинг ёнидан дори-хоналарда эркин сотиш тақиқланган препаратлар чиққани ҳам ишни оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб хизмат қилди. Ҳар қанча эҳтиёткор, ўзича совуқ сувни ҳам пуфлаб ичадиган «тадбиркор» бўлмасин, бу сафар Есен қутулиб кетолмади.

Тез орада суд бўлди. Уюшган гуруҳ аъзолари турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Судда қўлтиқтаёққа суянган Нуржан ҳам иштирок этди. Айбига чин кўнгилдан иқрорлиги, тергов ишларида кўмаклашгани учун унга бир йил шартли қамоқ жазоси тайинланди. Бахитбек укаси билан астойдил гаплашиб олди. Бўлиб ўтган воқеалардан сўнг кўзи очилган Нуржан ҳозирча қурилишда қоровуллик қилиб турадиган бўлди. Оёғи бутунтай тузалиб олаверсинчи, кейин балки Қўнғирот ё Нукуста ўқишга кирар.

* * *

Тез орада сахро бағрида қисқа муддат ичида бунёд этилган кўркам шаҳарчада байрам устига байрам бўлди. Аввалига Жаҳонгир ўғилли бўлди. Ўша тонг Устюртнинг мудроқ уйқусини чақалоқ «инга»си бузди. Янги муҳташам «Никоҳ уйи» ишга тушган кун эса бир йўла иккита тўй ўтказилди. Бири, сезиб турганингиздай, Нодир билан Гулнурники, иккинчиси эса Норбой билан Ли Миеники. Никоҳ базмида иккала янги оилага ҳам янги уйларнинг калитлари топширилди.

Энди бир сирни айтай: қурилишдаги ёшлар ҳақида ҳужжатли фильм олиш гуруҳида мен ҳам бор эдим, шу сабаб бу базмда қатнашдим, мўйловимни ҳўллаб қимрон ичдим. Аввал Ойдўст бобо билан гулистонга айланаётган саҳронинг бутуни, кейин Карим ака билан ўтмиши ҳақида роса гурунглашдик. Келажаги хусусида суҳбатлашишга директор ўринбосари Нодир Ризаев хўп муносиб эди, бироқ шундай кунда куёв йигитни безовта қилгим келмади.

Фурсат топиб, шаҳарчага онаси, укаси билан кўчиб келган Бахитбекдан қачон уйланишини сўрадим. У аниқ жавоб бермади, «Насиб қилиб қолар» деган умумий гап билан қутулди. Шу саволни Сайфиддингаям бергандим, ёнида турган Моҳидил шартта бўлғуси умр йўлдошининг ўрнига жавоб қайтарди: «Ўн беш кун қолди, шу юришингиз бўлса бизнинг тўйдаям иштирок этасиз ҳали». Базм якунида ҳаммамиз Ойдўст бобонинг дуосига қўшилдик:

— Илоё, ёшлар бахтли-саодатли, баланд иқболли бўлишсин. Шу юртни обод қилишяптими, турмушлариям обод, фаровон, дастурхонлари тўкин-сочин, қут-баракали бўлсин. Топганлари, ҳалол ризқлари яхши кунларига, бола-чақаларига буюрсин...

(2017 йил)



МИХ

I

Ўзбековулик Беркин носфурушнинг тўнғичи то «Элмурод домла» бўлиб танилгунига қадар кўп қийинчиликларни бошдан ўтказди. Болапақир вилоят марказидаги ўзи тугаллаган институтда иш бошлаганида, кўпи билан тўрт йилда номзодлигимни ҳимоя қилиб оламан, деб мўлжаллаганди. Бироқ бу муддат нақ тўққиз йилга чўзилиб кетди, орада Элмурод пойтахтдаги университет аспирантурасида таҳсил олиб ҳам қайтди. Бундан ташқари, иш энди битай деган палла аввал отасидан, сўнг онасидан айрилиб қолди. Бу ёқда уч сингил унга мўлтираб қараб турибди; тўғри, ота-она ҳаётлигида каттаси турмушга чиққан, аммо, уч қовун пишиғи бўлиб қолди, умуртқа поғонасидаги чуррани муваффақиятсизроқ олдирган почча тўшакда михланиб ётибди, инчунун, жигарга кўмаклашиб турмаса бўлмайди.

Икки сингилни эл қатори тўй қилиб узатган, ном-зодлигини ёқлаган, ахийри овулда «домла» деб атала бошланган Элмурод бир куни зингил солиб қараб кўрдик, отадан мерос, бундан камида олтмиш йил бурун ҳашар йўли билан қурилган гувала уй анча чўкиб қолибди; гарчанд томига шифер қоқилган бўлса-да, қурт еб адо қилганми нима бало, ора-сира юпқа фанер ортидаги болорлар ваҳимали тарзда қисирлаб кўяди. Бу кетишда бир кун том «тап» этиб босиб қолиши ҳеч гап эмас. Буям камдай, пастакки-на чордоққа ярим қоп буғдой олиб чиққан, эмаклаб бораётган Элмуроднинг қўллари орасидан йўфонлиги билакдай келадиган бир ола-чипор илон шувиллаб ўтди-кетди; ваҳимага тушган хотинининг йиғлаб-сиқ-даб айтишига қараганда, бешикка ўрмалаб чиқаётган бош бармоқдай катталиқдаги сариқ чаённи кўриб қолган-у, жон-жаҳди билан калишида урган, аммо жондор ўлмаган, бир юмалаб, ўзига келиб олгач, кигизнинг тагига кирган-кетган. Шундан буён даф-даф қалтирайдиган бўлиб қолган жувон кун-тун зах хо-надаги икки юзлик чироқни ўчирмасдан, бешикни кучоқлаганча, кўзларини катта-катта очган кўйи тин-май атрофга аланглаб ўтиради...

Эҳтимол, бу галги режа ҳам ўзга минг бир таш-вишлар билан банд бошда бир муддат изғиб юргач, номаълум вақтга унутилиб кетиларди, аммо бошбар-моқдай сариқ чаён кўринишидаги сўнгги дастак дом-ланинг қатъий қарор қабул қилишига сабаб бўлди. Хуллас, май ойининг охирларида, таътил маҳалини мўлжаллаб уй бузилди. Эски стол-стуллар ҳовли ўрта-сидаги дарахт тагига кўчирилди, тахтага қора бўёқ суртиб тайёрланган доска дарахтга қоқилди, ишқи-либ, домла уйида дарс ўтадиган болалар учун очиқ ҳавода қўлбола синф тайёр бўлди-қолди. Шундан сўнг Элмурод анчадан буён кўнглининг тубида асраб юр-ган орзусини амалга ошириб, шаҳар бозорида қачон кўзи тушса юрагини бир жизиллатиб кўядиган зан-

гор ранг дарвозани сотиб олиб келди. Дарвозамисан дарвоза эди-да ўзиям. Икки қаватли, кўча томонга қараган сиртида кўрган кўзнинг ақлини шоширадиган алламбало нақшлар, мўъжаз тутқичлари тилла ранг, қўш табақали, ўлчамиям тўрт яримга-тўрт ярим, демак, «КамАЗ»дан тортиб, хашак босилган тележкачага бемалол ўтиб кетаверади. Қуёшда товланишини-ку, айтмаса ҳам бўлади: тилла бўлмасаям, кумуш дейсиз, кумуш... Тўғри, элчилик, бир-икки қўни-қўшни, ҳамқишлоқлар атай домлага эшиттириб эшак олмасидан бурун ҳовлисига қозиқ қоққан Афанди хусусида қочиримли пайровлар қилишди, аммо Элмурод бунақанги висир-висир гап-сўзларга парво ҳам қилмади; аксинча, «қўролмасанг куйиб ўл» дегандай, ҳозирча ҳовли адоғидаги молхона деворига суяб қўйилган маҳобатли дарвозани тонг саҳардан меҳр билан артиб-суртаверди...

Эрталабдан ҳовлига қадам ранжида қилган Қариндош домлани мана шу машғулот устида учратди.

Биродарлар, мен ҳам шу овулнинг фарзандиман, шу элга мансубман. Қишлоқни эса биласиз, ҳамма баайни ажриқ томирларидай бир-бирлари билан қўшилиб-чирмашиб, хеш-уруғ бўлиб кетган. Инчунун, тилга олинаётган Қариндошнинг ҳам бизга она томондан андаккина яқинлиги борлиги сабабли исмини қоғозга туширишдан истиҳола қилиб турибмиз: то эрта-бир кун юрт олдида «Сенми ҳали мени ёзадиган? Мўлтонидан одам чиқса, чодирига ўт қўяркан-да, а!» дея жовиллаб ёқамизга ёпишиб турса, бунинг хижолати ёмон кечади; илло, овулдошларимиз ҳодисотга довур нима бўлганлигини эмас, ҳодисотнинг ўзини узоқ йиллар сақич қилиб чайнаб юришади, дейлик, орадан чорак аср ўтиб қишлоққа борсам ҳам, биринчи учраган киши «Ҳа, бу сенми, танидим, жондай яқининг фалончини китоб қилган ёзғувчисан-да!» дея иддао қилиши аниқ. Шу боис, ҳар галгидек, гап шаклдами, моҳиятда-ку, дея ўзи-

мизни ўзимиз чалғитамиз-у, воқеа тафсилотига ўта-миз. Ўзи асли қизиқ одам эди-да бу Қариндош деганлари. Ўнинчи синфни якунлаш арафасида бирдан мактабни олтин медаль билан тугаллаши кутилаётган синфдоши билан яқин жўра бўлгиси келиб қолдику. Шу мақсадда, қавм-қариндошларининг «ҳай-ҳай»ига ҳам қарамасдан, ота-онасини кўндирди ва ҳеч нарсадан беҳабар синфдошини кўноққа чақириб, оёғи тагига бир кўчқорни олиб урди, сўнг, бу билан ҳам кифояланмасдан, удумга кўра, тўкин дастурхон устида хижолатдан қип-қизариб ўтирган, томоғидан овқат ўтмаётган синфдошига сарпо қўйди — костюм-шим кийгазди. Шу билан улар жўра бўлишди.

Тўғри, яна ўша урф-одатимизга кўра, Жўра ҳам Қариндошни чақириб, зиёфат қилиши, сўнг кийимлик қайтариши — костюм-шим, ҳеч бўлмаганда чопон ҳадя қилиши лозим эди. Аммо бу орада мактаб тугаб, ўқишга кириш илинжидаги битирувчилар ҳар томонга учиб кетишди-ю, шу билан «қайтар товоқ» Жўранинг бўйнида қарз бўлиб қолаверди.

Кутилганидек, Жўра пойтахти азимдаги катта ўқишга ўз кучи билан кирди-кетди. Қариндош эса «сайқали рўйи замин аст»даги институтнинг биринчи имтиҳониданоқ гушпа қулади.

Уч-тўрт ҳафта «Ҳақиқат йўқ экан! Бўлмаса ҳамма саволларга юз процент жавоб бергандим! Мандатдан қайтаришди! Саводи «нол»ларни олишди. Ёзаман!» деб юрган Қариндош, охир-оқибат тақдирга тан берди шекилли, залворли кетмонини елкага ташлади-ю, далага йўл олди. Шу билан ҳаммаси изига тушиб кетгандек, Жўранинг бўйнидаги қарз қиёматга қадар унутилгандек эди. Бунинг устига, ўқишда маҳаллари ора-сира қишлоққа келиб турадиган Жўра жондай жўраси Қариндошдан хабар олавермасди, ҳатто қайдадир амалиётдалиги боис унинг тўйида ҳам қатнашолмади. Бироқ тез орада Қариндошнинг арқонни жуда-жуда узун ташлаб қўйгани, дейлик, қичийди-

ган жойини олдиндан қашлаб қўйгани, йиқиладиган жойига эса гилам тўшаб қўйгани аён бўлди...

Университетни «қизил диплом» билан тугаллаган Жўра пойтахтда қолди ва аста-секинлик билан бўлса ҳам, амал пиллапояларидан юқорига кўтарилаверди. Табиийки, бунга мутаносиб равишда овулда Жўранинг уйида тутун чиқса ҳам етиб боришга ҳозир нозир қариндош-уруғлари сони орта борди. Дам шу дамдир... Шундоқ фурсат келишини сабр билан кутган Қариндош ҳам мийиғида илжайган кўйи ҳаркатни бошлади... Шоир «Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин», дейди. Келинг, журъат этиб, шу ҳикматга озгина қўшимча қилайлик: «Ҳаргиз ҳузурингга илтимосчилар саф-саф бўлиб келишига кунинг қолмасин. Айниқса, имкониятларинг чекланганини ўзинг билиб турганингда...» Илло, мен ўша, илтимосчилар гуррос-гуррос келаётган талотўп кунлари алам-изтиробдан юзи қорайиб кетган, наинки уйига, ишхонасига боришдан ҳам юраги безиллаб қолган, ўзига қуюқ салом берган ҳар бандага ҳадиксираб қарайдиган шўрлик Жўрани кўргандим...

Қариндош «қондош жўрам-жондош жўрам»лаб Жўрани соғиб ичди ҳисоб... Қариндош ўғлига суннат тўйи қилганда Жўра тўй эгасига, унинг хотинига, тўй болага бошдан-оёқ алламбало сарполар қилиб келди, лекин бу билан қутулмади. Мана шу бола коллежни битирганида ўқишга киришига кўмаклашди, бироқ бу билан ҳам бўйнидаги қарз арқонидан халос бўлмади. Охири, бир амаллаб институтни битирган шу боланинг божхонага ишга жойлашишига ҳам қўлидан келган ёрдамини аямади. Аммо синов муддатида бўлган ёш мутахассис босар-тусарини билмай қолганми, ишқилиб, орадан уч ой ўтар-ўтмас пора олаётган маҳал қўлга тушганида Қариндош минг тавалло қилиб, ялиниб-ёлвориб келмасин, Жўра ишни «бости-бости» қилишга мутлақо аралашмади... «Топармон-тутармон боламнинг даврида кетмон кўтариб юрсам

ярашмас», деган мулоҳазалар ила алақачон даладан бўшаб олган, катта-катта ейишга ўрганиб қолган Қариндошнинг Жўрадан ҳафсаласи пир бўлди, аммо буни эл-юртга сездирмади.

Етти йилга ҳукм қилинган ўғил уч йилда амнистияга илиниб қайтиб келди. Шу билан у тинчгина яшаса бўларди. Йўқ, отасининг қондош-жондош Жўраси кўмагида йигитларни Кореяга кафолатли ишга жўнатиш қўлидан келишини бир-икки жойда шип-шиб қўйган экан, «кўк»идан кўтарган хоҳловчилар узун-қисқа бўлиб Қариндошнинг уйига кириб келаверишди. Орадан бир йил ўтди-ўтмади, фирибгар ўғил бўйнида олтмиш минг доллар қарзи билан қамалдикетди. Пулига куйиб қолганлар Қариндошнинг уйининг турумани бузишди.

Зўрдан зўр келса, зўр думини қисади. Қариндош ҳам «Бор, кучала еган жойингга бориб тириш!.. Менга бир сўм бериб қўйганмисан?.. Мен ҳеч нарсани билмайман!..» ва ҳаттоки «Қайси замонда ота ўғил учун жавоб берган?» қабилидаги далил-дастакларни қалаштириб ташлашга, бақир-чақир қилиб турганлардан ҳам кўра қаттиқроқ бўкиришга уриниб кўрди; аммо кўпчилик барибир кўпчилик-да, бунинг устига, мол аччиғи — жон аччиғи: бунақа маҳал қўл ўз-ўзидан кетмондастага бориб қолаверади... У ёқда Жўра ҳам номардлик қилди: бош эгиб келган Қариндошга уйда борини кириб-қиртишлаб, бор-йўғи тўрт минг беш юз элик беш доллар чиқариб берди. Айниқса, охириги беш доллар Қариндошнинг роса асабини ўйнатди: паст-да, паст; шуям пулми? Шуниям уялмай тутқазди-я! Нима, у садақа сўраб келган гадомидики?! Яна жўрамиш... Бироқ нима ҳам қила оларди? Пасткаш Жўранинг даста-даста долларлари турадиган сейфнинг калитини ёнидаидики... Охир-оқибат, Қариндош уйини сотишга ва оиласи билан қишлоққа туташиб кетган дала шийпонига кўчиб ўтишга мажбур бўлди.

Адашган ўфил-ку, яна авфи умумийга илиниб, қайтиб келди; пулига куйиб қолганлар инсоф қилишди — қайтиб уни безовта этишмади: ахир, ранг кўр — ҳол сўр... Фақат Қариндошнинг аламзадалиги тарқамади. Устига-устак, бир эмас, икки эмас, тўрт марта бориб ҳам Жўрадан белга туғиб қайтарли далда ололмади, аксинча, бир-икки оғиз нордонроқ гап эшитди. Қайси жин урган, тушуниш қийин, лекин Жўранинг тўнини тескари кийиб олгани равшан эди: нима сўраса, нуқул «иложим йўқ», дейди, қайсар эшақдай оёғини тираб туриб олади. «Ўфилни ҳеч бўлмаса газзаправкага жойлаштириб бер», деганди, ўзини эшитмаганга солди, Қариндош унинг отасини уриб ўлдириб келгандай экрани бир ярим қулочлик «ойнаи жаҳон»дан кўз узмаган кўйи без бўлиб ўтираверди... Э, садқаи одам кет... Албатта, Қариндош қишлоққа, эл кўзига димоғи чоғ ҳолда қайтди ва атай овулнинг уч-тўрт хабарчисига эшиттириб айтдики: «Бизнинг кўчадаям байрам бўлиб қолади... Жўрам ваъда берди, ҳеч ўйланманг, ўзингизниям, ўғлингизниям шахсан ўзим бориб, ёғлироқ ишга жойлаб келаман, деди...»

Шунгаям бирон беш йил бўлиб қолди-ёв. На ёғли ишдан дарак бор, на ёғсизидан. Ота бекор, йўл қарайвериб ранги синиққан ўфил бекор. Яна бош эгиб, бирон фермерга кетмончи бўлиб боришга Қариндошнинг бўйни ёр бермади. Яхшиям уй бекаси қишлоқ марказидаги шифохонада ҳамшира бўлиб ишларди: топган уч-тўрт сўми рўзғорни амаллаб тебратиб туришга етарди. Бу йиллар ичида... Қариндош ёзишнинг роса ҳадисини олди. Шаҳарга боришга йўл пули топилмай қолгач, ёрдам сўраб аввал жондош-қондош Жўрасига ёзди, ундан жавоб келмагач, тузукроқ ишга жойлаштириб қўйишларини илтимос қилиб ҳокимиятга ёзди, прокурорга ёзди, судга ёзди, ижтимоий таъминот бўлимини ҳам эсдан чиқармади. Бироқ расмий идоралардан бир хил жавоб келаверди: «Бу ма-

салада фалон ташкилотга мурожаат қилишингизни сўраймиз». Ўша ташкилот, яъни бандликка кўмаклашувчи идора аризагўйни рўйхатга олиб, олти ойга яқин нафақа бериб турди, бу вақт ичида уч-тўрт жойга йўлланма тутқазди, бироқ Қариндошга бу ишларнинг биронтаси ёқмади: бергани носвой пулига етмайди-ю... Оқибатда идора пул тўлаб туришни бас қилди, Қариндош эса «Мана сенга!» дегандай «ёза-ёз»ни авж олди. Айниқса, бу борада унга хотини ишлайдиган шифохонадаги компьютер жуда қўл келди: бу сизга катак қоғозда ручка тиқирлатиб ўтириш эмас, принтердан бири-иккинчисидан силлиқ, чиройли матнлар кўзингизни қувнатиб чиқиб келаверардики — Қариндошнинг ўзи ҳам бу манзарани ёш боладай қувониб-ҳаяжонланиб, юраги «дурс-дурс» урган ҳолда, кафтларини бир-бирига ишқаган кўйи кузатиб ўтирарди, — уларга кўзингиз тушса бас, шу заҳоти шикоятчининг барча муаммосини ҳал қилиб ташласам дердингиз...

Қариндош аста-секин аризабозлик сарҳадини кенгайтди. Энди фақат шахсий дардларгина эмас, овулда содир бўлаётган катта-кичик воқеа-ҳодисотлар, миш-мишлар, турли талқинлару ажабтовур хулосалар ҳам Қариндошни компьютер клавиатураси томон етаклайдиган бўлди. Алал-оқибат, бир неча марта калитни бердиртирмаган бош шифокор устидан «Беморлардан пора олади... касалхонани еб ётибди... мендай бечора ишсизданам қўрқмай пул сўради...» қабилида ёза-ёза охири уни қонига ташна қилган аризагўй худди юмушга келгандай, роппа-роса соат тўққизда компьютер сақланадиган хона эшиги ёнида тик турадиган ва ғалаба товони ундираётган музаффар томон янглиғ масрурлик билан навбатчидан калитни оладиган бўлди... Икки йилча бўлиб қолди-ёв, овулнинг ўзларига тўқ фермерлари камхаржроқ оилаларга соғин сигир бериш ташаббуси билан чиқишди. Олим ферма яқин ҳешим, тус тоғам дея ҳеч ким йўғида

Қариндошнинг шийпонига атаганини ташлаб кетибди: савоб пинҳона қилинади-да.

Шифохонадаги кундалик «юмуши»дан қайтган Қариндош кўчиб келганларидан буён бўм-бўш ётган бостирма тагидаги болали сигирни кўради-ю... Хуллас, Қариндош ҳадяни олдига солиб ҳайдаб тўғри Олим ферманинг уйига боради, «Берсанг тузукроғидан, семизроғидан бер-да, жиян, бунинг ориқ-ку, қара, умуртқаси саналиб ётибди, эртага йиқилиб қолади-ку», деб тўполон қилади. Фермернинг ҳозир кўклам пайти эканлиги, шунга яраша ҳамма сигирларнинг ҳам ориқлаганлиги, буям оғзи кўкка етса бас, тўппосдай семириб кетиши ҳақидаги изоҳлари ўжар тоғага асло таъсир қилмайди. Қариндош: «Мен тоғаман, етти пирдан азизман, шунга яраша сағрини ялтираб турганидан берсанг ўласанми?» деб туриб олади. Асли сиркаси сув кўтармайдиган, жаҳли бурнининг учида турадиганлар тоифасидан бўлган фермер жиян қаттиқ асабийлашади, вужуди дир-дир титрай бошлайди. Сўнг, айтишларича, бир эмас, икки марта «Олмай-сизми, тоға?» деб сўраган. Қариндош бунга жавобан: «Буни ўзинг пишириб е, жиян. Мен олсам ферманга кириб, ўзим танлаб оламан», деган. Дарвоқе, Голландияданми, қайдандир элик бош зотдор сигир олиб келиб, уни алоҳида жойда парвариш қилаётган Олим фермер, фермасига тоғаси у ёқда турсин, хотинини ҳам киритмасди. Шунгами, тоғанинг бу талаби сабр косасига томган сўнгги томчи бўлади-ю, портлаб кетган фермер «Олмасанг олма! Сенга бергандан кўра балиқларга ем қиламан буларни!» дея болали сигирни катта канал бўйига судраб чиқади ва иккаласини ҳам шиддат билан оқаётган бўтана сувга отиб юборади...

Ориқ бўлсаям, сигирдан, демакки сут-қатикдан куруқ қолган тоға алам устида саркаш жияни устидан эринмай ёзди, қайта-қайта ёзди, фойда бўлмади. Келган комиссияларга Олим фермер: «Мулк меники!

Агар финг десаларинг, қолган сигирларниям каналга отиб юбораман! Сизларга шу керакми?» дея ўшшайиб тураверган. Қариндош ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамиятидан анча умидвор бўлиб турганди, бироқ бу муассасага йўлланган шикоятлар сувга чўккан она-бола сигир мисоли изсиз йўқолди...

II

Хуллас, эрталабдан ҳовлига қадам ранжида қилган Қариндош Элмурод домлани ҳовли адоғидаги молхона деворига суяб қўйилган маҳобатли дарвозани меҳр билан артиб-суртаётган ҳолида учратди.

Одатдаги салом-алик, қисқача ҳол-аҳвол сўрашишлар, уйга (тўғрироғи, ҳовли чеккасидаги чорпояга) таклиф қилишу, буни миннатдорчилик ила рад этишлардан сўнг Қариндош чор-атрофга бир муддат диққат билан, айтиш мумкинки, танқидий кўз ташлаб чиққач, дабдурустан:

— Домла, энди устингиздан ёзмасам бўлмайди, — деб қолди.

Элмурод домла аввалига ажабланди, сўнг «Нотўғри эшитмадиммикан?» деган ўйда чақирилмаган меҳмоннинг жиддий юзига тикилди. Йўқ, қўноқ ҳазиллашаётганга ўхшамасди. Бу тахминни тасдиқлагандай, Қариндош ишонч билан такрорлади:

— Домла, энди устингиздан ёзмасам бўлмайди.

Элмурод домла ўзини мажбурлаб жилмайди:

— Ёзишга арзийдиган нима гуноҳ қилибмиз?

Қариндош ҳовлига ишора қилди:

— Отангиз бир носкаш эди. Энди шундай одамнинг боласи қандай қилиб ҳовлини бузиб, ўрнига қаср солади, а? Домла хотиржам гапиришга уринди:

— Қаср эмас, тўрт хонали оддийгина уй, ака.

Қариндош бўш келмади, энди дарвозага ишора қилди:

— Бизам сув кўрмасдан этик ечмайдиганларданмиз. Оддий уйнинг дарвозаси бунақа бўлмайди, ука.

Домла сал асабийлашди:

— Қанақа бўлади?

Қариндош саволга жавоб бермади, бунинг ўрнига чўнтагидан ён дафтарча ва ручка олди, ниманидир ёзишга ҳозирланди.

— Хўш, ойлигингиз қанча, ука?

— Нима эди? — хўмрайиб сўради Элмурод.

— Айтаверинг. Мен оддийгина уй қуриш учун ҳам неча йиллаб емай-ичмай, бир сўминиям сарфламай йиғишингиз кераклигини бирпасда ҳисоблаб ташлайман. Сиз бўлса, икки йил бурун синглингизни чиқардингиз, энди бўлса қаср қураяпсиз...

— Қаср эмас, оддий уй...

— Барибир. Ҳозирги замонда уй қуришнинг ўзи бўладими? Демак, бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, сиз ноқонуний даромад топаяпсиз. Катта даромад... Элмурод домла анграйиб қолди:

— Қанақасига?

Қариндош ўпкасани тўлдириб нафас олди, пишиллаб нафас чиқарди:

— Шунақасига. Институтда студентлардан пора, ўқишга киритишга яна пора...

Домланинг жаҳли чиқди:

— Оғзингизга қараб гапиринг, ака!

Қариндош домлага тик қаради:

— Оғзимга қарасам-қарамасам бор гап шу, ука.

— Тухмат қилманг!

Қариндош ҳовли ўртасидаги дарахт тагида турган эски стол-стулларга, дарахтга қоқилган доскага ишора қилди:

— Балки ҳали репетиторлик қилаётганингиздан ҳам тонарсиз. Агар тонмасангиз, марҳамат қилиб лицензиянгизни кўрсатсангиз. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга кўра, буни сиздан талаб қилишга менинг ҳаққим бор. Сиз эса лицензияни кўрсатишга мажбурсиз.

Элмурод домла анграйиб қолди. Зеро, тўрт-беш йил бўлиб қолди, чиндан ҳам март-июнь ойларида қишлоқ болаларини ўқитади, аммо шу пайтгача бирон марта бирон киши ундан лицензия сўрамаган.

Домланинг қандай аҳволга тушганини кўрган Қариндош қониқиш билан, мамнун илжайди:

— Шунақа, Беркин акамнинг боласи, шунақа. Демак, ноқонуний фаолият олиб борганингизни ўзингиз ҳам тан оласиз, шундайми? Шундай деб ёзаверайми?

Домла илон сеҳрига тушган одамдай Қариндошнинг ён дафтар саҳифаси устида йўрғалаётган қўлига анграйиб қараб қолди.

— Ёзаверайми? Қўл қўйиб берасизми?

Ниҳоят, Элмурод домла бир сесканиб ўзига келди:

— Қанақа қўл, ака? Қанақа даромадни гапиряпсиз?

Қариндош кўп нарсани биладиган одамдай уй эгасига маънодор қаради:

— Яширяпсиз-да, а? Мендан-ку, яширарсиз, лекин келган одамлар бор ҳақиқатни ичингиздан суғуриб олмай қўймайди, ука. Ҳа...

Домла очиқ ҳаводаги қўлбола синфга ишора қилди:

— Ака, ростданам ўн битта болани ўқитаман. Бештаси яқин қариндошларимнинг болалари, улардан бир тийин олмайманам, ололмайманам.

Дафтарчасига ниманидир ёзишда давом этаётган Қариндош истеҳзоли илжайиб қўйди, холос. Элмурод домла изоҳ беришда давом этди:

— Қолган олтитаси ҳам бегона эмас. Биттаси Маннон фермернинг қизи. У киши қизимни ўқитиб бер, йил яхши келса уч қоп ғалла бераман деган. Яна биттаси Қурол дўхтирнинг боласи. Вақт-бемаҳал дўхтирга ишимиз тушиб туради, шунинг учун у кишиданам пул олмайман. Яна иккитасининг отаси «Боламиз ўқишга кирса бир нарса ташлаб кетармиз», деган. Шунда пулга ўқийдиган иккитаси қолади, холос. Уларам... Ёзишни тугатган Қариндош ён дафтарчани ёпди:

— Ҳар қалай, бутун бошли қасрни иккита болани ўқитганим эвазига қуряпман деб мени лақиллатмас-сиз, ука? Алдагани бола яхши-я?

Элмурод домланинг бурун катаклари керилди:

— Ака. Мен сизга изоҳ беришга мажбур эмасман. Боринг, кўринг, керак бўлса текширинг, институтда бир ярим ставка ишлайман... Қариндош ҳи-ҳилаб кудди:

— Икки йилдан бери қабул комиссиясининг аъзо-сисиз...

Домланинг юзига олов тепди, шунгами, тишлари фижирлаб кетиб, асабийлашаётганини сездириб қўйди:

— Ҳозир тест, ака, тест...

— Биламиз, биламиз, бунинг ҳам йўлини топиб қўйгансанлар... Тестдан жарақ-жарақ пул ишламасан-гиз, бунақанги қасрни тушингиздаям кўрмасдингиз?

Элмурод гувала, эски-туски қурилиш материал-лари сочилиб ётган ҳовлига ишора қилди:

— Қани сиз айтган қаср?

Қариндош пинагини бузмади:

— Бутун бўлмаса эртага қурилади-да, ука. Ҳаром пулнинг сассифига ухлай олмай чиқадиған бойваччалар учун битта қаср нима деган гап? Шаҳарданам уч-тўртта-сини олиб қўйгандирсиз? Бировларнинг номига, а?

Бўғриқиб кетган домланинг қўллари мушт бўлиб тугилди:

— Мақсад нима, ака?

— Мақсад — сизни фош қилиш.

— Менинг нимамни фош қиласиз?

— Сизда гап кўп, ука, гап кўп. Сезиб турибман, юришларингиз бежо...

— Ҳақорат қилманг-да, ака, бориб, бемалол хоҳ-лаган жойингизда хоҳлаганча фош қилаверинг.

— Бўпти. Аввал институтингизга бораман. Ректо-рингизга учрашаман. Ўнта студентни олиб келиб, мажбурлаб ишлатганингизни айтаман. Гувоҳларим бор. Суратгаям олиб қўйганман.

Элмурод домла инграб юборди:

— Ахир... ахир, улар ҳашарга келишди-ку. Уйни бузгани...

— Ҳашарга эмиш? Одамнинг кулгисини қистатманг, ука. Келмай ҳам кўришсин-чи. Институтдан ҳайдаттириб юборардингиз. Ундан кейин, иш маҳали биронтасини том босиб қолса нима қилардингиз?

— Бу нима деганингиз, ака?

— Сиз ана ўшандаям сувдан қуруқ чиқиб кетардингиз, булар ўз ихтиёрлари билан келишган, деб. Лекин билиб қўйинг, энди бундай бўлмайди. Мен бунга йўл қўймайман! Кейин ректор жаноблари ҳам билиб қўйсин унинг ойликка яшайдиган ўқитувчилари қандай қасрлар қураётганини!

Чарчаб кетган Элмурод домла оғир уф тортди ва без бўлиб турган қўноққа ҳорғин тикилди:

— Бўлдими, ака?

— Йўқ, бўлмади. Ректорингиз олдидан чиқиб, налоговийга бораман. Неча йиллардан бери лицензия олмай, репетиторлик қилиб келаётганингизни айтман. Ҳеч бўлмаса шуни тан оларсиз?

— Бўлдими?

— Йўқ. Биласиз, ҳеч бўлмаса эшитган чиқарсиз, Тошкентда, катта идорада менинг жон Жўрам ишлайди. Унга бир оғиз телефон қилиб қўйсам бўлди, сизнинг авра-астарингизни афдариб текширишади, институтдан ҳам орқангизга тепиб, бошқа жойга ишга киролмайдиган қилиб ҳайдашади. Шарманда бўласиз.

Элмурод домла Қариндошга бақрайиб қараб қолди, ахийри аранг сўрай олди:

— Мен тушунмаяпман, мақсадингиз нима ўзи, нега мени кўрқитмоқчи бўлаяпсиз? Ё мендан уч-тўрт сўм ундирмоқчимисиз? Бу гапларни эштаётган маҳал мамнунликдан оғзи қулоғига етган Қариндош шоша-пиша ён дафтарига нималарнидир қайд эта бошлади:

— Пора таклиф қияпсизми, демак айбингиз мен ўйлагандан ҳам катта. Жуда катта! Буни ҳам тиркаб қўямиз. Мана, энди бўлди!

Дафтарчасини ёпиб, дарвоза томон йўналган Қариндош уч-тўрт қадам юргач, бирдан тўхтади ва ортига ўтирилиб, уй эгасига қарата хитоб қилди:

– Лекин билиб қўй, ука, ҳаммани сотиб олсанг ҳам мени сотиб ололмайсан!

Ниманидир мулоҳаза қилди шекилли, Қариндош қайтиб домланинг ёнига келди, унинг қўлидан тутди ва билагига кўрсаткич бармоғини нуқиган кўйи оҳиста, сўзларни дона-дона қилиб деди:

– Мен бирдан ўйиб олмайман. Аста тирнайман, тирнайвераман. Тирналган жой ярага айланади, кейин йиринглайди, охири ҳамма ёқни захарлаб ташлайди. Шу билан Қариндош ҳовлидан чиқди-кетди.

Элмурод домла унинг ортидан анграйиб қараб қолаверди...

III

Бошламасига ректоратдан суҳбатга чақиришди. Оддий фан номзоди қандай қилиб қишлоқда қаср кураётгани, шаҳарнинг ўзида эса бир нечта ҳовлини бировларнинг номига олиб қўйгани билан қизиқишди. Элмурод домла изоҳ беравериб чарчади.

Келган комиссия ҳовлини видеога олиб қайтди. Шу билан ҳамма машмаша тутагандай эди. Аммо эртаси куни кечга яқин, дарс ўтилаётган маҳал солиқдан келиб босишди... Булар изоҳ-пизоҳ эшитиб ўтиришмас экан: холислар иштирокида дарҳол далолатнома тузишди, ўқувчиларга ҳам имзо қўйдириб олишди. Неча йиллар давомида ноқонуний фаолият олиб борганлиги учун Элмурод домла ҳам отнинг калласидай жарима, ҳам унданам каттароқ солиқ тўлашга мажбур бўлди. Қонунбузар бундан кейин мазкур кўринишдаги фаолиятини давом эттириши учун махсус рухсатнома олиши кераклиги ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилди.

Солиқчиларни кузатиб, уйга асабий равишда қайтиб келган Элмурод домла жаҳл устида эски стол-

стулларни йиғиштириб ташлаётган маҳал қўлбола доска ёнидан чиқиб турган михга билагини уриб олди. Домла занглаган мих тилган жойнинг сал қизаринқираб қолганини кўрди-ю, бунга эътибор бермасдан, ишида давом этди...

Кейинги куни маҳалла профилактика инспектори ташриф буюрди. Ҳашарда қатнашган талабалар орасида болалар, яъни ўн саккизга тўлмаганлар бўлмаганлигини исботлагунга қадар Элмурод домланинг она сути оғзидан келди: бунинг учун ҳар бир талаба паспортининг нусхаси билан бирга «домланинг уйидаги ҳашарда ўз ихтиёрим билан қатнашдим» мазмунидаги тушунтириш хати ҳам топширишга мажбур бўлди.

Шу куни Элмурод домла мих тилган жойнинг қичишаётганини, симиллаб оғриб-оғриб ҳам қўяётганини сизди, аммо ўтиб кетар деган ўйда шу жойга лой босиб, устидан рўмолчасини боғлаб қўйиш билан кифояланди.

Туман электр таъминоти корхонасидан келиб, бузилган уйда электр симлари ўзбошимчалик билан узиб ташланганини аниқлашди, тегишли тартибда баённома тузишди ва симёғочдан уйга келган симни ашёвий далил сифатида қирқиб олиб кетишди... Элмурод домла билагининг мих тилган ўрни ловуллаш бошлаганини сизди ва рўмолчани ечиб кўрди. Яра ўрни маддалай бошлаганди. Домла дўхтирга ўтиб келмоқчи ҳам бўлди, аммо аввал жаримани тўлаб келишга қарор қилди. Дўхтир шу ерда, қишлоқда. Омонат касса эса туман марказида. Улгуриш керак. Дўхтирга эртага борса ҳам бўлади.

Эртасига эрталабдан ташкилотига тушган «сигнал» туфайли текширишга келган туман меъмори уйни бузиш ва ўрнига янги уй қуриш учун рухсатнома олинмаганлигини аниқлади. Энг асосийси эса, янги қурилажак уйнинг тегишли тартибда тасдиқланган лойиҳаси йўқ эди. Бу қанақаси, ахир? Уй эгаси бўлмиш домланинг ўқувчилар дафтарида йиртиб

олинган саҳифасига чизилган қинғир-қийшиқ бир нималари меъморлик лойиҳаси вазифасини ўтай оладими? Асло ва асло йўқ! Бу, ахир инсонлар ҳаётини хавф остига қўйиш билан баробар-ку! Жарима, дарҳол жарима!..

Билагидаги яра ўрни ловуллаб оғрийвергач, Элмурод яна дастрўмолни ечиб кўрди. Яра йиринглаб кетганди... Буни кўриб, Элмурод эртага эрталабдан, агар осмон узилиб ерга тушсаям, дўхтирхонага боришга ўзига ўзи ваъда берди. Ахир, одамга соғлиқ керак-ку! Бироқ домла улгуролмади: эртаси эрталабдан туман газлаштириш идорасидан келган мутахассис-вакил газ қувури амалдаги тартиб-қоидаларга зид равишда кесиб ташланганлигини фош этди. Уй эгасининг «Ахир, олти ойдан бери газнинг ўзи тугул, ҳидиям йўқ-ку!» деган изоҳлари вакилга чивин чаққанчалик таъсир қилмади. Билъакс, кўзлари ола-кула бўлиб кетган мутахассис бир зумда ваҳимали манзарани чизиб ташлади: туйкусдан газ келиб қолди, қувур эса кесилган. Хўш, нима бўлади? Газ йиғилиб туради-туради-да, кейин бирдан... порт-лай-ди! Тамом-вассалом! Бутун қишлоқ осмонга учади! Элмурод домланинг «Ахир, газ қандай қилиб очиқ ҳавода йиғилади, бу ерда газ йиғиладиган хонанинг ўзи йўқ-ку!» деган эътирозлари ҳам ўша кўринмас газ мисоли ҳавога изсиз сингди-кетди. Вакил эса шоша-пиша тегишли тартибда баённома тузди, керакли одамларга имзолатди ва бундоқ жинояткорона масъулиятсизликка, совуққонликка, лоқайдликка йўл қўйган уй соҳиби энг кам иш ҳақининг фалон баробари миқдориди жарима тўлашга маҳкум этилди. Зудликда...

Шу билан кун кеч бўлди. Кўнгли ҳовлисидай зимистон Элмурод домла дўхтирга эртасига боришга қарор қилди. Аксига олиб, домла яна улгуролмади: тонг саҳарда кўнфиноқ қилишиб, раҳбарият уни институтга чақираётганини маълум қилишди. Элмурод домла ўпкасини қўлтиқлаганча ҳовлиқиб ишхонаси-

га етиб келди. Ректоратда унга бу йилги қабул комиссияси таркибидан чиқарилганлигини, шунингдек, дарс соатлари ҳам қисқартилганлигини айтишди.

Юрагига қил ҳам сифмаётган бўлса-да, Элмурод домла институтдан чиқиб, тўғри қишлоқ врачлик пунктига бормоқчи бўлди. Бироқ йўл-йўлакай туман газ идорасига кириб ўтишга қарор қилди: жаримани тўлаш керак эди. Аксига олиб, ягона бадқовоқ аёл ишлаётган кассада одам кўп экан, навбатда узоқ туришга тўғри келди. Бўйинбоғ тақиб олган Элмурод домла бунақа масалаларда ўта зиёли эди: ҳеч қачон навбатсиз олдинга суқилмасди, ҳатто институт ошхонасида ҳам талабалар билан тенг навбатда турарди.

Билаги лўқиллаб оғриётган, иссиғи чиққан Элмурод домла уйига қоронғи тушганда базўр етиб келди.

Эртаси куни эрталабдан, домла бир амаллаб кийинаётган, аёли эса сигир соғаётган маҳал дарвоза тарафдан «Илмурод...» деган таниш чақирик эшитилди. Домла янглишмагани: қишлоқда фақат фуқаролар йиғини раиси Наҳалбой акагина уни шундай деб чақирарди. Наҳалбой ака сўрида узоқ ўтирди, уч чойнак чой, бир коса сут ичди, бўлган воқеаларни эринмай суриштирди, Элмуроднинг гапларини томоғини тақиллатган кўйи бошини чайқаб-чайқаб эшитди, алоҳа, ҳаммасининг тагига етишга ваъда бериб ўрнидан кўзгалди.

Элмурод домла сал енгил тортди. Аммо у ҳовлидан чиқишга улгуролмади: Маннон фермер кириб келди. Фермер нега қизи ўқишга келмаётгани сабабини сўради. Элмурод домладан ўқиш вақтинчалик ёпилганини эшитиб эса, ўпкалашга тушди: бунақа эмас-да, укажон, атаганимиз кам бўлса, майли, яна бир қоп қўшай, фақат сиз қизимни яхшилаб ўқитинг, домла, дўст-душманнинг олдида ўз кучи билан бир ўқишга кириб кетсин... Элмурод домла фермерни бир амаллаб кузатганида вақт чошгоҳга яқинлашиб қол-

ганди. Шундоқ эски дарвоза ўрнидан шошиб чиққан домла каттагина сумкасини елкасига ташлаб олган ўрта ёшли бир аёлга урилиб кетишига сал қолди.

Аёл ўзини «БТИданман, туман меъмори топшириғи бўйича келганман» деб таништирди. Сўнг сумкасидан йиғма ўлчагич чиқарди ва бузилган уйнинг пойдевори ўрнини ўлчашга тушиб кетди. Аёлнинг якка ўзи қийналаётганини кўрган Элмурод домла, ноилож унга кўмаклашиб турди.

Ўлчаш ишлари анча чўзилди. Сўнг аёл ёзиб олганларини каттагина қоғозга тушира кетди. Кейин домла чизган янги уй лойиҳаси билан қизиқди.

Хуллас, аёл ишини битиргунга қадар соат бешдан ошди. Энди ҚВПга боришдан фойда йўқ эди.

Кечаси чорпояда ётган Элмурод домланинг иссиғи кўтарилиб, дағ-дағ қалтирай бошлайди.

Буни кўриб ваҳимага тушган домланинг рафиқаси Қурол дўхтирнинг уйига чопди...

Шу оқшом «Тез ёрдам» бутун бадани ўтдай ёниб, ўзи алаҳсирай бошлаган Элмурод домлани вилоят марказидаги шифохонага олиб кетди...

IV

Орадан икки ҳафта ўтди.

Элмурод домла қишлоққа бир кўйлагининг енги бўш ҳолда қайтиб келди...

Кузга бориб Элмурод домла дарвозани ярим пулига бир амаллаб сотди ва уста ёллаб, бир хонали ҳужра қурдириб олди. Қиш ўтиб олсин-чи, кейин бир гап бўлар...

Айтишларича, шу кунларда Элмурод домла дўкондан ярим кило мих харид қилсаям чекини талаб қилиб олишни унутмас экан: ҳар эҳтимолга қарши-да, мабодо текшириб келиб қолишса, «мана, ҳаммаси қонуний» деб кўрсатиш учун...



БАНДИ

Асроркул у ёқда-ю, бу ерда уйдагиларининг бўлари бўлди. Болалар номус қилганларидан етти маҳалла наридаги мактабга қатнай бошлашди. Муниса маҳалла-кўйга аралашмай қўйди. Шу оила қийналиб қолди, моддий ёрдам берайлик, деб маҳалла оқсоқоли уч-тўрт марта одам юборди, лекин Муниса бирон марта идорага бормади, ариза ёзиб ҳам бермади, бунинг ўрнига уч жойда фаррош бўлиб ишлади... Асроркул беш йилни уч йилда тугатиб келди. Яхши ишлагани эвазига. Маҳаллада гап ётармиди: уйига атай тун қоронғисида кириб келган бўлса-да, тонгта борибоқ ўғрилиги учун қамалган Асроркулнинг қайтганидан деярли ҳамма хабар топиб улгурди. ...Чошгоҳ маҳал Асроркул ошхонага ўтди, дастурхондаги қуруқ нон-чой, шакардан озгина тотинган бўлди. Иккинчи ишидан қайтган Муниса ҳовли четига супурги билан пақирини қўйгач, белини ушлаб туриб қолганини кўрган Асроркул шошиб унинг ёнига чиқди.

— Яхши келдингми, аяси. Чарчамадингми?

Муниса ўзини мажбурлаб жилмайди:

— Чарчаш қаёқда... Айтгандай, дадаси, эрталаб Назира опани кўриб қолгандим. «Элга ош бермайсизларми?» деб қолди. Нима, шунақа удум борми?

— Қайси Назира опа? — Асроркул қарши тарафдаги ҳовлига ишора қилди: — Қўшнимизми?

— Ҳа. Ўзи... сиз кетгандан бери ҳар кўрганида «Уйингни бизга сот» деб бошимни қотиргани камдай...

— Мунис, мен курортдан қайтганим йўқ. Бунақа удумни ҳам эшитмаганман. Мен элга ош беришни эмас, сизларнинг ортиқча қийналмасликларингиз учун нима қилишни ўйлаяпман.

— Эсон-омон келдингиз, шунинг ўзи биз учун... — кўзлари жикқа ёшга тўлган жувоннинг товуши титраб кетди.

Асрорқул ўтган уч йил ичида бирдан қаримсиқ бўлиб, чўкиб қолган хотинининг елкасидан қучди, радир-будир бўлиб кетган кафтларини силади:

— Мен... у ёқдан бошқача одам бўлиб қайтдим... Сен бор, болаларим бор... Қадрларингга етадиган бўлиб қайтдим... Энди ҳаммаси бошқача бўлади, Мунис. Мана кўрасан. Ўйлаб қўйган режаларим бор.

Шу сўзларни айтгач, Асрорқул нимагадир аҳд қилгандай шахт билан дарвоза томон юрди. Муниса ҳайрон бўлиб сўради:

— Йўл бўлсин, дадаси?

— Бозорга бориб, тез қайтаман. Мана кўрасан, янгича ҳаётимизни хурсандчиликдан бошлаймиз.

Хотини ҳали бирон нима сўраб улгурмасидан Асрорқул кўчага чиқди ва атрофга аланглади.

Ана, ён қўшниси Файзулла домла оппоқ «Нексия»-сида дарвозаси тагига келди, машинадан тушди ва ўзига салом бериш учун қўлини кўксига қўйиб турган Асрорқулни кўрмагандай бўлиб ичкарига кирдикетди. Изза бўлган Асрорқул оғир нафас олди.

* * *

Орадан бир ош пишгулик фурсат ўтди.

Ўз-ўзидан мийиғида илжайиб қўяётган, иккита катта-катта сумка кўтарган Асрорқул кўча бошида пайдо бўлди. Дарвозаси ёнида, «Нексия»си капотига суяниб, қўлларини кўкрагига чалиштирганча гўдайиб турган Файзулла уни кўрди-ю, бирдан қутуриб кетди:

— Ўлдираман!

Файзулла машинаси ўриндиғи ёнидан бейсболчиларникига ўхшаш таёқни олганча Асрорқул томон чопди. Шу ёққа қараб учиб келаётган қўшнисининг кўринишидан ажабланган Асрорқул ҳар эҳтимолга қарши салом бериб қўймоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, аммо улгуролмади. Кўзи қонга тўлган Файзулла таёқни ҳамсоясининг бошига туширди. Бунақа зарбани кутмаган Асрорқул қалқиб-гандираклаб кетди,

иккала қўлидаги сумкалар ичидаги егуликлар, мевачевалар, совға-саломлар ҳар томонга сочилди. Асрорқулнинг калта сочлари орасидан қон сизиб чиқди.

– Ифлос! Ялангоёқ!..

Файзулла чўк тушиб қолган Асрорқулни ураверди, ураверди. Шовқинни эшитганми, Асрорқулнинг уйи дарвозасидан шошиб чиққан Муниса калтакланаётган эрини кўрди. Даҳшатга тушган жувон чинқириб юборди:

– Дадаси!!!

Қонга, чанг-тупроққа беланган Асрорқул ер билан битта бўлиб ётарди. Муниса ўкириб йиғлаганча учиб келиб ўзини эрининг устига ташлади. Қўни-қўшнилardan айримлари уйларида чикиб кела бошлашди.

– Дадаси! Дадажониси!..

Хириллаб қолган Файзулла бақирарди:

– Ўғри эдинг, ўғри бўлиб қолибсан, Асрорқул!

Асрорқул қаддини тиклашга уринди, синган тишини туфлаб ташлаб, аранг гапирди:

– Қандай? Нима ҳақингиз бор?..

Унинг кўкрак чўнтагидан салафан халтачага солинган тилла сирға тушди. Файзулла сирғани олди, нархини кўрди, қўни-қўшниларга кўрсатди:

– Янги. Менинг пулимга келган бу!

Муниса эзилиб йиғларди:

– Дадаси... дадажониси... Нима қилиб қўйдингиз...

– Мен ўғри эмасман... ўғри эмасман... — хотинига қараб ёлвориб-энтикиб шивирлади Асрорқул.

Файзулла Асрорқулнинг бошқа чўнтақларини тинтиб-ағдариб чиқди:

– Қани? Қолгани қани?

Аммо бир-иккита майда пулни айтмаганда, барча чўнтақлар бўш эди.

Қўшнилар афсусланиб бош чайқашди:

– Одам бўлмапти бу... Ўрганган кўнгил... Бунақаларга уйдан қамоқ яхши-да... Эгри таёқ барибир эгрилигича қоларкан...

Асрорқулга тикилганча ўйланиб қолган Эркин ота сўради:

— Ишқилиб, адашмаяпсанми, домла?

Файзулла нафрат билан лабини жийирди:

— Ўзингиз ўйланг, кеча уч йиллик қамоқдан келган банда бугун бозор-ўчар қилишга жўнаб қолиши мумкинми?

— Бу топишмоқми?

— Йўқ, воқелик. Шафқатсиз ва разил воқелик.

Дарвоқе, ярим йилча коллежда дарс берган, сўнг бозорга чиқиб кетган бўлса-да, «домла» лақабини орттиришга улгурган Файзулла тилини бураб, оҳангжам билан гапиришни ўхшатарди.

— Тушунтириброқ гапирсанг бўларди, Файзулла.

— Бу ерда тушунтирадиган нарсанинг ўзи йўқ, отахон. — Сирғани чўнтагига солиб қўяётган Файзулла Асрорқулга ишора қилди: — Мана яна ўз ишини қилди. Мен яна бир марта инсон зотига нисбатан бўлган ишончимнинг қурбонига айландим. Ишдан қайтганимда у эшигининг олдида менга кўзини лўқ қилиб қараб турганди. Кўнглимга ҳеч нарса келмай, уйга кириб кетаверибман денг. Қайтиб чиқсам Асрорқулам йўқ, бардачогимдаги пул ҳам. Мен лақма ўз кўзим билан кўрдим-у буни, яна эътибор бермапман. Каллам қурсин-а, каллам!

— Машинангни қулфламаганмидинг?

— Отахон, одамни хафа қиляпсиз. Айримлардан фарқли равишда, мен маҳалламда ҳеч қачон машинани қулфламайман. Мен одамларга ишонаман.

— Балки бошқа биров олгандир, — иккиланиброқ мулоҳаза юритди Эркин ота.

— Келиндан Асрорқулни сўрадим. «Бозорга кетдилар», деб турибди без бўлиб. Балки эр-хотин шерикликда... Эркин отанинг жон-пони чиқиб кетди:

— Файзулла! Келинни тинч қўй! Асрорқулнинг аёли кўчада бир сўм кўриб қолса олмайдиганлардан.

Бунга жавобан Файзулла пишқирди:

— Балки бир сўмни олмас, лекин миллионни олади. Олади!

Мана шу ғала-ғовурда кўпчилик уй ёнига келиб тўхтаган такси машинасига аҳамият бермади. Ундан тўлиб-тошиб тушган Файзулланинг рафиқаси Назира одамларга ажабланиб қаради, сўнг эрига ўтирилди:

— Дадаси, тинчликми?

Файзулла Асрорқулга ишора қилди:

— Манави аблаҳ машинамдан боримни шилиб кетиб, бозорда ялло қилиб келибди... Назира каловланиб бир эрига, бир Асрорқулга қарагач:

— Шунақами... — деб қўйди, кейин Файзуллага қўлидаги сумкаларни тутди: — Буларни опкириб беринг... мазам бўлмаяпти...

Файзулла индамай хотинининг сумкаларини ҳовлига олиб кирди, унинг ортидан қадам қўйган Назира эшикни зичлаб ёпди ва ваҳима ичида пичирлади:

— Вой, дадаси, машинадаги пулни мен опкетгандим-ку! Бунни эшитиб, Файзулланинг ранги бўзарди:

— Нима?!

— Кеча айтувдим-ку бозор-ўчар қиламан деб... Етти юз мингмиди? Ҳаммасини ишлатиб келяпман...

Файзулла лол бўлиб қолди, сўнг бир муддат пешанасини эзгилаб тургач, негадир шивирлашга ўтди:

— Бўпти, дамингни чиқарма... Бу ёғини ўзим ҳал қиламан!

— Хўп, дадаси, хўп.

Файзулла қайтиб кўчага чиқди, чўнтагидан сиргани олиб Асрорқулга тутди:

— Ма, ол. Майли, неча йиллик қўшничилигимиз ҳурмати, мелисага топширмайман. Лекин билиб қўй, агар бу йўлдан қайтмасанг, бугун бўлмаса эртага бирибир қўлга тушасан. Ҳаммаям сенга Файзулла эмас!

Қўшниларнинг ҳайратли шивир-шивирлари эшитилди:

— Қойил!.. Ҳақиқий эркак шунақа бўлади!.. Беш кетдим!..

Эркин ота ҳам енгил нафас олди:

— Бор экансан-ку, домла.

— Лекин, ука, — гапида давом этди Файзулла, — кичкинагина шартим бор.

Асроркул унга меровсираб қаради.

Эркин ота безовталаниб қолди:

— Ишқилиб, уловидан тушови қиммат эмасми, домла?

— Емоқнинг қусмоғи ҳам бор-да, ота... Хўп, эшит. Шартим шуки, бугуноқ кўчиб кетасан. Бизга бутун маҳалланинг юзини ерга қаратадиган тиррақи бузоқ керак эмас. Уйингни бегона қилмаймиз, ўзим оламан, бозорга чиқиб, оворайи сарсон бўлиб юрмайсан. Шунда машинадан ўғирлаган уч миллион сўмимни сенга уй учун берган бўламан. Қолганини савдолашамиз. Агар шартимга қўнмасанг, милисага ёзиб бераман, ана унда ҳам шармандаи шармисор бўласан, ҳам қолган умринг қамоқда чирийд!

Асроркул бу гапларни эшитмагандай қон оқаётган чаккасини ушлаган кўйи ғалати хотиржамлик билан ўрнидан турди. Қалт-қалт титраётган, юзи қорайиб кетган Муниса унга кўмаклашди. Эр-хотин бир-бирларини суяганларича уйлари томон юришди.

— Сукут аломати — ризо! — тантанали равишда эълон қилди Файзулла. — Айтдим-ку, ўзимиз келишиб оламиз деб... Қўшнилар, сизлар гувоҳсизлар. Лафз ҳалол! Тўғрими?

— Тўппа-тўғри!.. Яшаворинг, ота ўғил!.. — деган хитоблар эшитилди.

Фақат ниманларнидир ўйлаб қолган Эркин ота жим эди. Файзулла мамнун илжайди.

* * *

Бу орада эр-хотин уйга киришди. Асроркул сўригача амаллаб етиб олди-ю, одми дастурхон ёнига тўшалган кўрпачага ўзини ташлади. Муниса сув олиб келишга чопди.

Хотини юз-қўлидаги қон доғларини юваётган маҳал Асрорқул қийналиб бўлса ҳам гапириб қолди:

– У ёқда... ойлик беришарди. Ишбай. Мен икки сменалаб ишладим. Йиғилиб турган экан, қайтаётганимда беришди. Шунга сенга, болаларга совға-салом оламан, бир хурсанд қиламан деб бозорга боргандим. Уч йиллик орзуим эди бу. Эсон-омон қайтсам-да, билдирмасдан бола-чақамга, хотинимга яхши-яхши нарсалар олиб келсам дердим... Мана, совғаям ўхшамади.

Асрорқул чўнтагидан тилла сирғани олиб, хотинига тутди. Пиқиллаб йиғлаб юборган Муниса сирғани лабига босди:

– Бу... мен учун дунёдаги энг қимматбаҳо, энг азиз совға, дадаси.

Асрорқул хўрсинди:

– Болаларга аталган совғаларнинг... мева-чеваларнинг... эзилгани чатоқ бўлди-да.

– Нарсалар бош-кўзингиздан садақа, дадаси.

Кўзлари намланган Асрорқул хотинининг елкасидан қучди:

– Биз бахтли бўламиз, жоним...

Дарвоза қўнғироғи жиринглади. Сесканиб кетган эр-хотин бир-бирига қарашди.

– Ўзим...

Текис йўлда қоқилиб-суриниб кетаётган муштдеккина Муниса бориб эшикни очди.

Остонада Файзулла ўшшайиб турарди:

– Чақир эрингни, уй масаласида келдим...

Муниса аввал чинқириб, кейин инграб юборди-ми ё аввал инграб, кейин чинқирдими – англолмай қолган Асрорқулнинг қўли ўз-ўзидан дастурхон четидаги ўтмас пичоққа югурди...



БОЙ

(«Биз ўтган йўллар» туркумидан)

I

Оддийгина кўклам кунларидан бирида Ўзбековул чўпонсиз қолди. Гап шундаки, йигирма йил мобайнида бу касбни ҳалол ва беминнат адо этиб келган Норбой бобо туман ижтимоий таъминот бўлимига қатнай-қатнай, ахийри бир амаллаб қарилик нафақасини тўғрилаб олди-ю, ўзининг ҳам роса жонига тегиб юрган эканми, кўк ҳангисини шу куннинг ўзида арзон-гаровга сотиб юборгач, энди кўликсиз қолганини, яёв юрса оёғи оғришини рўкач қилганча, «ола таёғимни кимга берсаларинг бераверинглар, бизники энди бўлди», деган қатъий қарорини эълон қилди. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ. Шу кунга довор аксарият райят «сенам одаммисан» дегандай андак юқоридан келиб қарайдиган, тўй-маъракаларга, кўноқлар олдигаям чақирилавермайдиган, байрамларда йўқланмайдиган Норбой бобонинг қадри бир кунда билинди-қолди.

Ям-яшил қирда молларни сурнай чалиб боқиб юрадиган, чўпонлик таёғини фахр ила ўз сулоласи вакилига топширадиган чўпон фақат киноларда, тузсиз телекўрсатувларда ёинки бачкана газета мақоаларида бўлади. Воқелик эса сал бошқачароқ. Чунончи, Ўзбековулда мол боқиладиган майдон тобора каммайиб бормоқда, бу эса чўпоннинг бошига ит азобини соладиган даражадаги муаммоларни қалаштириб ташламоқда эди. Мисол учун, кейинги уч-тўрт йил ичида далага адашиб кириб кетган мол ҳеч қандай гапсўзсиз сўйилиб, гўшти давлат ҳисобига ўтказиб юбориларди. Табиийки, бу мол учун жавобгарлик чўпоннинг зиммасида. Ана энди жанжални кўринг. Эгаси «Тўла!» дейди, чўпон ўзини айбсиз қилиб кўрсатишга уринади. Бунақанги бошоғриқлар истанганча, ҳатто керагидан ортиқ даражада топилади...

Хуллас, қишлоқни кунига бир чимдим бўлсаям кўк ўт еб, қуруқ ўт-сомондан чиқиб кетган молларнинг аянчли ўкириши тутиб кетди. Не-не келинчақлар ўроқни қўлтиққа қисиб далага жўнаворишган, эгилиб бир тутам ўт юлиб келишни ўзига ор санаган не-не эркаклар уйларидаги заифаларининг аччиқ-тизиқ таъна-дашномларига чидай олмасдан чопоннинг барини қайирганларича чойхонага қочиб чиқишган... Ҳар не бўлса-да, ушбу мушкул вазиятдан чиқиб олмоқнинг йўлини қидирмоқ ва топмоқ жоиз эди. Ёшлар таёқ кўтариб, «оши ҳалол» йиғиб юришдан ор қилишади, кексаларнинг эса барисига вазифа тақсимланиб бўлинган: ким жарчи, ким даллол, ким ёзувчи, ким битмайдиган жойниям битириб қайтадиган совчи, ким эликбоши...

Чойхонадаги йиғин эрталабдан то намозшомгача давом этди. Бировлар номзод кўрсатишдан чарчамади, бошқалар эса минг бир асосли далиллар билан уларни рад этишдан. Ҳалиги, ўз номзодини қайтиб олувчилар бор-ку, уларнинг сони ҳам ўн бешларга бориб қолди-ёв. Алоҳа, бешинчи марта қайнатилган улкан самовар бўшаши арафасида аксарият яқдил бир тўхтамага келдики, чўпонликка Абдурайим қаттиқнинг кенжа ўғли Хўроз духаёлдан муносиб одам йўқ!

Тўғри, аввалига Абдурайим тоғанинг ўзи қаттиқ оёқ тираб туриб олди. Лекин совчиликка боравериби, тили ипақдай эшилиб кетган Эшвой мерганнинг сўзамоллиги шу ерда қўл келди.

— Менга қара, Абдурайим жўра, — деди мерган салмоқланиб. — Овулда камида икки юзда қорамол бор. Ҳа, ана, катталарники шулардан қирқтаси дейлик. Шундаям бир юз олтмиштаси қолади. Нархни оширмасанг ҳам ойига икки қоп уннинг пули шундайгина киссангга тушиб турибди-да. Икки қоп ун-а!..

Мерганнинг чуқур мулоҳазали нутқи, айниқса икки қоп ун борасидаги ҳисоб-китоблари, охир-оқибат Абдурайим қаттиқни таслим этди.

Йиғин тугаб, мушкул вазифани шараф ила адо этганидан мамнунлик туйган овул фаоллари кўкракларини керганларича уй-уйларига тарқалишарканлар, биз фурсатдан фойдаланиб, воқеамиз қаҳрамони бўлмиш Хўрозқул жусусида мухтасар маълумот бериб ўтсак. Вақтида тўйларда ароқ тўла косага нон тўғраб ейиши билан машҳур бўлган Абдурайим қаттиқнинг кенжа ўғли ақлан сал заифроқ бўлиб ўсди. Овулимизда «довдир, меров», қисқаси, «жинни» маъносини билдирадиган «Духаёл» лақаби ҳам Хўрозқулга шу сабабли тарқалган. Болапақир мактабниям ёлчитмади. Бир амаллаб ҳижжалаб ўқишни, пул санашни ўрганиб олгач, учинчи ё тўртинчи синфдайди шекилли, хуллас, мактаб билан хайр-маъзурниям насия қилганча ота кўрсатмасига биноан ўзини уй ишларию томорқа парваришига урди. Шундан буён «фақир киши панада» қабилида эл кўзидан йироқда, жимгина кунини кўриб юради.

Хўрозқул ёш болалар учун яхшигина эрмак эди. Тез-тез шумтакалардан биронтаси деворга чиқиб олиб, ҳовлида тимирскиланиб юрган қаҳрамонимизга қарата «Хўро-оз!» деб қичқириб қолса Хўрозқулимиз дарров шу тарафга ўтириларди-да, худди ош еяётгандай, ўнг қўлининг бармоқларини жуфтлаб, катта очилган оғзига олиб борганча айлантираверарди. Мабодо чақирувчи яна бир марта «Хўро-оз!» деб қолса борми, тамом, қаҳрамонимиз буткул жўшиб кетганча, энди қолган беш бармоғиниям оғзига яқин олиб борганча айлантираверарди, айлантираверарди. Орадан не фурсат ўтиб, машғулотини тугатгач эса, зўр ишни уддалаб, энди қонуний олқишини кутаётган болакайдай иршайиб тураверарди.

Ушбу ҳикоямиз муқаддимасида ё ўн тўққиздан йигирмага, ёинки йигирмадан йигирма бирга ўтган Хўрозқулимиз шунақа бола эди.

Овул фаоллари йиғинида, балки қаҳрамонимиз исми мутлақо тилга олинмаган ҳам бўларди. Бироқ,

тасодифни қарангки, бир ойча бурун, тўппа-тўсиндан Хўрозқулнинг исми жуда машхур бўлиб кетганди. Ўзбековулнинг бош ҳисобчиси Зикир тирриқнинг хотини Гулафзал чеча қўшни қишлоқдаги опасининг уйидан мўлжалига қараганда икки кун эртароқ қайтади ва «Марказга бир ҳафтага ҳисобот топширишга кетаман» деган эрини уйда, яна бегона бир аёл билан бемалол ошхўрлик қилиб ўтирган ҳолда кўради. Хотинининг айюҳаннос солиб, меҳмоннинг юзини тимдалашга чоғланаётганини кўрган ҳисобчи жон ҳолатда орага тушиб, шошганидан бўлса керак: «Бу меники эмас, буни мен Хўрозқулга обкелдим!» деб юборади... Шу-шу, овулда бирон бегона қиз-жувоннинг шарпасини илғаб қолишса бас, одамлар: «Бу хоним Хўрозқулга тегишли-да!» дея қочириқ қилишга тушардилар. Ҳар ёмоннинг бир яхши томони бор, деб бежиз айтишмаган. Табиат қаҳрамонимизни ақдан қисгани билан куч-қувватдан роса сийлаганми ёхуд бола бечора ҳовлида тимирскиланиб юравериш сиқилиб кетган эканми, ишқилиб, кенг далага чиқди-ю, орқаси ер искамайдиган бўлди. Итда тиним бор, битда тиним бор, ҳа, ана боринг, қурт-қумурсқаю қуш-даррандада тиним бор, бизнинг Хўрозқулда тиним йўқ. Пичоқда ўхшатиб ишлов берилган ола таёғини елкасига ташлаб олганча гоҳ поданинг бошида пайдо бўлиб қолади, гоҳ охирида, гоҳ ўртасида... Ҳатто тол туш палласиям сигирлар яйдоқ далада эринибгина кавш қайтариб ётган маҳал уларнинг орасида чўпонимиз калити бураб қўйилган қўғирчоқдай питирлаб юрганини кўриш мумкин эди.

Аҳли овул: «Ниҳоят, чўпонга ёлчидик-да!» дея енгил нафас олди. Ҳайтовур, бу ёқда раият хурсанд, у ёқда ойига икки қоп уннинг пулини қуртдай санаб олаётган Абдурайим қаттиқ; орада Хўрозқулимизга ҳам у-бу томиб туради шекилли, кунда-кунора ўн бармоғини оғзида айлантириб, минг қўйли бойдай иршайгани-иршайган...

II

Камдан-кам учрайдиган воқеийлик, яъни ҳамма бир-бирдан ризолик туйган ҳолда, аҳил-тоғувликда ҳаёт кечираётган кунларнинг бирида ошдан тош чиқиб қолди. Буни энди тўппа-тўсиндан «тош» деб ҳам атаб бўлмайди. Дейлик, даставвал юмшоққина бир нимамайди, бора-бора қаттиқлашди, ниҳоят тошга айланди... Халқ, бари бир, доно-да. Бундай пайтлари соддагина қилиб: «Кўрмаганнинг кўргани қурсин», дейди-қўяди. Жуда тушунмасангиз, «Етишган етти иштон кийибди» деб қўшиб қўяди.

Ким эканлигини энди ҳеч бир ўзбековуллик аниқ айтиб беролмайди, ҳар қалай, молини текин боқтирадиган раҳбарлардан бирови бўлса керак, эрталаб подага молларини қўшишга олиб чиққан маҳал жафокаш чўпонимиз шаънига бир-икки мақтов сўзларини айтиш ва унинг елкасига оталарча ғамхўрлик ила қоқиб қўйиш билан кифояланмай, қўлига битта илвираб қолган бир сўмликни тутқзади. Хўрозқулнинг денг, боши осмонда, тилла топган гадодай, кўринганга бир сўмлигини кўз-кўз қилиб, иршайгани-иршайган. Ҳар қалай, ойлик пулни отаси йиғиб олиши сабабли, қўли пул кўрмай юрган-да, бечора.

Ҳай, майли, кўнгил-да; ушбу ҳодисот балки ўз-ўзидан унутилиб, барҳам ҳам топиб кетарди, аммо сахий амакимиз чоғроқ бир даврада ўз ҳотамтойлигини писанда қилиб ўтишни уddалайди. «Шу-у, — дейди амаки салмоқланиб тебранаркан, уч-тўрт бор машқ қилиб, роса ҳадисини олган мурувваткорона оҳангда, — анчадан бери Абдурайим қаттиқнинг чўпон улига ҳар куни уч-тўрт сўмдан бериб тураман, баракка топсин, болапақир биздинг сийирларди бир бошқача тўйдириб, сағринини ялтиратиб қайтади-ей. Билмадим, укағар, ем-пем берадима?.. Отасига раҳмат, аммо-лекигин!» Албатта, раҳмат аслида кимнинг бузрукворига қаратилгани хусусида баҳслашишимиз

мумкин. Ва лекин, ўтлаб кетишдан ўзимизни тийиб, воқеанинг мухтасарроқ баёнига ўтадиган бўлсак, қўпол бир нақд бор-ку: «Қўшнингнинг хотини қиз кўринади», деган, ана ўшанга ўхшаб, даврадагилардан бири қўйиб-бири олиб, ҳақиқатан-да сахий амакининг моллари даладан қоринларини бошқача қаппайтириб қайтиши, елинлари бошқача тирсиллаб туриши хусусида ўзларининг «Гап бу ёқда экан-да» қабилидаги мулоҳазаларини тўкиб солишга шошдилар. Ушбу мусоҳаба ҳосиласи сифатида ярим кечаси кимдир исириқ тутатиб, моллари бошида айлантйриб юрганини ҳамда эртаси куни Хўрозқулимизнинг қўлига нақд етти сўм тушганини қайд этиб ўтмоғимиз жоиз. Етти сўм-а! Айниқса, сахий тоғалардан бири гуриллаб: «Вешни ташла! — дея чўпонимизнинг кафтига қарсиллатиб ураркан, — шундай пуллардан бир қопини йиғсанг, зўр хотин олиб бераман!» қабилида ваъдани қуюқ қилиб юбориши воқеамизни тадрижий ривожланишдан олиб, жадаллаштиришнинг қия сўқмоғига солиб юборди.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас Хўрозқулимиз молини подага қўшишга ҳайдаб чиққан ҳар бир овулдошимизнинг қўлига суқланиб қарайдиган одат чиқарди. Энг аянчли ҳамда кулгули томони шунда эдики, ўша одам бир сўм ёки уч сўм берса-берди, бўлмаса... тамом деяверинг. Қўли қисқалик қилганми, хасисликми — бунинг фарқи йўқ. Ит тинади, бит тинади, қурт-қумурсқа тинади, қуш-дарранда тинади — бизнинг Хўрозқул тинмайди, ола таёғини азот кўтарганча айнан ўша пул бермаганларнинг молини тирқиратиб қуваверади, қуваверади. Шўрлик тилсиз жониворлар ҳалоллаб на бир тутам ўт ея олади, на бир қултум сув ича олади — балои қазодай қайдандир етиб келган Хўрозқул таёғи билан оч биқини аралаш бош-кўзига аямай ураверади... «Хасис» моллар думини хода қилиб у ёққа қочади, бу ёққа қочади, кечқурун қорни қапишган, кўзидан ёш оққан, сулайган,

йиқилгудай аҳволда тентираганча бир амаллаб ҳовлисини топиб келади. Ана шундан кейин ҳам молига жони ачиган киши киссасини кавламай кўрсин-чи.

Ахир, эл барибир доно-да. Ўхшатиб, топиб айтган: «Аҳмоққа закун йўқ». Қани, овулда қайси мард Хўрозқул билан тенг бўлади, ким у билан олишади? Ахир, аслини олганда у ҳали бола-ку! Бунинг устига ҳалигидақа! Одам деган сал бағри кенгроқ бўлиши керак-да! Қўйинглар, ундан кўра беринглар ўша эл қатори атаганларингни, қулоғимиз тинч бўлсин, молимизам...

Алқисса, йиғила-йиғила бир сўмлик-уч сўмликлардан бир ун қоп тўлди. Хўрозқул хотин борасида доно маслаҳат берган товасини етаклаб борди-да, хазинасини кўрсатди. Донишманда тоға сарғайган мўйловини силаб бир чуқур ўйларга толди, сўгин, нечукдир янги хром этигида қопни уч-тўрт бор тегиб кўриб, неларнидир чамалади. Алоҳа, жамғармадан бир қисим олиб, кител шимининг чуқур чўнтагига соларкан: «Бу тоғабаччаларингга», дея изох берган бўлди-да, ниҳоят жиянига иккинчи қимматли маслаҳатни берди: «Жиян, йиққанинг қалин пулига етсаям катта гап. Тўй бор, сарпо-парпо дегандай. Хотин оламан десанг, сен энди ўнталик, йигирма бешталик пулдан йиғ!»

Айтилган сўз — отилган ўқ. Оқил жиян иршайиб кулди. «Жияман!» деди. Жийдиям!

Мана шунда Хўрозқулимизнинг хотираси фавқулодда кучли эканлиги яна бир бор аён бўлди-қолди. Яхшиям, овул аҳли бахтига ўша кунлари пул сал қадрсизлана бошлаганди, лекин шунга қарамасдан бир сўмгинани топишнинг ўзи осон эмасди. Шунинг учунми, Хўрозқул сал инсофга келиб, пастроқ тушди ва Худонинг берган куни эмас, ҳафта-ўн кунда мол эгаларидан ўн сўмлик, йигирма беш сўмлик кўринишидаги солиқ олиб турадиган бўлди. Сиз агар Хўрозқулимизнинг яйловда қайси ҳўкиз ёки сигирни тир-

қиратиб қувиб юрганини кўрсангиз, билаверингки, ўшаларнинг эгаси ўн кундан ошиб кетсаям чўпонимизнинг «законний налути»ни тўламаган бўлиб чиқади. Янглишиш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Эл адашса адашар, лекин бизнинг Хўрозқулимиз адашмасди... Йил охирига бориб овулда боқувга олиб чиқиладиган моллар туёғи деярли икки баробарга камайиб кетди. Хўрозқулнинг кўнглини овлашдан чарчаган ёки бунга қурби етмай қолганлар аста-секин молларини уйда боқишга ўтдилар.

Худди ўша кунлари мен ғалати бир хабар эшитиб қолдим. Айтишларича, Хўрозқул судхўрлик қила бошлабди, яъни баъзи овулдошларига устамаси билан қайтариш эвазига қарз бера бошлабди. Элчилик, бунақа одамлар ҳамиша чиқиб туради: кимнинг тўйи бор, кимнинг маъракаси. Аввалига бу гапга ишонмадим. Аммо Норқул бригадир кўпчиликнинг олдида кўзларини катта-катта очганча:

— Абдурайим қаттиқнинг улдан бир ойга ўн минг олиб, ўн бир минг беш юз қилиб қайтардим, — деб тургандан кейин ишонмай қайга ҳам борардим.

Энг қизиғи, Хўрозқулнинг пулни тийин-тийинига қадар аниқ санаши, фоизни ҳам тўппа-тўғри ҳисоблаши, асло адашмаслиги, бу борада унча-бунча ҳисобчиларни ҳам йўлда қолдириб кетиши ҳақидаги гап-сўзлар эди. Очиғи, бу гапларга унчалик парво қилмадим. «Болапақирнинг иккинчи истеъдоди очилибди-да», деб қўя қолдим. Бунинг устига воқеалар тафсилоти билан тўлиқ танишиб ўтиришга фурсатим ҳам бўлмади: армияга кетдим.

III

Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Таътилга қишлоғимга келдим. Тошкент аэропортидаги таксичилар ўртасида мисли кўрилмаган талаш-тортишиш, силтовлар, дўқ-пўписалар, олиб қочиб кетишлардан бир амаллаб асраб қолган катта жомадоним

ёнимда. Кайфим чоғ. Уддабурон таксичи акамиз ҳам магнитофонни варанглатиб қўйган.

Туман марказидан ўтиб, овулга қайрилиш йўлидаги усти ҳали-ҳамон ёпилмаган ночоргина бекатда қаққайиб турган Норкул поччамни кўриб қолиб, машинани тўхтатдим.

Поччам билан кучоқлашиб кўришдик.

Машинага ўтирдик. Мен қариндош-уруғларни, уйдагиларни сўраб чарчамайман, поччам жавоб бериб.

Ҳатто мана шу чанг кўчалар ҳам одамнинг кўзига иссиқ кўринаркан.

Овулга яқинлашган маҳалимиз кўзларимга қалққан қувонч ёшларини яширинча артиб олдим.

Поччам ёнбошида турган тутунчани олдинги ўриндикқа қўйди.

— Магазиндан озроқ соримой обидим. Эриб кетмасин.

Мен кулдим:

— Қишлоқда яшаб туриб, дўкондан сарёғ сотиб олгандан кейин... Шу пайт бизни оппоқ «Волга» қувиб ўта бошлади. Бундай разм солсам, рудда сулувгина жувон. Чангда қолган машинамиз секинлашгач, ҳазиллашгим келди:

— Ўҳ-хў, қишлоғимизда янги қиз пайдо бўптими? Ҳойнаҳой, Хўрозкулга тегишлидир?

Назаримда, бу гап билан мен ҳалиям овулни, ҳатто майда-чуйда гап-сўзларига қадар унутмаганимни, софинганимни таъкидлаб ўтмоқчийдим. Аммо офзининг таноби қочиб ўтирган поччам бирдан безовталаниб, у ёқ-буёғига қаради, сўнг жиддий тортиб, тасдиқ маъносида бош қимирлатди ва ҳурмат-эҳтиром билан деди:

— Ҳа, ҳа, Хўрозбойнинг иккинчи хотини.

— Ие, — қулоқларимга ишонмадим мен, — Хўрозкул қачондан бери қўшхотинли бойга айланиб қолди?

— Анчадан бери, — синиқ кулимсиради поччам. Сўнг хўрсиниб қўйди. — Умуман, укам, сен қиш-

лоқда бир йил бўлмадинг. Бу орада кўп нарсалар ўзгариб кетди.

— Овул жойидами, ахир?

— Худога шукр, жойида... Энди, ука, мен шу ерда тушиб қолсам.

— А?

Поччам кўзларини олиб қочди:

— Суюнчини таксичи акам олар. Мен шу ерда тушиб қолай.

— Почча, янги уй олдиларингизми?

— Йўқ-э!

— Ҳамсоя эдик, шекилли?

— Ҳа, энди... Бўлмаса, ука, нима десанг де, лекин аввал Хўрозбойникига кириб...

— Қаёққа?

— Хўрозбойникига. Уйиям шундай йўлнинг бўйида. Шундай-шундай, армиядан келаяпман, дегандай...

Назаримда, поччам мени мазах қилаётгандай эди.

— Нима, у суюнчи бергич бўлганми?

— Энди, ука, — типирчилаб қолди поччам, — шундай кириб, арзимаган бир-иккита нарса совға қилсанг...

— Кимга? — тамоман гарангсиб қолдим мен.

Поччамнинг жаҳли чиқди:

— Айтдим-ку, Хўрозбойга деб!

— Нега энди? Мени армияга у юборганмиди?

— Нега, нега, дейсан-а! Айтдим-ку, овулда кўп нарса ўзгариб кетган деб.

— Нима ўзгарган, ахир?

— Кўп нарса, — дея жеркиб берди мени поччам. — Сен ҳали ёш боласан.

— Хўрозқулдан катта эдим, шекилли?

Поччам чидай олмади — тамомила бўғриқиб кетди:

— Ҳой, ука, шундай кириб, хизматдан отпускага келдим, бизга нима юмуш бор, деб бир офиз айтиб қўйсанг, нима, бир жойинг камайиб қоладими?

— Почча, мени мазах қилаяпсизми?

— Уф-ф! Нега тушунмайсан-а?! Чулчитмисан нима бало?!

— Бундай тушунтириб гапиринг-да бўлмаса!

— Тўхтатинг мошинани! Ака, илтимос... Гап шу: ё ҳозир тўғри Хўрозбойникига борамиз, ё мен тушиб қолиб, яёв кетаман!

— Нега ахир, почча?

— Уф-эй! Қани, туш-чи бу ёққа.

Иккаламиз машинадан тушиб, йўлнинг бу чекка-сига ўтдик.

— Ука, — шу сўзни айтarkan, поччамнинг товуши титраб кетди. Ўзиям кичкинагина, муштипар одамга айланиб қолгандек бўлди. — Ука, беш-олти кун турарсан, ўзинг ҳаммасини тушунарсан, тушунмасанг, халтангни кўтариб армиянгга кетарсан. Биз бу ерда қоламиз. Элда гап ётмайди. «Фалончи армияда ишлаётган қайниси билан келаётиб Хўрозбойнинг уйини босиб ўтибди», деган гап чиқса... менгаям яхши бўлмайди, сенгаям.

Мен чидай олмасдан барала кулиб юбордим:

— Ё сиз жиннисиз, почча, ё мен. Ўлай агар бир нарсани тушунган бўлсам.

Поччам яна тутақиб кетди:

— Сен жиннисан! Ўша ёқларда стариклардан таёқ еявериб, сатрясена мазга бўлиб қолгансан!.. Эй, му-сулмон, ахир ўзбекчалаб айтаяпман, шундай кириб: «Хўрозбой ака...»

— Ака?

— Уф-ф! — йиғлагудай бўлди поччам. — Айтдим-ку, сен кетасан, биз қоламиз деб...

— Шунга нима бўпти?

— Нима бўпти дейди-я яна!.. Эртан Хўрозбой хафа бўлиб қарзини сўраб турса, емдан сиқса, мойдан сиқса...

— Қанақа мой?

— Мой-да, оқ мой! Мойсиз овқат пишириб бўладима?

— Энди овқатга ўтдингиз, почча...

— Менга қара, тушунмаганингни кейин тушуниб оларсан. Ҳозир гапнинг қисқаси шу: ё мен билан Хўрозбойникига борасан, ё мен яёв кетаман! Агар ўзинг кетадиган бўлсанг, бир-биримизни кўрмадик, тамом-вассалом. Уйингга борганда қайтадан кўришаман.

— Йўқ, почча, — энди менинг қоним қайнай бошлади. — Ё сиз менга ҳозир ҳаммасини тушунтириб берасиз, ё ҳозирнинг ўзида сизни зўрлаб мошинага тикаман-да...

Менинг ҳезланганимни кўрган поччам хавотирланиб орқага чекина бошлади.

— Жон ука, менинг бўлмаса опангнинг ҳурмати, Хўрозбойникига...

— Э, тупурдим ўшанингизга! Пишириб қўйибдим менга духаёлнинг уйида!

Ранги кесақдай оқариб кетган поччам атрофга жовдираб аланглади.

— Бўлди-ей, биров эшитиб қолади!

— Эшитса нима? Духаёлни духаёл дейман-да!

— Бўлди, дейман! — поччам қошимга илдам келиб, атрофга олазарақ аланглаганча пичирлаб гапира бошлади. — Ука, сенинг ўзи эсинг кўп-ку, тушунасан-ку барини. Биласан, аҳмоққа закун йўқ. Сен у билан тенг бўлма. Ўзи бир аҳмоқ бўлса.

— Шу ўзимизнинг чўпон Хўрозқулни айтяпсизми?

— Э, у ҳозир чўпон эмас, овулнинг энг бой одамларидан. Обрўли. Икки қаватли қаср қуриб олган. Иккита хотини бор. Биттасини ҳозир кўрдинг. Пул одамни ўзгартириб юбораркан... Фермани сотиб олган. Ем-пем, ўт-пўт — бариси қўлида. Магазинларнинг барини хусусийлаштириб олган... Хўрозбойнинг ўзи ёмон эмас. Яхши. Қарз сўрасанг йўқ демайди. Процентга беради. Фақат сал инжиқлиги бор. Обрўталаброқ. Ўтиборни яхши кўради. Айтганини қилсанг сендан яхши одам йўқ. Яқинда банкда пул бўлмай

қолган экан, уч ойлигимизни ёнидан тўлади. Яхши одам... Сал инжиқлиги бор... Яхши гапни яхши кўради. Уч-тўртта калласи қизиган ёрдамчилари бор. Ўшалар аҳмоқ. Саллани ол деса, каллани оладиганлардан... Ўчакишиб нима қилдик... Шундай кириб, бир оғиз қиёмат қарз саломимизни бериб ўтсак бўлди-да. Хурсанд бўлади. Обруйим бор экан, дейди... Айтдим-ку, арзимаган бир совға берсанг ҳам бўлади, деб... Жиянларга қолганиям етади... Ўйланма. Сен кетасан. Қасдига олса, хафа бўлса қиёматгача эсидан чиқармас. Ем деб молни ҳаром қотирадиган бир нарсани ташлаб кетади. Магазинга бориб олиб: «Мунга мой берма, мунга ун берма...» деб туриб олади. Одамлар кулади, лекин бир нарса демайди. Қасдига олса, охири қишлоқдан кўчиб кетишга мажбур қилади...

— Ўзбековулнинг мафиози экан-да, — дея истехзо қилишга уриндим мен.

— Нима десанг де, ука... Энди, ўзи бир ақли заиф бечора-да. Уриб бўлмаса, сўкиб бўлмаса... Бўлмаса, ўзи яхши одам. Лекигин қасдлашиб қолса ёмон... Ке, қўй, ўшаминан тенг бўласанми?! Ўзингни ўйламанг бизни ўйла... Озгина бўлсаям қарзимиз бор... Қарзи бор одамнинг тили қисик бўларкан... Эртан бир кун қайтиб кетсанг... Эсидан чиқармайди... Мени менсимади, беобрў қилди, деб... сомонхонамизга ўт қўйиб юборишдан ҳам тоймайди. Исботлаб кўр-чи. Милиса чақирсанг, справкаси бор. Кейин... кўз кўзга тушади, ўзбекчилик...

— Нима қил дейсиз, почча?

Тўғриси, у кишининг аҳволини кўриб эзилиб кетдим.

— Шу, кириб, бир оғиз... йўлнинг бўйида... Арзимаган эсдалик совға...

Кўзларига ёш қалққан поччам ортиқ гапиролмай қолди.

— Юринг-е...

Қайтиб таксига миндик.

Қирдан энаётган чоғимиз овулимизнинг ўртасига қурилган ягона икки қаватли, томига қизил шифер ёпилган уйга кўзим тушди.

— Шуми?

Поччам сўзсиз бош ирғади.

Қасрга яқинлашганимизда шу тарафдан келаётган оқ соқолли қарияни кўриб қолдим. Бўлам Мирза бобони таниб, ҳайдовчидан машинани тўхтатишни илтимос қилдим. Йўл четига ўтиб, бизга диққат билан қараб турган Мирза бобо машинанинг секинлашганидан ниятимизни илғади шекилли, шоша-пиша қўлини силкитиб «Асло тўхтаманг!» ишорасини қилди. Бетма-бет бўлганимизда иккала қўлини кўксига қўйиб, мулойимгина табассум қилиб турган бўлам «Авалло, бу ёққа қадам ранжида қилсинлар» дегандай зўр эҳтиром ила қасрни кўрсатиб турарди...

— Энди қаёққа юрай, йигит? — дея сўради ҳайдовчи.

Поччам шоша-пиша жавоб берди:

— Овулимизнинг энг бой, энг ҳурматли акахони бор. Аввал шу кишиникига бир дақиқага...

Таксичи маъқуллаб бош ирғади:

— Агар бой бўлса, албатта, аввал шу кишиникига кириш керак. Хўш, йигитча, нима дейсиз?

Товушим негадир бўғилиб чиқди:

— Ҳайданг... Хўроз...бойникига!

Поччам яйраб кетди:

— Сенинг бўладиган бола эканлигингни билардим!



МУНДАРИЖА

САҲРОДАГИ МУҲАББАТ.....	3
МИХ.....	136
БАНДИ.....	155
БОЙ («Биз ўтган йўллар» туркумидан).....	162



Абдуқаям Йўлдошев

САҲРОДАГИ МУҲАББАТ

(Қисса ва ҳикоялар)



Муҳаррир Дилдора Абдураимова
Бағий муҳаррир Мафшуна Ваххובה
Мусаҳҳих Дилдора Абдураимова
Техник муҳаррир Елена Толочко
Матн терувчи Гулчеҳра Азизова

Лицензия рақами АІ № 163. 09.11.2009. Босишга 2019 йил 20 августда рухсат этилди. Бичими 84×108^{1/32}. Офсет қоғози. BalticaUz гарнитураси. Шартли босма табағи 9,24. Нашр табағи 7,78. Адади 2000 нусха. Шартнома № 88 – 2019. Буюртма № 23.

Оригинал макет Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида тайёрланди. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефон: +998-71244-10-45. Факс: +998-71244-58-55.

«AVTO-NASHR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. 100005, Тошкент, 8-март, 57.